

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УЎК:811.512.132 (043.3)

**Холмурадова Муштарий Фахрутдин қизи**

**«ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ЛЕКСИКАСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини  
олиш учун ёзилган  
д и с с е р т а ц и я**

Илмий раҳбар: **Х.А. Дадабоев,**  
филология фанлари доктори, профессор

Тошкент– 2019

## М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	4
<b>I БОБ. «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ЛЕКСИКАСИНING СТАТИСТИК ВА ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>13</b>
1.1. «Қутадғу билиг»нинг туркологияда ўрганилиши.....	13
1.2. «Қутадғу билиг» лексикасининг статистик таҳлили ва генетик асослари.....	22
1.2.1.Ўз қатлам лексикаси.....	23
1.2.2.Ўзлашма қатлам лексикаси.....	46
Биринчи боб юзасидан хулосалар .....	58
<b>II БОБ. «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ЛЕКСИКАСИНING СЕМАНТИК ТАСНИФИ.....</b>	<b>59</b>
2.1. Ижтимоий-сиёсий терминлар.....	59
2.2. Ҳарбий терминлар.....	67
2.3. Савдо-сотик терминлари.....	72
2.4. Тиббий терминлар.....	75
2.5. Антропонимлар.....	82
2.6. Озиқ-овқат ва ичимлик номлари.....	87
Иккинчи боб юзасидан хулосалар .....	96
<b>III БОБ. «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ЛЕКСИКАСИНING ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....</b>	<b>97</b>
3.1. Полисемантик сўзлар .....	98
3.2.Метафора, метонимия, синекдоха усулидаги маъно кўчиши.....	100
3.3. Ўхшатишлар услубияти.....	106
3.4. «Қутадғу билиг» лексикасидаги семантик-парадигматик муносабатлар.....	113
Омонимия .....	113
Синонимия .....	118

Антонимия.....	125
<b>3.5. Парафразалар услубияти.....</b>	<b>133</b>
<b>Учинчи боб юзасидан хулосалар .....</b>	<b>137</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>139</b>
<b>Шартли қисқартмалар.....</b>	<b>142</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>143</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тил тарихи, унинг тараққиёт босқичлари, қадимги ёзма ёдгорликлардаги қарашларнинг ижтимоий ва маънавий қийматини ўрганиш, буюк аجدодларимиз тафаккури маҳсули бўлган манбаларни чуқур таҳлил қилиш муҳим илмий йўналишни ташкил этади. Мумтоз манбаларни ўрганиш юзасидан халқаро доираларда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Маънавий-маърифий меросни қадрлашга, ундан амалий равишда фойдаланишга оид қарорлар қабул қилинмоқда. ЮНЕСКО томонидан «Қутадғу билиг» яратилганига 950 йил тўлиши муносабати билан 2019 йилнинг «Қутадғу билиг» йили деб эълон қилиниши<sup>1</sup> миллатимиз тарихида муҳим воқеа бўлди.

Дунё тилшунослигида туркий тилларни қиёсий-тарихий, тарихий аспектда ўрганишга доир изланишлар олиб борилган. Бу тадқиқотларда туркий тилларнинг тарихий тараққиёти, генезисига доир маълумотлар келтирилган, тилларнинг умумий ва хусусий тараққиёт босқичларига доир илмий хулосалар берилган, специфик хусусиятлар ажратилган. Тарихий ёзма манбалар тилини, хусусан, «Қутадғу билиг» лексикасини ўрганиш, шу асосда давр тили хусусиятларини умумлаштириш, тараққиёт босқичларини аниқлаш, ҳозирги ўзбек тилига муносабатини белгилаш, лексик-семантик жараёнларни таҳлил қилиш, асар матнининг ўзига хос жиҳатларини ажратиш, муаллифнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини, асар сўз бойлигини ёритиш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мумтоз манбаларни ўрганиш ва тарғиб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «...тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда

---

<sup>1</sup> Yükseköğretim kurulu, yok.gov.tr; <https://www.turkcenindirilisi.com>>unesco; [www.unesco.org.tr](http://www.unesco.org.tr)

юртдошларимиз, аввало, ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига хурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш бўйича долзарб вазифалар турганини алоҳида таъкидлаш лозим»<sup>1</sup>. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари туркий тилда битилган илк бадиий дostonдир. «Қутадғу билиг» лексикасини ўрганиш туркий тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг кенг имкониятларини ёритишда, ўз ва ўзлашган қатлам муносабатини белгилашда, ҳозирги ўзбек тилида қўлланиш ҳолатини аниқлашда, семантик жараёнларни таҳлил этишда, буюк мутафаккир қарашларини, сўз қўллаш маҳоратини таҳлил қилишда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Қутадғу билиг»да қўлланган сўзлар семантикасига оид илк тадқиқот 1820 йилда Ю.Клапрот томонидан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 25 май.

амалга оширилган. Ж. Амадее 1823 йилда «Journal Asiatique» («Осиё журнали») да «Кутадғу билиг»нинг Вена нусхаси ҳақида маълумот бериб, кўлёманинг бир қисмини босиб чиқарди<sup>1</sup>, 1870 йилда Ҳ.Вамбери дoston қисмларини нашр эттирди<sup>2</sup>. Асар бўйича В.Радлов, С.Малов, А.Самойлович, С.Иванов, А.Кононовлар тадқиқот олиб боришган<sup>3</sup>.

Р.Р.Арат биринчилардан бўлиб асарнинг танқидий матни ва индексини яратди<sup>4</sup>. Г.Благова «Кутадғу билиг» материалларини «Бобурнома»га қиёслаб, унинг морфологик хусусиятларини таҳлил қилди. Шу асосда эски туркий тилнинг эски ўзбек адабий тили тараққиётида муҳим ўрин тутганлигини таъкидлади<sup>5</sup>. Р.Арзиев «Кутадғу билиг»нинг лексик-стилистик хусусиятларига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди<sup>6</sup>. Э.Бертельс, А.Валитова, А.Бомбачи, И.Стеблева, Ли Чи, Б.Султанов каби туркологлар асар юзасидан илмий изланишлар олиб боришган<sup>7</sup>. Ғ.Абдурахмонов<sup>8</sup>, Қ.Каримов<sup>9</sup>, Ҳ.Дадабоев<sup>10</sup> каби олимлар асарнинг лексик-семантик, синтактик хусусиятларини тадқиқ этишди. Б.Тўхлиев,

---

<sup>1</sup> Klaproth Julius: Abhandlung über die sprache und schrift der uiguren. – Paris. Nachdruck der Ausgabe von 1820 mit einem Vorwort von Wolfgang Ekkehard Scharlipp Hamburg, 1985; Jaubert A. Notice d'un manuskrit turk en caracteres ouigours // Journal Asiatique, 1825.

<sup>2</sup> Vambéry H. Uigurische Sprachmonumente Kudatku Bilik. – Innsbruck, 1870.

<sup>3</sup> Radloff W. Das Kudatku Bilik des Jusuf Chass- Hadschib aus Bälasagun. T. I. Der Text in Transcription. – St-Peterburg, 1891; Малов С.Е. Кутадғу билиг – факсимиле // Советское востоковедение. – М., 1948; Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. Издание подготовил С.Н.Иванов. – М.: Наука, 1967; Кононов А.Н. Поэма Ю. Баласагунского “Благодатное знание» // Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. Издание подготовил С.Н.Иванов. – М.: Наука, 1983. – С.496-517.

<sup>4</sup> Arat R.R. Kutadgu bilig. I. Metin. – Istanbul, 1947; II Tercüme. – Ankara, 1959; Ikinchi Baski Türk Dil Kurumu Yayinlari.

<sup>5</sup> Благова Г.Ф. «Кутадғу билиг», «Бабурнаме» и методика историко-лингвистического сопоставления // СТ. – №4. – Баку, 1970 – С.32-39.

<sup>6</sup> Арзиев Р. Лексико-стилистические особенности языка поэмы «Кутадғу билик» Юсуфа Хас Хаджиба. Дисс. канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1991.

<sup>7</sup> Бертельс Э. К вопросу о традиции в героическом эпосе тюркских народов. – М., 1949; Валитова А.А. Юсуф Баласагунский и его «Кутадғу билик». Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 1951. – С.11; Bombacı A. «Kutadgu bilig» hakkında bazı mulahazalar. – Istanbul, 1953; Стеблева И. В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – М., 1971; Ли Чи «Кутадғу билиг» ва халқаро тадқиқотлар // Сирли олам. – Т., 1992. – № 7–8; Султанов Б. Арабско-персидские заимствования в «Кутадғу билиг» Юсуфа Баласагуни // Советская тюркология. – № 4. – Баку, 1989. – С.14–19.

<sup>8</sup> Абдурахмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. – Т., 1998; шу муаллиф. «Кутадғу билиг» танқидий матнини тайёрлаш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2006. – №4. – Б. 26–28;

<sup>9</sup> Каримов К. Категория падежа в языке «Кутадғу билиг». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1962; шу муаллиф. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф). – Т., 1972.

<sup>10</sup> Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1991; шу муаллиф. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв. – Т.: Ёзувчи, 1991. – С.186.

Х.Абдуллаев, С.Иботов, З.Содиқов, Д.Тошпўлатовалар дostonни адабиётшунослик масалалари нуқтаи назаридан ўрганишди<sup>1</sup>.

Қ.Содиқов «Қутадғу билиг»нинг лингвистик хусусиятлари юзасидан тадқиқот олиб борди<sup>2</sup>, уйғур ёзувидаги қўлёзма асосида асарнинг график-фонетик хусусиятларига бағишланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди<sup>3</sup>. Ҳ.Дадабоев «Қутадғу билиг»даги ҳарбий, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий терминлар ҳамда бадий актуаллашган лексик воситалар тадқиқига эътибор қаратди<sup>4</sup>.

Ф.Абдужабборова «Қутадғу билиг»даги шахс белги-хусусиятини англаувчи лексикани махсус ўрганди, феъл-атвор билдирувчи лексемаларнинг семантик хусусиятларини таҳлил қилди<sup>5</sup>.

Инглиз, қозоқ, немис, қирғиз<sup>6</sup> тили ва бошқа тилларга таржима қилинган «Қутадғу билиг»нинг бадий ва илмий қимматини белгилайди. 2015 йилда «Türk Dil Kurumu» томонидан «Қутадғу билиг»нинг ҳар уч нусхаси факсимилеси эълон қилинди<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Тўхлиев Б. Вопросы поэтики «Кутадгу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба. –Т., 2004; шу муаллиф. Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билиг». –Т.:Юлдузча, 2004; Тўхлиев Б., Сидиқов Қ., Иботов С. Қутадғу билиг. Тўртликлар. –Т., 2010; Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг «Қутадғу билиг» поэтикасидаги ўрни ва бадий-эстетик функциялари. –Т., 2005; Иботов С. «Қутадғу билиг»нинг бир таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. –№5.–Т., 2007.–Б.37–38; Содиқов З. «Қутадғу билиг»даги ўхшатишларни таржима ва табдил қилиш тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. –№ 3. –Т., 2007; шу муаллиф. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. док. дисс.–Т., 2010; Тошпўлатова Д. «Қутадғу билиг» асаридаги мақоллар таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. –№5.–Т., 2006.–Б. 39–42.

<sup>2</sup>Садыков К. Языковые особенности «Кутадгу билиг» (на материале уйгурописьменного списка). Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1987.

<sup>3</sup> Содиқов Қ. XI–XIV аср уйғур ёзуви туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс.–Т.,1992.–Б. 230.; шу муаллиф. Туркий матнавислик тарихидан. Қадимги ёзма ёдгорликлар.–Т.:Ёзувчи, 2000; шу муаллиф. Глагол в языке «Кутадгу билиг»// Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. – Т.: Фан, 1994; шу муаллиф. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши.–Т., 2006.

<sup>4</sup> Дадабоев Ҳ. «Қутадғу билиг» матнида бадий актуаллашган лексик воситалар хусусида // Стилистика ва прагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2010. 4-5 июнь.–Б. 48–52 .

<sup>5</sup> Абдужаббарова Ф. «Қутадғу билиг»даги шахс белги-хусусиятини англаувчи лексика. Филол. фан. номз... дисс.–Т., 2011.–Б.162.

<sup>6</sup> Yusuf Khass Hacib. Wisdom of Royal Clory (Kutadgu Bilig) A Turko-Islamic Mirror for Princes. Translated. With an Introduction and Notes by Robert Dankoff. – Chicago and London, 1983; Жусуп Баласагын. Қуттуу билим. Дастан. – М., 1993; Cusup Balasagun. Kuttuu Bilim. I–III.Cilt. Çev.: Sıdkov S.–Bıřek, 2013.

<sup>7</sup> Yusuf Has Hacib. Kutadgu bilig. A. Viyana Nūshası (Wien, ÖNB, Cod A.F.13). –Ankara, 2015; Yusuf Has Hacib. Kutadgu bilig. B. Fergana Nūshası (Tařkent Davlat řarkřunaslik Institutı Huzurıdagı Abu Rayhan Beruniy namli řark kolyazmaları merkezi 1809.nr).–Ankara, 2015; Yusuf Has Hacib. Kutadgu bilig. C. Kahire Nūshası (Dāru'l-kutub va'l-vasāiki'l-kavmiyya tasavvuf turki 168. nr).–Ankara, 2015.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида «Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти» мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Қутадғу билиг»даги сўзларнинг статистик таҳлилини амалга ошириш, уларни тарихий-этимологик, лексик-семантик, функционал-стилистик жиҳатдан ўрганиш, дoston матнига хос лексик birlikларни ажратиш, асар бадиийлигини таъминлаган лексик воситаларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятларини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Қутадғу билиг»нинг ўзбек адабий тили ривожидан тутган аҳамиятли ўрнини асослаш;

асарда қўлланган сўзлар миқдорини статистик таҳлил ёрдамида аниқлаш;

doston лексикасини генетик жиҳатдан таҳлил қилиш, тарихий-этимологик асосларини аниқлаш; ўз қатлам ва ўзлашган қатлам сўзларини ажратиш, ўзаро нисбатини белгилаш;

асар лексикасининг ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларига муносабатини белгилаш;

асар лексикасини семантик жиҳатдан таснифлаш ва таҳлил қилиш;

муаллифнинг сўз қўллаш ва сўз яшаш маҳоратини очиб бериш;

кўп маъноли сўзлар, кўчма маъно ҳосил бўлиш йўллари, метафора, метонимия, синекдоха, парафразаларнинг асар бадииятини таъминлашдаги ўрнини ёритиш;

омоним, синоним, антонимларнинг семантик-стилистик хусусиятларини таҳлил қилиш;

«Қутадғу билиг»да қўлланган лексемаларнинг ўзбекча, русча, инглизча изоҳли луғатини тузиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхаси лексикаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** «Қутадғу билиг»даги лексик бирликларнинг статистик, тарихий-этимологик, семантик ва функционал-стилистик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий, статистик, қиёсий-тарихий, тарихий-генетик, компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

«Қутадғу билиг»даги ўз ва ўзлашган қатлам лексикасининг статистик таҳлили асосида туркий лексемалар 84 %ни ташкил этиши исботланган;

туркий сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек шеваларига муносабати асосланган ҳамда *qonuiq, yitür, börk, inäk, šatu, žiča* сингари лексемаларнинг ҳозирги ўзбек шеваларида фаол қўлланиши аниқланган;

асар лексикаси *ижтимоий-сиёсий, дипломатия, тиббий, ҳарбий, савдо-сотиқ сингари* 32 та семантик гуруҳга мансублиги аниқланган;

лексемаларнинг денотатив маънодан ташқари эмоционал-экспрессив вазифаларда келиши, метафора, метонимия, синекдоха каби кўчим турларининг асар бадииятини таъминлашдаги ўрни, муаллиф услубига хос ўхшатишлар, парафразалар асосланган;

лексемаларнинг шакл ва маъно муносабатига доир кўринишлари, синонимларнинг маънони даражалаб ифодалашдаги аҳамияти, омонимларнинг яширин маъноларни аниқлашдаги ўрни, антонимларнинг контраст тасвир усулидаги аҳамияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.**

Тил тарихи, тарихий лексикология, туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни мукаммаллаштиришда, тарихий, этимологик ва изоҳли луғатлар тузишда изланиш материалларидан

фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари ўзбек тили лексикасини математик моделлаштиришда формал лексик материал вазифасини ўтайди, ўзбек тили миллий корпуси, ўзбек тили тезауруси учун лексик материал бўлиб хизмат қилади. Диссертациянинг илмий хулосаларидан олий ўқув юртлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактабларида лексемалар, семантик жараёнлар, маъно торайиши, маъно кенгайиши, маъно кўчиши каби ҳодисалар, бадий-лексик воситаларни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадақиқот натижалари асосида тузилган «Қутадағу билиг»даги сўзларнинг ўзбекча, русча, инглизча изоҳли луғати» филология йўналиши талабалари, тадақиқотчилар ҳамда соҳа мутахассислари учун тарихий лексикология асосларини ўзлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Тадақиқотнинг амалий натижалари таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадақиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий маълумотларнинг ишончли назарий манбалардан олинганлиги, амалга оширилган таҳлиллар статистик, қиёсий-тарихий, тавсифий, компонент таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадақиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадақиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган илмий хулосаларнинг тил тарихига доир туркология муаммоларини таҳлил қилишда, ҳозирги ўзбек тили тарихи, тараққиёти, ўзбек тили лексикологияси ва лексикографиясига доир тадақиқотларда назарий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадақиқот натижаларининг амалий аҳамияти тил тарихи масалаларини тадақиқ қилишда зарурий материал бўла олиши; олий таълим тизимидаги «Тил тарихи», «Қадимги туркий ёзувлар», «Туркий тилларнинг қиёсий-

тарихий грамматикаси» «Семасиология» фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалари ва луғатлар яратишда манба бўлишида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Кутадғу билиг» лексикасининг тарихий-этимологик, функционал-стилистик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

асар матнидаги тарихий сўзлар, диалектизмлар ва мифологик лексикага оид туркий луғавий бирликлар маънолари изоҳидан, халқ дostonларида қўлланган эпик номлар, самовий ёритқичлар – ой, қуёш ва юлдуз билан боғлиқ лингвистик қарашлардан «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жылдигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасининг эллик тўртинчи («Тўлғаной»: дostonлар») жилдига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 21 июндаги 89-03-2353-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Фозил Йўлдош ўғли томонидан қуйланган «Тўлғаной» дostonи матни юзасидан луғат тузиш ва илмий изоҳлар ёзишда манба бўлиб хизмат қилган.

«Кутадғу билиг» лексикасидаги ўз ва ўзлашган қатлам ҳақидаги натижалардан давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилган А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги амалий грант асосида ўқув-услубий қўлланмаларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 июлдаги 89-03-2488-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўз ва ўзлашма қатлам нисбати белгиланган, туркий сўзларнинг миқдори аниқланиб, лойиҳа материаллари янги илмий манба ва қарашлар билан бойиган;

«Кутадғу билиг»да қўлланган, ҳозирда архаик сўзга айланган *bayirsaq* «марҳаматли», *ersig* «ботир», *ariy* «пок, тоза», *alchaq* «саховатли, юмшоқ кўнгил» каби лексемалар семантикаси бўйича олинган натижалардан

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Бедорлик» дастурида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг 2018 йил 25 июндаги 0218-1-115-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, маънавий-маърифий қиймати такомиллашган.

«Қутадғу билиг»да келтирилган архаик сўзлар маъноси талқинларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалида эфирга узатилган «Гил зийнати» кўрсатувининг «Ўтмиш сабоқлари» рукнини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телерадиоканалининг 2018 йил 26 июндаги 02-16-348-сон маълумотномаси). Натижада «Қутадғу билиг» матнининг бадиий хусусиятлари орқали ушбу кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган, кўрсатув материаллари янги манбалар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро, 27 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 50 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 7 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 141 саҳифани ташкил қилади. Ишга «Қутадғу билиг»даги 3370 лексеманинг ўзбекча, русча, инглизча изоҳли луғати илова қилинган.

# І БОБ. «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ЛЕКСИКАСИНING СТАТИСТИК ВА ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Мумтоз асарлар матнини лингвистик аспектда таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, тил ва нутқ, нутқ маданиятига доир тушунчаларни ўзлаштириш, тилнинг тарихий тараққиёт босқичи хусусиятларини ўрганиш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллект соҳиби сифатида тарбиялашда аҳамиятлидир.

«Қутадғу билиг» шахс маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган дидактик манбадир. Юсуф Хос Ҳожиб асар сўз бошисида қуйидаги фикрларни айтган: “*Bu kitabni oqiyli bu baytlarni ta’lum qiliyli kitabdin yaxshi ‘azizraq turur*”, яъни “бу китобни ўқиган, бу байтларни ҳаммага маълум қилган – бу китобдан ҳам яхшироқ, азизроқдир”.<sup>1</sup>

Асар шу кунга қадар олимлар томонидан турли аспектларда тадқиқ қилинган.

## 1.1. «Қутадғу билиг»нинг туркологияда ўрганилиши

«Қутадғу билиг» лексикасининг мазмун-моҳияти, аввало, унинг номида ўз ифодасини топган. Достон бўйича тадқиқот олиб борган туркологлар асар номини турлича табдил ва таржима қиладилар: “Знание, приносящее счастья” – “Бахт келтирувчи билим” (Ҳ.Вамбери, В.В.Радлов, Р.Р.Арат, В.Томсен), “Книга счастья” – “Бахт китоби” ёки “Осчастливающее управление” – “Бахтли бошқарув” (С. Е.Малов), “Знание образующее царей” – “Подшоҳ қилувчи билим” (В.В.Бартольд), “Наука управления” – “Бошқарув илми” (А.А.Валитова), “Благодатное знания” – “Бахт берувчи билим” (А.Н.Кононов, С.Н.Иванов), “Бахтлиланиш билими” (А.Фитрат), “Саодатга йўлловчи билим” (Қ.Каримов, Б.Тўхлиев), “Бахт берувчи китоб” (Ли Чи), “Саодатнома” (Н.Каримов), “Саодат берган билим» (Қ.Муниров).<sup>2</sup> Ли Чи

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Ҳозирги ўзбек тилига табдил қилувчи Қ.Каримов). –Т.: Фан, 1972.– Б.48.

<sup>2</sup> Radloff W. Das Kutadku Bilik des Jusuf Chass Hadschib aus Bälasagun. I.II. Text und Übersetzung nach den Handschriften von Wien und Kairo. St. – Peterburg, 1900. 2. Zieferung. St .Peterburg 1910. XXIV. – S.560; Arat R.R. Kutadgu bilig.I. Metin. –Istanbul,1947; II Tercüme. –Ankara, 1959; Ikinchi Baski Türk Dil Kurumu Yayinlari; Малов С. Қутадғу билиг–факсимиле // Советское востоковедение. –М.,1948. –С. 327; Валитова А.А. Юсуф

*qutadū* сўзининг *qut* ва *adū* сўзларидан иборат эканлигини айтиб, *qut*ни “бахт”, *adū*ни “бериш”; “ато этиш” деб талқин қилади. Аслида «Кутадғу билиг» –“*qut*” (бахт), “*edū*”– эзгулук, “билиг” (билим, китоб) бўлиб, “Бахт– эзгулик китоби” деб номлаш тўғри бўлар эди”.<sup>1</sup> Қ.Содиқов «Кутадғу билиг»ни (“Кут бергучи, кутлантирғучи билим”) деб атаган.<sup>2</sup>

Достон матнида *qutad=*, *qutud=* шаклидаги сўзлар учрайди. «Древнетюркский словарь»да бу сўзларнинг маъноси “бахтли бўлмоқ” («становиться счастливым») тарзида изоҳланган.<sup>3</sup> Шунга кўра, бизнингча, асар номининг яна бир – «Бахтли бўлиш илми» маъноси ҳам келиб чиқади. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб асарнинг номланиши ҳақида шундай фикр билдиради: *Kitab atī urdum qutadū bilig, qutadsu oqīyliqa tutsu elig*, яъни “Бу китобнинг отини «Кутадғу билиг» деб атадим, ўқиганнинг кўлидан тутиб бахт томон олиб борсин”.<sup>4</sup>

«Кутадғу билиг»дек ноёб асарни оммалаштиришда Вализода ва Абдурауф Фитратнинг ҳиссаси катта. Фитрат «Кутадғу билиг»нинг Наманган нусхасидан намуналар эълон қилди. Олим «Кутадғу билиг»нинг XX асрдаги йирик тадқиқотчиларидан бири сифатида эътироф этилган.<sup>5</sup>

Бир қатор тадқиқотлар «Кутадғу билиг»ни нашр этиш, илмий-танқидий матнини тайёрлашга бағишланган. Қ.Каримов биринчилардан бўлиб «Кутадғу билиг»ни ҳозирги ўзбек адабий тилига табдил қилишдек машаққатли вазифани бажарди. Биринчи табдил матнидаги нуқсонларни бартараф этиб, қайта нашр эттирди.<sup>6</sup> “Девону луғотит турк”, “Ҳибатул-

---

Баласагунский и его Кутадгу билик. Автореф. дисс. канд. филол. наук. –М., 1951. –С.11; Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. Издание подготовил С.И.Иванов. –М.: Наука, 1967; 1983; Абдурауф Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Самарқанд, 1929; Каримов К. Категория падежа в языке “Кутадгу билиг”: Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Т., 1962; Тўхлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хос Хаджиба.–Т.,2004; Тўхлиев Б. Юсуфа Хос Ҳожиб. “Кутадғу билиг”. –Т: Юлдузча, 2004; Ли Чи “Кутадғу билиг” ва халқаро тадқиқотлар // Сирли олам.–Т., 1992.–№ 7-8; Каримов Н. “Кутадғу билиг”нинг топилиши // Фан ва турмуш. –№ 2.–Т., 1993.

<sup>1</sup> Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. I jild. –Toshkent, 2010. –B.15-16.

<sup>2</sup> Sodiqov Q. Mangu qumaru // “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” gazetasi. –№50. –Т., 2010.

<sup>3</sup> Древнетюркский словарь. –Л., 1969. –Б.472-474.

<sup>4</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф). –Т.:Фан, 1972.

<sup>5</sup> Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Сўз боши муаллифи Ҳ.Болтабоев. –Т.: Mumtoz so‘z, 2008. –Б.3.

<sup>6</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф).–Т., 1972.

хақойиқ”, «Қутадғу билиг» асарларидаги А ҳарфи билан бошланувчи лексемаларни ўз ичига жамлаган “Қадимги туркий тил луғати” нашрга тайёрланди<sup>1</sup>.

Р. Р. Арат 1979 йилда «Қутадғу билиг»нинг матни (биринчи нашр 1947 йилда эълон қилинган) ва индексини омма эътиборига тақдим қилди.<sup>2</sup> Олимнинг тадқиқотлари асар бўйича олиб бориладиган илмий ишлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ғ.Абдурахмонов «Қутадғу билиг»нинг танқидий матнини тайёрлаш муаммолари тўғрисида илмий изланишлар олиб борди, А.Рустамов, Б.Тўхлиев, Ҳ.Дадабоев ҳамкорлигида асарнинг 5 жилдлик илмий-танқидий матнини нашрга тайёрлади<sup>3</sup>. Б.Тўхлиев «Қутадғу билиг»ни омма эътиборига тушунарли ва содда тилда тақдим қилди. Болалар учун мўлжалланган китобни турли ҳикматли сўзлар ва миниатюралар билан беади<sup>4</sup>. Ф.Равшанов дoston матнининг қомусий характерга эга эканлигини таъкидлади, «Қутадғу билиг»нинг янада оммалашини, асар матнини содда ва равон тилда ифодалаш учун ўз ҳиссасини қўшди<sup>5</sup>.

«Қутадғу билиг»даги теран мулоҳазалар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қарашлар асарни дунёга машҳур қилди. Асар бир неча тилларга таржима қилинди. Меҳмет Ўлмез асар матнининг турли тиллардаги таржималарига тўхталиб, қуйидаги вариантларни қайд этган:

1. В.В.Радловнинг немисча таржимаси (1890). 2. Р.Р.Аратнинг туркча таржимаси (1959). 3. Қ.Каримовнинг ўзбекча табдили (1971: манбада таржима деб келтирилган – М.Х). 4. Р.Данкоффнинг инглизча таржимаси (1983). 5. Урумчида бажарилган уйғурча таржима (1984). 6. А. Эгебаевнинг

<sup>1</sup> Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X-XII асрлар). –Т., 2009.

<sup>2</sup> Reşid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig (Metin). –Ankara, 1979; Reşid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig (Indeks).–Istanbul, 1979; Reşid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig (Indeks).–Istanbul, 1979.

<sup>3</sup> Абдурахмонов Ғ. “Қутадғу билиг” танқидий матнини тайёрлаш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2006. – №4. –Б.26-28; Abdurahmonov G. To‘xliyev B., Rustamov A., Dadaboyev H. Qutadg‘u bilig. I, II, III, IV, V jildlar. –Т.: Jahon print, 2011; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973.

<sup>4</sup> Тўхлиев Б. Вопросы поэтики “Кутадгу билиг” Юсуфа Хос Хаджиба. –Т., 2004; Тўхлиев Б. Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг”. –Т.:Юлдузча, 2004.

<sup>5</sup> Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. (Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи Ф.Равшанов). –Т.:Akademnashr, 2015. – Б.5.

козоқча таржимаси (1989). 7. Асарнинг хитойча таржимаси (1986). 8. Урумчидаги иккинчи уйғурча таржимаси (1991).<sup>1</sup>

З.Й.Содиқов «Қутадғу билиг»нинг олмонча ва инглизча таржималари қиёсий таҳлилини амалга оширди. Бу тадқиқот асарни қиёсий таҳлил методи асосида ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотда асарни бошқа тилларга таржима қилиш жараёнида бир қанча камчиликларга йўл қўйилгани таъкидланган<sup>2</sup>. Достоннинг бошқа тилларга таржималари қиёсий таҳлили борасида Қ.Содиқов, А. Абдуазизов каби олимлар тадқиқот олиб боришган<sup>3</sup>.

«Қутадғу билиг»ни ўрганишга қаратилган бир қатор изланишлар асарнинг мазмун-моҳияти, тарбиявий-маърифий аҳамияти, унда акс этган фалсафий масалалар, ижтимоий-маданий муносабатлар талқинига бағишланган. Асарни бу жиҳатдан тадқиқ қилишда А.Н.Кононовнинг хизмати катта. Олим «Қутадғу билиг»ни «...жамиятдаги инсон ҳаётининг мазмуни ва аҳамиятини таҳлил қилувчи фалсафий асар» деб таърифлаган.<sup>4</sup>

Турк олимлари А. Тусун, Ҳ. С. Угурлу “Девону луғотит турк” ва «Қутадғу билиг» асарларининг турк халқ маданиятидаги ўрнини алоҳида таъкидлайдилар.<sup>5</sup>

Бир қанча тиббиёт мутахассислари уйғур тиббиётининг келиб чиқиши борасида фикр билдириб, унинг кўп асрлик тарихга бориб тақалишини таъкидлашган. “Девону луғотит турк” ва «Қутадғу билиг»да келтирилган

---

<sup>1</sup> Mehmet Ölmez. Çağdaş türk dillerinde “Kutdgu bilig” çevirileri.–Türk dilleri araştırmaları 14 (2004): I03-I26.

<sup>2</sup> Содиқов З. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. док....дисс. –Т., 2010.

<sup>3</sup> Содиқов Қ. “Қутадғу билиг” тўртликларининг инглизча бадий таржима хусусиятлари. Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Т., 2010; Абдуазизов А. “Қутадғу билиг” инглиз тилида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 1993 йил 9 июль. –Б.6.

<sup>4</sup> Кононов А.Н. Поэма Ю. Баласагунского “Благодатное знание” // Юсуф Баласагунский. Благодатное знание.–М.:Наука, 1983.–С.496-517.

<sup>5</sup> Tosun A., Ugurlu H.S. The effects of religious culture and ethic knowledge textbooks on domestication in Turkey.-Procedia – SciVerse ScienceDirect.Social and Behavioral Sciences 46 ( 2012 ) 3497 – 3501.

фактик материалларнинг уйғур тиббиёти шаклланиши, ривождаги ўрнига юқори баҳо беришган<sup>1</sup>.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларини ўрганган З. Ҳамидов асарнинг юксак маънавий-маърифий қийматга эга эканлигини таъкидлаган<sup>2</sup>.

«Қутадғу билиг» тимсоллари тасвири айрим маданий тараққиёт элементларининг Шарқдан бошланганига далил бўлиб хизмат қилади. Карабук университети олимаси Л. Г. Кая санъат тарихи борасида фикр юритиб, XI асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ҳукмдорлар ва аъёнлар муносабатлари ҳақида маълумотлар беради. Унда айтилишича, XI асрда ҳукмдорлар махсус кубба (меҳроб) шаклидаги тахтда ўтиришган. Кўплаб ҳайкаллар, расмлар ва миниатюраларда ҳукмдорлар кўлида ҳукмронлик рамзи ҳисобланган олтин жом билан тасвирланган. Мана шу хусусият кейинчалик Ғарб маданиятининг шаклланишига ҳам таъсир қилган<sup>3</sup>.

Фалсафий, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги тадқиқотларда дostonдаги айрим лексемалар маъносига доир фикрлар ҳам баён этилган. Жумладан, Тракия университети тадқиқотчиси У.Хункан «Қутадғу билиг»даги элчилик мансаби хусусиятлари борасида илмий изланиш олиб борган. Тадқиқотчи Quz Ordu топонимининг маъносини куйидагича изоҳлайди: «Kuz Day», ya'ni “güneş görmeyen day” manasında...».<sup>4</sup> Қадимги туркий тилда *қуз тағ* قزتاغ “кун тушмас тоғ, кун оққандагина чап томони ёришадиган тоғ” деб юритилган. “Бу тоғ куннинг чап томонида жойлашиб, доимо қорга бурканиб турган” (ДЛТ, I, 315).

Анқара университети изланувчиси Н. Ҳ. Экрем Юсуф Хос Ҳожиб давридаги Кошғар ҳудуди, «Қутадғу билиг»нинг ёзилиш сабаблари

<sup>1</sup> Abdukadir A., Dubrovin D., Amat N., Liu V., Hashim A., Aikemu A., Mamtimin B., Halmurat U. The origins of Uyghur medicine: Diabetes and perspectives.-Sciens Direct. Journal of traditional Chinese Medical Sciences (2015). 2, 217e226.

<sup>2</sup> Ҳамидов З. Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари // Илмий хабарнома. –№2. –АДУ, 2017.–Б.37.

<sup>3</sup> Lütfiye Göktaş Kaya. Semiology in the teaching of history of art.– ScienceDirect. Procedia - Social and Behavioral Sciences 174 ( 2015 ) 3350 – 3357.

<sup>4</sup> Ömer Soner Hunkan. Yusuf Hâs Hâcib ve Kutadgu Bılıgde Elçilik Mansıbı. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi.Cilt 13.–Ankara, 2016.–B.103-121.

хусусидаги илмий изланишида *Koşgar* сўзининг этимологияси хақида шундай дейди: “Kâşgar kelimesinin etimolojisi ile ilgili Mançur İmparatorluğu dönemine ait kaynaklardaki açıklamalara göre “Kaş”, karişik renkler, “Gar” ise kerpiç evdir”<sup>1</sup>. (Kâşgar сўзининг этимологиясига оид Манчжур императорлиги манбаларига кўра *Kaş* “қоришиқ ранглар”, *Gar* эса “ғишт уй”дир).

Р. Данкофф «Қутадғу билиг»нинг қадимги туркий халқлар тарихидаги аҳамияти, ижтимоий ва диний қарашлар билан боғлиқ масалаларни ўрганди. Муаллиф асар байтларини насрий усулда баён этган. Маълумки, асар қаҳрамонлари номи рамзий характерда бўлиб, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маъно ифодалаган. Р. Данкофф асар қаҳрамонлари номининг луғавий маъносини изоҳлайди, қуйидагича тавсифлайди:<sup>2</sup>

<b>Name</b> (исм, ном)	<b>Occupation</b> (лавозим)	<b>Principle</b> (тамойил, амал)
Rising Sun (Тк.Күн Тоғди, lit. “the sun has risen”) (қуёшнинг чиқиши)	king (хукмдор)	Justice (адолат)
Full Moon (Тк.Ау Толди, lit. “the moon is full”) (тўлин ой)	vizier (вазир)	Fortune (бойлик)
Highly Praised (Тк.Ögdülmiş, lit. “praised”) (мақтовга лойиқ)	Sage (донишманд)	Intellect (or Wisdom) (ақл, донолик)
Wide Awake (Тк.Одүрмиш, lit. “awakened”) (кенг фикрли, заковатли)	ascetic (зоҳид)	Man’s Last End (охирги вафот этувчи киши)

Қ.Сидиқов «Қутадғу билиг» Ўзбекистонда ўрганилиш тарихи бўйича изланишлар олиб борди. Олим асарнинг аҳамиятини таъкидлар экан,

<sup>1</sup> Nuraniye Hidayet Ekrem. Yusuf Has Hâcib Devrinde Kâşgar. Kutadgu Bilig’in Yazıldığı Çevresel va Bilimsel Arka Plan. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. Cilt 13.–Ankara, 2016.

<sup>2</sup> Dankoff Robert. Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig). A Turko-Islamic Mirror for Princes.–Chicago, 1983.

академик Б.Назаровнинг Индиана университетида ўтказилган халқаро конференцияда Юсуф Хос Ҳожиб дидактикасининг аҳамиятини ёритиб, уни буюк Шарқ мутафаккирлари ҳамда Аристотель ва Сукротлар билан тенглаштиргани ҳақидаги маълумотни келтириб ўтади.<sup>1</sup>

Достон адабиётшунослик йўналишида ҳам тадқиқ этилган.<sup>2</sup> Бу ўринда асар матнидаги халқ мақоллари, фразеологик birlikларнинг бадиий-эстетик вазифалари, аҳамияти тўғрисидаги З.Ўнлер, Х.Абдуллаевларнинг ишларини келтириш мумкин.<sup>3</sup>

Бир қанча тадқиқотлар «Қутадғу билиг» нинг бадиий хусусиятлари талқинига қаратилган.<sup>4</sup>

Достон тил хусусиятларини монографик планда ўрганиш ХХ аср охирларида бошланди. Р.Арзиев асарнинг лексик-стилистик хусусиятларига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. «Қутадғу билиг» матнининг лингвостилистик таҳлилинини амалга оширди. Метафора, эпитет каби тасвир усулларига кенг тўхталди. Тадқиқот натижаларига таяниб, отлардан ҳосил қилинган метафораларнинг кўплигини асослаб берди. Инсон танаси қисмлари ( бош, жигар, бўйин, юз), ҳайвон номлари (арслон, бўри, от, кўй) асосидаги метафораларни изоҳлади. Асар ғоясини ифодалашга хизмат қиладиган грамматик, лексик ва услубий воситаларни таҳлил қилди. Юсуф Хос Ҳожиб ижодидаги контекстуал, окказионал антонимларни келтириб ўтди.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Сидиков Қ. “Қутадғу билиг” нинг Ўзбекистонда ўрганилиш тарихидан // ЎзМУ хабарлари. –Т., 2015. – №1/3. –Б.282-284.

<sup>2</sup> Dilaçar A. Kutadgu Bilig Incelemesi. – Ankara,1972; Тухлиев Б. Поэтика “Қутадғу билиг”. Дисс....канд.филол. наук. –Т., 2003.

<sup>3</sup> Önlер Z. “Kutadgu bilig”de Yer Alan Deyimler// Türk Dilleri Araştırmaları. Cilt 9. – 1999. – S.119-186; Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий-эстетик функциялари. Филол. фан. номз....дисс. –Т., 2005.

<sup>4</sup> Стеблева И. В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – М., 1971; Валитова А.А. Типология восточной поэмы // Советская тюркология. –Баку, 1973. –№ 4. –С. 31-42; “Kutadgu bilig” Istilistikasi / A. Abdullah. Y. Raşidin. P. Hamut. A. Rahman. G. Abdugul. – Ürümçü. 2001. – S.355; Баялиева Г. “Қутадғу билик” дастаны тилиндегі көпмағыналы сын сiмдер// Тiлтаным. Языкознание. – Алматы, 2003. –№1. – С.93-96; Sertkaya O.F. Kutadgu Biligdeki Dörtükler üzerine // Türk Dilleri Araştırmaları Cilt 14. – Istanbul, 2004. – S.67-77; Тухлиев Б. Вопросы поэтики “Қутадғу билиг” Юсуфа Хос Хаджиба. – Ташкент, 2004. – С. 119.

<sup>5</sup> Арзиев Р. Лексико-стилистические особенности языка поэмы “Қутадғу билик” Юсуфа Хас Хаджиба. Дисс. канд. филол. наук.–Алма–Ата, 1991.

А.Касиева «Қутадғу билиг»даги метафораларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганди.<sup>1</sup> Метафорани юзага келтирувчи айрим сўзлар этимологиясида ҳам тўхталган. Жумладан, олима асарда қўлланган *bayirsaq* ва *tariўsi* сўзларини қуйидагича изоҳлайди: “Метафора бағырсақ тапуғчы – “сердечный слуга – сердце” бағыр [печень], в русском переводе “ближе сердце в груди”, а в англ. “[его] держи близко к груди”.<sup>2</sup> А.Касиева мулоҳазаларида *бағыр* “жигар” лексемасининг “яқинлик” семаси англашилади, яъни *бағыр* “жигар” кўкрак қафасида юракка энг яқин аъзо сифатида тилга олинган. Олима талқинларидан инсоннинг бу ёруғ оламдаги энг яқинлари – оға-ини, опа-сингиллари “жигар”га нисбатланиш сабаблари аён бўлади.

Абдулла Кўк «Қутадғу билиг»да қўлланган *devlet* сўзининг метафорик маъноларини ўрганган бўлса,<sup>3</sup> С.С. Шаҳин «Қутадғу билиг»даги бир-бирига зид маъноли сўзлар борасида илмий изланишлар олиб борган<sup>4</sup>. Г. Курманғалиева «Қутадғу билиг» даги *адолат* сўзини, У.Яйлагул *тушунча* маъносини, Меҳмет Вефа ёш хусусиятларини билдирувчи сўзларни, Б. У. Налбант боғловчиларни ўрганган.<sup>5</sup>

Ўзбек тилшунослигида «Қутадғу билиг»ни лингвистик аспектда тадқиқ қилишни Қ. Каримов бошлаб берди. Олим биринчилардан бўлиб Наманган нусхаси асосида асарнинг табдилини амалга оширди. «Қутадғу билиг» даги келишиқлар категориясини махсус тадқиқ қилди.<sup>6</sup>

---

<sup>1</sup> Касиева А. Лексико-семантический анализ метафор “Кутадгу билиг”. –Бишкек, 2005.

<sup>2</sup> Касиева А. Антропоморфная метафора в поэме “Кутадгу билиг” и особенности перевода ее на английский язык. *Sosyal Bilimler Dergisi*. Sayı:15,2006.–С.142.

<sup>3</sup> Abdullah Kök. Yüz yılda Türklerin Dünyasında Yusuf’un Tanıklığında ‘Devlet’in Anlamı.– *Modern Türklük Araştırmaları Dergisi*. Cilt 13.–Ankara, 2016.–S.124-156.

<sup>4</sup> G.Selcan Sağlık Şahin. Kutadgu Bilig’de Karşıtlıklara Bakış:İlişkisel Karşıtlıklar. –*Modern Türklük Araştırmaları Dergisi*. Cilt 13.–Ankara, 2016.–B.207-219.

<sup>5</sup> Güljanat Kurmangaliyeva Ercilasun. Kutadgu Bilig’deki Adalet Kavramının Geleneksel Kazak Toplumundaki Yansımaları:Kutadgu bilig’de va Kazak Toplumunda Adalet.– *Modern Türklük Araştırmaları Dergisi*. Cilt 13.–Ankara, 2016.–S.158-165; Mehmet Vefa Nalbant.Yaşname Geleneği İçinde Kutadgu Bilig ve Kutadgu Bilig’de Yaş Konusu.– *Modern Türklük Araştırmaları Dergisi*. Cilt 13.–Ankara, 2016.–S.167-177; Bilge Özkan Nalbant.Kutadgu Bilig’de Bağlama Grupları.–*Modern Türklük Araştırmaları Dergisi*. Cilt 13.–Ankara, 2016.–S.193-205.

<sup>6</sup> Каримов Қ. Категория падежа в языке “Кутадгу билиг”. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1962. – С.25; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. ( Транскриция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф). –Т., 1972.

Э.Фозилов «Кутадғу билиг» да қўлланган сўзларнинг 2854 таси «Древнетюркский словарь»да келтирилганини қайд этди.<sup>1</sup>

Қ.Содиқов дostonнинг уйғур ёзувидаги матни асосида фонетик-график, морфологик ва лексик хусусиятларини ўрганди. Ёдгорлик тилида тўққизта унлининг мавжудлиги, сингармонизм қонуниятининг қатъий амал қилишини аниқлади, асар лексикасини 21 мавзуий гуруҳга ажратиб таҳлил қилди.<sup>2</sup> Олим XI – XII аср уйғур ёзуви туркий ёдгорликларнинг график-фонетик ҳамда тил хусусиятлари борасида илмий изланишлар олиб борди. XI асрдаги диний қарашлар, астропонимларга оид мақолалар эълон қилди<sup>3</sup>. Дostonнинг уйғур ёзуви Хирот нусхасини атрофлича тадқиқ қилди.<sup>4</sup> Қ.Содиқовнинг илмий изланишлари асарни ўрганувчилар учун қимматли манба ҳисобланади.

Ҳ.Дадабоев панднома сўз бойлигидан ўрин олган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий терминлар тизими, бадий актуаллашган воситалар, синфий-табақавий терминлар борасида илмий изланишлар олиб борди, асарнинг илмий-танқидий матнини нашр қилишда иштирок этди.<sup>5</sup>

Ф.А.Абдужабборова номзодлик диссертациясида «Кутадғу билиг»даги шахс белги-хусусияти, характери, феъл-атворини ифодаловчи лексик birlikларни тадқиқ қилган. Шахснинг ёши, ташқи белгиси ва ижтимоий ҳолатини ифодаловчи лексика махсус ўрганилган. Ишда Юсуф Хос Ҳожиб

<sup>1</sup> Фазылов Э. Лексика «Кутадгу билиг» в древнетюркском словаре// Советская тюркология. –№ 4.–Т.,1970–С. 49-55;

<sup>2</sup> Садыков К. Языковые особенности “Кутадгу билиг” ( на материале уйгурописьменного списка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – С. 27.

<sup>3</sup> Содиқов Қ. XI–XIV аср уйғур ёзуви туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Филол. фан. док...дисс.–Т.,1992.–Б.230; шу муаллиф. Туркий матннавислик тарихидан. Қадимги ёзма ёдгорликлар.-Т.:Ёзувчи, 2000; шу муаллиф. Глагол в языке “Кутадгу билиг”// Историко-лингвистический анализ лексикки старописьменных памятников. – Т.: Фан, 1994; шу муаллиф. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Т., 2006.

<sup>4</sup> Содиқов Қ. “Кутадғу билиг”нинг уйғур ёзуви Хирот нусхаси.–Т., 2010.

<sup>5</sup> Дадабоев Х. Қадимги ёзма ёдгорликларда ҳарбий лексика // Адабий мерос. 1980. –Б.56-63; он же. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI – XIV вв. Историко-лингвистический анализ лексикки старописьменных памятников. –Т.: Фан, 1994. –С. 32-43; шу муаллиф. “Кутадғу билиг” матнида бадий актуаллашган лексик воситалар хусусида // Стилистика ва прагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд, 2010. 4-5 июнь.–Б. 48-52; шу муаллиф. Yusuf Hos Hojib. Qutadg‘u Bilig. II Jild. – Т., 2011 (2534–2723- baytlar); шу муаллиф. Yusuf Hos Hojib. Qutadg‘u Bilig. III Jild. –Т., 2011 (2724–3337-baytlar); Yusuf Hos Hojib. Qutadg‘u Bilig. IV–V Jild. – Т., 2011 (5100–5810- baytlar).

махорати билан боғлиқ маънодошлик қаторлари (*абучқа // авычга, қары, көкчин*), бадийликни таъминловчи муаллиф ижодига хос сўзлар (*үрүң қырғыл “оқ сочли”*) изоҳланган. Шахснинг белги-хусусияти, характери, хулқ-атворини ифодаловчи лексик бирликлар статистикаси аниқланган, улар бир канча лексик-семантик гуруҳларга ажратилган.<sup>1</sup>

Б.Абдушукуров “Қисаси Рабғузий” лексикасининг қадимги туркий ва эски туркий манбалари тилига муносабати масаласини ўрганиб, “Қисаси Рабғузий”да келтирилган *abuşqa, avuĭ, anuq, sanduvaĭ, bağirsaq, teyiŋ* каби қадимги туркий тилга оид сўзларни таҳлил қилади ва *anuq, sanduvaĭ, teyiŋ* лексемаларининг илк бор «Қутадғу билиг»да келтирилганини қайд этади.<sup>2</sup>

Э. Умаров, О. Жўраев, Ҳ. Болтабоев каби олимлар ҳам «Қутадғу билиг» асари юзасидан самарали илмий изланишлар олиб борганлар<sup>3</sup>. «Қутадғу билиг» нинг таълим босқичларида ўрганилиши, дидактик мазмуннинг ўқувчи-ёшлар онгига сингдирилиши борасида ҳам тадқиқотлар амалга оширилган<sup>4</sup>.

## **1.2. «Қутадғу билиг» лексикасининг статистик таҳлили ва генетик асослари**

Тадқиқотда «Қутадғу билиг» асарида қўлланган 3370 та лексеманинг статистик таҳлили амалга оширилди. Генетик таҳлил қилинган 3370та лексеманинг 2817 таси туркий (28 таси қоришиқ; 84%), 416 таси арабча (11%), 91 таси форс-тожикча (3%), 7 таси санскритча (0,2%), 7 таси сўғдча (0,2%), 6 таси хитойча (0,14%), 13 таси гибрид сўз (0,4%): 7 таси арабча+форсча, 2 таси арабча+юнонча, 2 таси санскритча + форсча, 1 таси

<sup>1</sup> Абдужаббарова Ф. “Қутадғу билиг”даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол. фан. номз... дисс. –Т., 2011.


<sup>2</sup> Абдушукуров Б. Қисаси Рабғузий лексикаси. –Т.: Akademnashr, 2008; Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикасининг қадимги туркий ва эски туркий манбалар тилига муносабати // ЎзМУ хабарлари.–Т., 2016.

<sup>3</sup> Умаров Э. “Қутадғу билиг” даги бир ибора тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти.–Т., 1970.–№ 6.–Б.64-66; Жўраев О. Юсуф Хос Ҳожибнинг образ яратишдаги маҳорати // Ўзбекистон адабиёти тарихидан материаллар ва тадқиқотлар.–Т., 1982; Болтабоев Ҳ. Бахтлиланиш билими // Тил ва адабиёт таълими. –№ 11.–Т., 2009.–Б. 41-55.

<sup>4</sup> Абдурахмонова Б. Таълим босқичларида «Қутадғу билиг»ни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогика фан. номз...дисс.автореф.–Т., 2007.

форсча+ҳиндча, 1 таси арабча+лотинча birlikдир. Жами лексеманинг 2500 таси исм категориясига, 870 таси эса ҳаракат-ҳолат категориясига мансуб.<sup>1</sup>

Достон лексикасининг тарихий-этимологик таркибини қуйидаги диаграмма орқали кўрсатиш мумкин:



### 1.2.1.Ўз қатлам лексикаси

«Қутадғу билиг»нинг биринчи тадқиқотчиларидан Ҳ.Вамбери туркийлар ҳақида сўз юритиб, «Оврўпада ибтидоий ҳаёт ҳукм сурган бир пайтда туркийларда миллий адабиёт равнақ топганлиги»ни таъкидлайди<sup>2</sup>. Олим назарда тутган «миллий адабиёт» тушунчаси «Қутадғу билиг» мисолида яққол намоён бўлган эди.

Достон таркибида қўлланган туркий сўзлар структур-грамматик хусусиятларига кўра икки гуруҳга оид:

1. Туб сўзлар: *aba* «аждод», *erk* «куч, ҳокимият», *esän* «соғ-омон, эсон», *ew* «уй», *esür* = «маст бўлмоқ, сархуш бўлмоқ». «Қутадғу билиг» матнидаги туб туркий сўзлар CVC, VCV, VC, VCVC қолипида бўлиб, туркий тилларнинг фонетик тузилишини таҳлил қилишда фактик материал вазифасини ўтайди. Туркий тилларда CVCC қолипидаги бўғин тузилиши учрамаслиги, бир бўғинда икки ундошнинг қатор келмаслиги асосий фонетик-структурал белги сифатида қайд этилади. «Қутадғу билиг» даги

<sup>1</sup> Тадқиқотда туркология, ўзбек тили тарихий лексикологияси, тил тарихи доирасида олиб борилган изланишлардаги статистика тамойилларига асосланлиди.

<sup>2</sup> Содиков З. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асари олмонча ва инглизча таржималарининг киёсий таҳлили. Филол. фан. док....дисс. –Т., 2010. –Б.41.

мисоллар унли билан бошланувчи бўғинда қатор ундош келиши мумкинлигини кўрсатади: *ost, ust, erk*. “Туркий туб сўзлар туркий тиллар келиб чиқиши, шаклланиши, тараққиётини кўрсатувчи, шу тилда мулоқот юритувчи халқнинг тарихий ва ҳаётий кечимини ёритувчи тил факти экан, уни бор хусусияти билан тадқиқ этиш, ўрганиш туркология учун зарурий масала бўлиб қолади<sup>1</sup>.

## 2. Ясама сўзлар:

а) туб туркий сўзга ясовчи аффикслар қўшиш ёрдамида ҳосил бўлган сўзлар: *bayirsaq* “меҳрибон”, *alpliқ* “баҳодирлик”, *ayiči* “ҳазинабон”, *etükči* “этикдўз”, *ökünč* “ўкинч, афсус”;

б) ўзлашмаларга туркий қўшимчалар қўшиш билан ясалган қоришиқ сўзлар:

арабча+туркий: *azizlik* “азизлик”, *ažizliқ* “ожизлик”, *ažalsiz* “ажалсиз”, *duači* “дуо қилувчи”, *γafilliқ* “ғофиллик”, *γaziliқ* “эътиқод учун курашувчи”, *hažibliқ* “ҳожиблик”, *hilasiz* “ҳийласиз”, *maliklik* “маликлик”, *mašriqliқ* “машриқлик”, *vafaliу* “вафоли”, *zuhdliу* “зоҳидлик”, *vazirliқ* “вазирлик”, *qudratliу* “қудратли”, *χatarliу* “хатарли”, *žafāliқ* “жафоли”, *žafasiz* “жафосиз”;

форсча+ туркий: *abadanliқ* “ободонлик”, *afsunči* “афсунчи”, *irānliу* “эронлик”, *šakarlig* “шакарли, ширин”;

сўғдча +туркий: *ažunči* “жаҳонгир”, *ažunliу* “дунё соҳиблари”.

**Туркий сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.** «Қутадғу билиг»даги асл туркий сўзларни ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатига кўра тўрт гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

а) ҳозирги ўзбек адабий тилида айни шаклда ва маънода қўлланадиган сўзлар;

б) фонетик ўзгаришлар билан ишлатиладиган сўзлар;

в) семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган сўзлар;

г) ҳозирги ўзбек шеваларида ишлатиладиган сўзлар;

---

<sup>1</sup> Миртожиев М. Туркий туб сўзлар. – Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – Б.6.

д) ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолдан чиққан сўзлар.

**Ҳозирги ўзбек адабий тилида айна шаклда ва маънода қўлланадиган сўзлар.** Асар матнидаги 400дан ортиқ лексема ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик ўзгаришларсиз, айна шакл ва маънода ишлатилади. Ас “овқатга эҳтиёж бўлган ҳолат”, *böz* “бўз” (мато), *in* “ин”, “хайвон уяси”, *ayu* “оғу, захар”, *buziq* “бузук, ишдан чиққан”, *acil* = “ҳал қилмоқ, ечмоқ”, *acil* = “ачинмоқ”, *ayna* = “ағнамоқ”, *ari* = “тозаламоқ, покламоқ”, *bezän* = “безанмоқ”, “ясанмоқ”, “оро бермоқ”, *birik* = “бирикмоқ”, “тўпланмоқ”, “қўшилмоқ”, *imlä* = “ишора қилмоқ”, *in* = “инмоқ”, *yastan* = “ястанмоқ” каби сўзлар шулар жумласидандир.

**Фонетик ўзгаришлар билан қўлланадиган сўзлар.** Асар лексикасидаги 1700 та сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида айрим фонетик ўзгаришлар билан қўланади. Фонетик ўзгаришлар талаффуз меъёрлари, минг йилга яқин вақт оралиғидаги лингвистик жараёнлар билан белгиланади. Қуйида фонетик ўзгаришлар билан қўланадиган айрим лексемалар борасида тўхталамиз.

**Edgü** лексемаси “Култегин” битиктошида *edgü* шаклида қўлланган: *yayiq ersär edgü ayi berür*<sup>1</sup>. “Девону луғотит турк”да ҳам *edgü* шаклида келиб “яхши, эзгу, чиройли” маъноларида ишлатилган<sup>2</sup> (ДЛТ, I, 149). «Қутадғу билиг»да бу сўзнинг *edgü*, *edgü* шакллари қўлланган: *Kimi edgü tutsa bayat edläsä, qamuy edgü boldi anında basa* – Кимни Худо эзгу тутса, улуғласа, шу туфайли (унинг) ҳамма (ишлари) яхши бўлади (ҚБН, 6064; 222b3).<sup>3</sup> Яъни, инсон “эзгу тутилиши, улуғланиши” учун яхши амаллари, ибратли фаолияти билан умрини безамоғи лозим. Бугунги кунда *edgü/ edgü* сўзи фонетик

<sup>1</sup> Древнетюрский словарь.–Л., 1969.–Б.163. Кейинги ўринларда ДТС тарзида берилади. Ҳажм талабига кўра ишда ҳавола ўрнида қисқартмалардан фойдаланилди.

<sup>2</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I жилд.–Т.,1960.–Б. 149. Кейинг ўринларда ДЛТ тарзида берилади.

<sup>3</sup>“Қутадғу билиг” байтлари халқаро транскрипция (IPA) асосида берилди. Байтларнинг табдилини беришда Қ.Каримов нашрига асосланилди (Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф қилувчи Қ.Каримов.–Т., 1972). Кейинги ўринларда байтлар манбаси (ҚБН, байт рақами; қўлэманинг а ёки б томон рақами) тарзида кўрсатилади. Баъзи байтлар мазмунини ёритишда Kutadgu bilig. В. Fergana Nūshası (Taşkent Davlat Şarkşūnaslık Institutı Huzurıdagı Abu Rayhan Berunıy namli Şark kolyazmaları merkezi 1809.nr).–Ankara, 2015 факсимилесига асосланилди.

ўзгаришга учраган, *ezgi* шаклида қўлланади. Айрим ёзма манбаларда *edgü* сўзининг “фойдали, сахий, соғлом, ишончли” маънолари ҳам қайд этилган.<sup>1</sup>

“Эзгу, ёқимли” маъносидаги **yaqšī** сўзи ҳам ҳозирги кунда фонетик ўзгаришга учраган. Сўз таркибидаги чуқур тил орқа *q* (*к*) товуши *х* га алмашган: *yaqshī*. «Қутадғу билиг» да: *Edi yaqšī aymiš biliglig qarī, biligligkä aytib išin qil yurī* –Билимли, ёшулли жуда яхши айтибди, кел, ишингни билимлидан сўраб қил (ҚБН, 4283; 158b12). “Ўғузнома”да ҳам **yaqšī** шаклида учрайди: *baluqni yaqšī saqlap sen tep tedi* (ДТС, 238). Сўзнинг «Қутадғу билиг»даги шакли сўзнинг этимологик таҳлилга аниқлик киритади: лексик бирликнинг *yaq*= асосидан шаклланганини кўрсатади. *yaqšī* // яхши “ижобий сифатга эга”, “кишига ёқадиган, маъкул бўладиган” (ЎТЭЛ, I, 146).

“Ғала-ғовур, шовқин-сурон, тўс-тўполондан холи” маъноларини билдирган **inč** лексемаси Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳамда «Древнетюркский словарь»да айна шаклда қайд этилган: *könül inč-mü?* (ДЛТ, III, 437; ДТС, 210). «Қутадғу билиг» да шу асосдан ясалган *inčin* (хотиржам), *inčlän* (тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ), *inčlik* (тинчлик, хотиржамлик), *inčrün* (тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ) каби сўзлар қўлланган: *Ne inčlik tilär-sä tünäktä turub, ne arzu qulur-sä könül ög urub* –Сен зиндонда туриб қандай фароғат (тинчлик) тилайсан, кўнгил (ва) ақлингни бериб қандай орзу истайсан?(ҚБН, 5311; 195b8). Байтда *tünäk* “зиндон” дейилганда “дунё” назарда тутилмоқда. *Tünäk* тун сўзининг “қоронғулик”, “зимистон” семалари асосида юзага келган. **Inč** лексемаси ҳозирги ўзбек тилида *tinč* шаклида қўлланади.

“Ўзи билан ўзи бўлиш, яккалик; танҳолик” маъноси **yalғuz** лексемаси орқали ифодаланган: *Atalīy atasiz qalir yalғuzun, analīy anasiz bolur öksüzün* – Отали (лар) ёлғизликда отасиз қолади (лар), онали (лар) етимлик билан онасиз бўлади(лар) (ҚБН, 5267; 194a7). Байтда шахснинг якка ўзи қолишидан кўра кўпроқ “мададсиз, таянчсиз, ғамхўрсиз”, “руҳан ёлғиз” қолиш маънолари акс

<sup>1</sup> Дадабаев Ҳ. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991.–Б.61.

этган. «Древнетюркский словарь»да бу сўзнинг *yalhuzun* “танхо, якка”, *yalhuzluq* “ёлғизлик” каби шакллари учрайди (ДТС, 230). Бугунги кунда **yalhuz** фонетик ўзгаришга учраган, *yolg'iz* шаклида талаффуз қилинади ва ёзилади (ЎТИЛ, II, 33).

“Ҳар бир нарса ва модданинг ҳид билиш сезгиларига таъсир этадиган хоссаси; бўй, ис” маъносини билдирган **yid** лексемаси қўлланган: *Tümän tü čečäklär yazıldı külä, yıpar toldi kafur ažun yid bilä* – Турли-туман чечаклар кулиб очилди, олам ипор ва кофур хиди билан тўлди (ҚБН, 69; 10a4). **Yid** ҳозирги ўзбек тилида *hid* шаклида ишлатилади.

Достон лексикасидаги айрим сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида метатезага учраган шаклда қўлланади. “Булутлардан сув томчилари ҳолида тушадиган, ёғадиган ёғин” маъносини англатган **yaγmur** лексемаси қадимги туркий тилда “осмондан ёғин шаклида тушиб турмоқ” маъносини англатган *yağ-* феълидан *-mur* қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 57). «Кутадғу билиг»да *yaγmur* бутун борлиқни яшилликка буркайдиган, яшнатадиган табиат ҳодисаси сифатида тилга олинган: *Yaya tursu yaγmur yazılsu čečäk, qurumiš yıyačdın salınsu köräk* – Ёмғир ёғаверсин, гуллар очилсин, қуриган [яъни яланғоч] дарахтлардан япроқ чиқсин (ҚБН, 114; 11b3). Ҳозирда бу сўз метатеза ҳодисасига учраган кўринишда ишлатилади: *yomg'ir* (ЎТИЛ, II, 36). Бу сўз Маҳмуд Кошғарий луғатида *yaγmur* ва *yamγur* шаклларида қайд этилган (ДЛТ, III, 38; ДТС, 231). Метатезага учраган сўзнинг асл шаклини тиклаш лексеманинг *yaγ=* феълидан *-mur* от ясовчи қўшимчаси орқали шаклланганини асослайди. Бу қўшимча ҳозирда истеъмолдан чиққан ҳамда сўз таркибида яхлитланиб қолган.

“Билим, касб, иш ва шу кабиларни ўзлаштирмоқ, эгалламоқ, билиб олмоқ” маъноси **ögrän=** лексемаси билан ифодаланган: *Sen aymış bu sözlär kim ögränsälär, ažun icrä bulγaj tiläk arzular*– Сен айтган бу сўзларни ким(лар) ўрганса(лар), дунё ичра тилак-орзуларини топади(лар) (ҚБН, 4577; 169b8). Асарда *ög* “билим, ақл-заковат” асосидан ясалган *ögä* “донишманд, доно,

олим”, *ögälik* “донишмандлик”, *öglüg* “ақли”, *ögrät*= “ўргатмоқ” каби сўзлар қўлланган. Махмуд Кошғарий луғатида *ög* лексемаси ҳақида шундай маълумот бор: **ög** – ақл ва зийраклик. Шунинг учун ёши улғу ва ақллиларга **ögä** лақаби берилади. Бу сўз ўрта ёшга етиб улғайган ҳар бир ҳайвонга нисбатан ҳам ишлатилади. Шунингдек, тўрт ёшдан ошган отларга *ög am* дейдилар (ДЛТ, I, 82). **Ögrän**= метатезага учраган, ҳозирги ўзбек адабий тилида *oʻrganmoq* шаклида ишлатилади: *ögrän* > *örgän*. Сўз фузия (ўзак ва қўшимчалар чегарасининг сезилмай қолиши) ҳодисасини ҳам намоён этади. Айрим туркий тиллар, жумладан турк тилида «Қутадғу билиг» даги шаклда шаклида қўлланади: *öğrenmek* (ТРСл, 699).

*Ҳағ* асосидан шаклланган **yañil**= сўзи “янглишмоқ, адашмоқ, хато қилмоқ” маъноларини англаган: *yañilmaz kişi kim ayu ber menä, yañilmış tümän miñ ayayın señä* – Янглишмас киши ким менга айтиб бер, янглишганлар туман мингта, сенга айта қолайин (ҚБН, 195; 4b3). Ҳозирги ўзбек адабий тилида *янглишмоқ* шаклида ишлатилади. *Yanglish*- “тўғри йўлни йўқотмоқ, адашмоқ”. Бу сўз қадимги туркий тилдаги “хато қилмоқ” маъносини ифодаловчи –(ы)л қўшимчасини олган шаклидан “бир оз” маъносини ифодаловчи -(ы)ш қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, I, 139).

*Ау*= “айтмоқ, гапирмоқ, номламоқ, тилга олмоқ”, *abinč* “овунч, ҳузур-ҳаловат”, *basimči* “босқинчи, ёвуз”, *edär* “эгар”, *edgülik* “эзгулик, яхшилик”, *eksük* “ўксук, камчилик, етишмовчилик”, *yadaу* “яёв, пиёда”, *yalin* “ёлқин, аланга”, *qatyi* “қаттиқ”, *yadil*= “ёйилмоқ”, *yun*= “ювинмоқ, таҳорат қилмоқ”, *odul*= “уйғотмоқ, уйғонмоқ”, *odun*= “уйғонмоқ”, *odur*= “уйғотмоқ, қўзғатмоқ”, *semri*= “семирмоқ” каби сўзлар ҳам ҳозирги адабий тилда фонетик ўзгарган шаклларда қўлланади.

«Қутадғу билиг»да ишлатилган, ҳозирги ўзбек тилида айрим фонетик ўзгаришлар билан қўлланаётган лексик birlikлар сўз таркибидаги структур-грамматик жараёнлар ҳақида ҳам маълумот беради. Фонетик ўзгаришлар лексемалар этимологиясини аниқлашга, сўзнинг тарихий фонетик шаклини

тиклашга, фонетик қонуниятларнинг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Фонетик ўзгаришлар товуш тушиши ёки ортиши, ўзак ва қўшимча чегарасининг сезилмай қолиши, сингармонизм қонуниятининг бузилиши билан белгиланади.

**Семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган сўзлар.** «Қутадғу билиг» да қайд этилган сўзларнинг 500га яқини (17%) ҳозирги ўзбек адабий тилида семантик ўзгаришлар билан қўлланади.

«Қутадғу билиг» матнида **adaš//adaš** сўзи “дўст, ошна, оғайни, ўртоқ” маъносида келган: *Qadašij yoq ersä yurì tut qadaš, adaš edgü bolsa bu boldi qadaš* –Қариндошинг йўқ бўлса, кел, қариндош тут, ёр-дўст эзгу бўлса, у қариндош(дай) бўлади (ҚБН, 3135; 117b13). Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам бу лексема “дўст, ўртоқ” маъносида қайд этилган (ДТС, 9). Сўзнинг асоси “исм” маъносидаги **ат** лексемасидир: ат+даш=атдаш> аддаш> адаш> ädäš (ЎТЭЛ, I, 20). Ҳозирги кунда исми бошқа бирор кимса билан бир хил бўлган одам, исмдош (ЎТИЛ, I, 39) маъносида қўлланилади. Сўзнинг асар матнидаги маъноси билан ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси “бир хиллик” семаси орқали боғланади. *Adaš // adaš* сўзининг «Қутадғу билиг» матнида “ёш, қизиқиш, фаолият жиҳатидан бир хиллик” семаси акс этган бўлса, ҳозирги маъносида “исм жиҳатдан бир хиллик” семаси намоён бўлади.

«Қутадғу билиг» даги кўпгина сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида семантик жиҳатдан торайган ҳолда ишлатилади. Масалан, **tiril=** сўзи асарда “яшамок, ҳаёт кечирмок” маъносида келган: *Ekinči xalifat keräk çin bütün, bodun bolsa inçlig tirilsä qutun* –Иккинчиси–халифа, (у) чин (ва) ишончли (бўлиши) керак, (токи) халқ осойишта бўлиб, бахтиёр яшаса (ҚБН, 5218; 192b3). Ҳозирги ўзбек адабий тилида *tiril=* “ўлим ёқасидан қайтмок, ўлимдан қолмок, қайта жонланмок” маъносида қўлланади. *Tiril=* “тирик, барҳаёт” маъносидаги *tiri* лексемасидан -(l) аффикси ёрдамида ясалган. “Девону луғотит турк”да ҳам бу сўз “яшамок” маъносида қайд этилган: *yalñuq mençü tirilmäs* – инсон мангу яшамайди (ДЛТ, III, 65; ДТС, 562). Ҳозирги кунга

келиб, *tiril*= семантикасида торайиш юзага келган, сўз “хаётга қайтмоқ, тирилмоқ” маъносини билдиради (ЎТИЛ, IV).

*Ew almaq tiläsän ayit qoşnısın, yer almaq tiläsän ayityil suwin* байтидаги **ayit**= сўзи “сўрамоқ, суриштирмоқ” маъносида келган: “Уй олмоқни истасанг кўшни(лар)ини суриштир, ер олмоқ истасанг сувини суриштир” (ҚБН, 4444; 164b15). Байт мазмуни “Ховли олма, кўшни ол”<sup>1</sup> мақолига тўғри келади. Маҳмуд Кошғарий *ayit*= сўзини “сўрашмоқ, саломлашмоқ” маъносида изохлаган (ДЛТ, II, 250). «Кутадғу билиг» да *ay-* (сўрамоқ) асоси билан боғлиқ *ayit*= “сўрамоқ, суриштирмоқ”, *ayitmaqliq* “сўрамоқ, савол қилмоқ”, *aytiy* “сўров, сўроқ” каби сўзлар ҳам учрайди. Лексема семантикасида торайиш кузатилади, ҳозирги ўзбек адабий тилида “айтмоқ, гапирмоқ, сўзламоқ” маъносида ишлатилади (ЎТИЛ, I, 34).

*Ton, aš* сўзлари асарда кенг маънода қўлланган. *Ton* (ҳар қандай) “кийим”, *aš* “таом; зиёфат” маъносини ифодалаган: *Biligligkä bilgi tügäl ton aš-ul, biligsiz qilinči yawuz qoldaš-ul* – Билимлига унинг билими тугал кийим ва емишдир, билимсизнинг қилмиши унга ёвуз (ниятли) қўлдошдир (ҚБН, 315; 18b7). *Ton* сўзи туркий тилларда кенг тарқалган кийим номи. Л.Будагов татар тилида *ton* تون// *don*, *дон* турк тилида *don* تون - тўн, этик, оёқ кийими, қирғиз тилида эса “аёлларнинг устки кийими” маъносини англатишини қайд этади.<sup>2</sup> Ҳозирги турк оғзаки нутқида *don* «кийим, кўйлак»ни англатади (ТРСл, 243). Ўзбек тилида лексема (тўн)нинг маъноси конкретлашган ва у “олди очик узун устки миллий кийим; чопон” семемасини ифодалайди (ЎТИЛ, II, 249). **Tonči** “умуман кийим тикувчи, тикувчи” тушунчаларини ифодалаган: *Ayiči bitigči ya iš tutyuči, ya tonči etükči ‘amil bolyuči* – (Ё) хазиначи, (ё) котиб ё (бошқа) иш юритувчи (аёнлар), ё тўнчи, (ё) этикчи, (ё ер-мулк ишларини бошқарувчи) саркорлар (ҚБН, 2456; 94a13).

<sup>1</sup> O‘zbek xalq maqollari. –Т., 2005. –В.132.

<sup>2</sup> Будагов Л.З. Сравнительный словарь турцко-татарских наречий. Том.II-СПб, 1871. –С.753.

«Қутадғу билиг»даги баъзи сўзлар семантикасида кенгайиш юз берган. Масалан, **irig** лексемаси асарда “дағал, кўпол” маъноларини англатган: *Irig sözlämägil kişikä tilin, iriglik ot-ul ot küyüirmä yalın* – Кишиларга тилингда дағал сўзламагин, дағаллик оловдир, у куйдирадиган ёлиндир (ҚБН, 1401; 57б6). Ҳозирги ўзбек тилида нарса-буюм ҳажмига нисбатан шу сўзнинг *yirik* шакли ишлатилади (сўз бошида ундош орттирилган). Айрим нарса-буюмларни сифатлашда *йурик* сўзида “кўпол, дағал” семаси ҳам намоён бўлади.

«Қутадғу билиг»даги сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатини таҳлил қилиш давомида лексемалар семантикасида зид маънолар шакллангани ҳам кузатилди. Масалан, **ögtäm** сўзи «Қутадғу билиг»да “кибор, кибрли, ярамас, мақтанчоқ” маъноларида қўлланган: *Kötürmä, bayutma eşiz ögtämig, aхir qilya šaksiz seňä ot emig* – Ярамас, мақтанчоқ (кишилар)ни кўтарма, бойитма, (у) охири шаксиз сенга доридармон қилади [яъни бошингга етади] (ҚБН, 5405; 199а5). Мотивланган лексема «Древнетюркский словарь»да ҳам айна маънода қайд этилган (ДТС, 381). Бугунги кунда *ögtäm* (ўктам) сўзи ижобий сема касб этган бўлиб, “бошқаларга ўз таъсирини, сўзини ўтказадиган; шижоатли, ўтқир” маъноларини ифодалайди (ЎТИЛ, V, 146). Феъл-атворни билдирадиган ясама аксарият ўринларда ташқи кўриниш, гавда тузилишини ифодалашда *чиройли, кўркам* лексемалари билан синонимик қаторни шакллантиради. Бундай зидликнинг юзага келиши, сўз семантикасида зид маъноларнинг ҳосил бўлиши *энантиосемия* деб юритилади. Энантиосемия (юн. *enantios* - “қарама қарши” + *sema* - белги) бир сўзнинг семантик тузилишида зид маъноларнинг тараққий этиши, антонимик маъноларнинг юзага келишидир.<sup>1</sup> Сўз семантикаси билан боғлиқ бўлган энантиосемия ҳодисаси сўзнинг қўлланиш доираси, семалар тараққиёти билан белгиланади. Ф.Абдужабборова *ögtäm*

---

<sup>1</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.–Т., 2002. –Б.134; Одилов.Ё. Ўзбек тилида энантиосемия. Филол. фан. док....дисс. –Т., 2016.

сўзининг шаклланиш тадрижини шундай кўрсатади:  $\text{ög} > \text{ögdäm} > \text{ögtäm} > \text{öktäm}$ .<sup>1</sup>

**Ауїш** лексемаси “юксалиш”, “кўтарилиш”, “юқорилаш” маъноларини англатган: *Auış barča tüşdä auırlıq bolur, ayarī teñinčä uluyluq bolur* – Тушда барча кўтарилиш кадр бўлади, (одам) кўтарилиши баробарида улуғликка эришади (ҚБН, 5914; 217а7). *Auış* (оғиш) ҳозирги ўзбек адабий тилда аксинча, пастга қараб йўналган ҳаракатни ифода этади (ЎТИЛ, I, 563).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган айрим сўзлар фонетик жиҳатдан ҳам фарқланади. Масалан, **silik** “пок”, “тоза”, “чиройли” маъноларида келган: *Yula-teg küyär-sä bu kün ey elig, yaruqluq adınqa turur ey silik* – Сен бугун шамдек куяётирсан, эй элиг, (лекин) ёруғлик бошқагадир, эй назокатли (ҚБН, 5058; 187а8). “Покланмоқ, тозаланмоқ” маъносида *sili*= сўзига сифат ясовчи -к қўшимчасини қўшиш орқали ясалган *silik* сўзи “Култегин” битиктошида учрайди: *silik qız oyluq küñ bolti*– сенинг мард ўғил-қизинг кул бўлди (ДТС, 500). Ушбу лексема ДЛТ да *er* сўзи билан бирикма ҳосил қилиб, “олийжаноб одам, киши” маъносини ифодалаган. *Silik* «Кутадғу билиг» да эркакларга нисбатан қўлланган. *Сулук* шаклида XX аср бошларига оид манбаларда ҳам кузатилади. Жумладан, “Ўткан кунлар” романида эркакларга нисбатан ишлатилган. Ҳозирда гендер жиҳатдан хосланиб, **сулук** шаклида “гўзал, чиройли, кўркем” маъносида аксарият ҳолларда аёлларга нисбатан қўлланилади (ЎТИЛ, II, 84).

«Кутадғу билиг»да учраган бир қатор сўзлар семантикасида тарихий тараққиёт жараёнида ўзгаришлар юз берган. Семантик ўзгаришлар муайян семаларнинг истеъмолдан чиқиши, янги семаларнинг, баъзан тескари маъноларнинг шаклланиши билан белгиланади. Ўн асрдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, лексик бирликларнинг асосий семалари сақланиб қолган. Ўзгаришлар ёндош семаларда кузатилади.

---

<sup>1</sup> Абдужаббарова Ф. “Кутадғу билиг”даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол. фан. номз... дисс. –Т., 2011. –Б. 128.

**Ҳозирги ўзбек шеваларида ишлатиладиган сўзлар.** Шева – маҳаллий диалектнинг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан умумийликка эга бўлган, бир ёки бир неча қишлоқни ўз ичига оладиган қисми.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг»да келтирилган сўзларнинг 15 %и ҳозирги ўзбек шеваларида ишлатилади. Қуйида дostonда фаол қўлланган, бироқ ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайдиган, ҳозирги айрим туркий тиллар ва ўзбек шеваларида мавжуд сўзлар хусусида тўхталамиз.

«Қутадғу билиг» матнида **qonuq** (qon+(u)q) сўзи “меҳмон” маъносини билдирган: *Nelük arsiqar-sen aya öldäci, özüñ ekki күnlük qonuq boldäci* – Нимага мағрурланасан, эй ўлувчи, ўзинг икки кунлик меҳмон бўлувчи(сан) (ҚБН, 3482; 130b3). Бу сўз Маҳмуд Кошғарий луғатида “меҳмондорчилик, зиёфат” маъносида ҳам қўлланган. Ўғузлардан бошқа қабилалар тилида *qonuq* “уй эгаси ёқтирмагани ҳолда, бировнинг уйида туриш” маъносида қайд этилган (ДЛТ, III, 351). «Қутадғу билиг» даги *qonuqluq* “меҳмондўстлик”, *qonut* “бошпана”, *qonutci* “бошпана берувчи, эшик оғаси, бошлиғи” сўзлари *qonuq* лексемасига алоқадор. Бу сўзлар ҳозирда истемолдан чиққан. *Qonuq* Қашқадарё, Сурхондарё шеваларида “меҳмондорчилик, тўйларда бериладиган кичик зиёфат” маъноларида қўлланади.<sup>2</sup> Узоқдан келган қариндошлар, яқинлар тўй эгасига алоқадор шахс хонадошида тунаб қолишган ва улар қўноқлар ҳисобланган. Тўй эгаси томонидан қўноқларга меҳмон қилиш учун ажратилган масаллиқлар (гўшт, ёғ, гуруч) қўниқ деб номланган. Қорақалпоқ шеваларида қоналқа “меҳмон” тушунчасини ифодалайди: Қоналқама бир қозі сойдёрмасанг...<sup>3</sup> Меҳмонларга бериладиган овқат метонимия усулидаги маъно кўчиши асосида қоналқа дейилади.<sup>4</sup> Қўноқ сўзи Зомин шевасида ҳам сақланиб қолган. “Қишлоқларда узоқдан келган қўноқлар тўй эгасига яқин кишиларнинг уйларига олдиндан бўлиб

<sup>1</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т., 2002. –Б.3.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971. –Б.164.

<sup>3</sup> Қарлибаева Г. Ажиниёз асарлари тилининг семантик-стилистик хусусиятлари. Филол.фан.док. дисс.. автореф. –Нукус,2017. –Б.19.

<sup>4</sup> Қарлибаева Г. Ажиниёз асарлари тилининг семантик-стилистик хусусиятлари. Филол.фан.док. дисс.. автореф. –Нукус,2017. –Б.28.

берилган. Масалан, бир уйга Пишағардан келган кишилар “қўниққа” боришган бўлса, иккинчи хонадонга Оғар қишлоғидан келганлар қўнишган”.<sup>1</sup> Ҳозирги турк тилида “меҳмон” маъноси асл туркий *konuk* лексемаси қатори *misafir* ва *mihman* ўзлашмалари билан ҳам ифодаланишини таъкидлаш зарур (ТРСЛ, 560).

**Yitür**= “йўқотмоқ, бой бермоқ”: *Yitürdüm yigitlik yetildi yaşım, yipär ketti kafur eşündi başım* – Йигитликни йўқотдим, ёшим етилди, ипор [яъни кора] кетди, бошим кофур [яъни оқ] ёпинди (ҚБН, 4744; 175a13). **Yit**= “йўқ бўлмоқ”нинг орттирма даражаси ҳисобланмиш бу лексема “Девону луғотит турк”да ҳам шу маънода қайд этилган (ДЛТ, II, 363). Алишер Навоий асарларида ҳам қўлланган: Ҳар ойинаким, мусофир кўрган йўлга қадам урса ва етмаған водийға югурса йўл йитурмак эҳтимоли бор (АНАТИЛ, II, 80). Байтларда қўлланган *yitür*= сўзининг “йўқолмоқ” маъносидаги асоси ҳозирда Қашқадарё, Сурхондарё шеваларида *житирмоқ*, *житмақ* шаклларида, бирламчи маъносида ишлатилади.<sup>2</sup>

Асарда **börk** сўзи “бош кийим” маъносида қўлланган: *Neçä er bedüsä baş ayriy bedür, neçä baş bedüsä bedük börk kedür* – Киши қанча улғайса, (унинг) бош оғриғи (шунча) кўпаяди, бош қанча катталашса, шунчалик катта бўрк кияди (ҚБН, 427; 22b4). **Börk** “бош кийим”, “қалпоқ”, “телпак” (АНАТИЛ, I, 346). Бу от қадимги туркий тилдаги “қопла”, “ёп-” маъносини англлатган *börü-* феълидан (Девон, II, 164) -к қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 222); ўзбек тилида *ö* унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолган: *börü-+k= börüк>börk>bork* (ЎТЭЛ, I, 77). С.Е.Малов мазкур сўзни мўғулча *borkur* (покрывало) сўзига боғлайди.<sup>3</sup> **Börk** қадимги туркий тил манбаларида<sup>4</sup>, Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам “бош кийим” маъносида қайд этилган (ДЛТ, II, 326). “Бобурнома”да *бўрк*нинг а) *ос бўрк* – “ос (кундуз) терисидан тикилган бўрк”, б) *мўғулий бўрк* – “мўғулча бўрк”, в) *дубулга бўрки*–

<sup>1</sup> Тўйчибоев Б., Қашкирли Қ. Зоминнинг тил комуси. –Т.: Akadernashr, 2012.–Б.50.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971. –Б.105.

<sup>3</sup> Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. –М–Л.,1951. –С.373.

<sup>4</sup> Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиков Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. –Т.: Фан.1966.–Б. 301.

“дубулға остидан кийиладиган бош кийим” каби турлари қайд этилган.<sup>1</sup> Хоразм шеваларида лексема “бош кийим, телпак” маъноларида қўлланади.<sup>2</sup> Турк тили шеваларида “ёмғирдан, совуқдан сақланиш учун кийиладиган кулоҳ” маъносида *börkenek* фонетик варианты ҳам учрайди<sup>3</sup>. Ҳозирги ўзбек тилидаги “қопламоқ”, “ёпмоқ” маъносидаги *burkamoq* феъли ҳам *börk* лексемасига асосдошдир.

«Қутадғу билиг» да *börk*нинг инсон фаолиятига баҳо беришда эталон сифатида қўлланиши бу сўз ифодалаган тушунчанинг халқ ҳаётида муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Халқ ўз муддатида туғилмаган, чала гўдакларни бўрка, телпакка солиб, авайлаб, ардоқлаб парваришлаган. “Бўри боласини бўркинда боқсанг ҳам турмас” мақолида бўри боласини “шу даражада эҳтиётлаб боқсанг ҳам, эл бўлмайди”, деган мазмун ифодаланган. Бўрда бола боқиш ўзбек халқининг маданий муносабатларини ифодаловчи бирикма бўлиб, “авайлаш”, “асраш” маъноларини кенг кўламда ифодалашга хизмат қилади.<sup>4</sup> «Қутадғу билиг» даги кўчма маънолар маданий муносабат, қарашларни ҳам акс эттирган.

**Иҷäk** сўзи асарда “сигир” тушунчасини билдирган: *Ya quzda yuriyli qalin köp qotuz, ya tüzdä yuriyli ud iñäk öküz* – Ё тоғнинг кун тушмас томонларида юрувчи беҳисоб кўп кўтос (лар), ё текислик(лар)да юрувчи буқа, сигир, хўкиз (лар) (ҚБН, 5259; 193b14). *Iñäk* ҳозирда “сигир” маъносида Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд шеваларида қўлланади.<sup>5</sup> *Iñäk* лексемасида “жинсга мансублик”, “урғочилик” семаси акс этган. Маҳмуд Кошғарий ўғузлар тошбақанинг урғочисини *iñäk* деб аташини айтиб ўтган (ДЛТ, I, 135). “Древнетюркский словарь”да бу лексемалар омоним тарзида изоҳланган (ДТС, 211). Бу ўринда Маҳмуд Кошғарий фикрларида асос бор: *iñäk* “сигир” тушунчасини ифодалаганда ҳам “урғочи жинс” семасини намоён этади.

<sup>1</sup> Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док...дисс. автореферати. –Т.,2009.-Б.17.

<sup>2</sup> Ўзбек шевалари лексикаси.–Т., 1966.–Б. 70. Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971. –Б.56.

<sup>3</sup> Усманова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика.–Т.:Фан, 2010. –Б.146.

<sup>4</sup> Тошева Д. Зооним компонентли маколларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. –Т., 2017. –Б. 35.

<sup>5</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т.,1971.–Б.116. Решетов.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси.–Т., 1978.–Б.35.

Асарда “нарвон” маъносида **šatu** лексемаси қўлланган: *Šatu kördüm ellik anîñ baynasî, yüz oturu uruyluğ ediz ham yasî* – Нарвон кўрдим, унинг поғонаси элликта (эди), тиклаб қўйилган, баланд ҳамда кенг (эди) (ҚБН, 5908; 217a1). Турфон матнларида ҳам қўлланган бу сўз (ДТС, 521) дастлаб “араванинг асосини ташкил қилувчи, бир неча еридан кўндалангига тахта билан бириктирилган икки узун ёғоч”ни англатган (ЎТЭЛ, I, 456). Ҳозир у Тошкентда “арава қисми номи”, Фарғонада эса “нарвон” маъносида қўлланилади.<sup>1</sup>

“Жиндек, озгина” маъносидаги **žičä** сўзи куннинг маълум қисми, пайтнинг даража-миқдорини билдирган: *Yanut berdi Ögdülmiš aydi kečä, yaruq dunya meñzi tünärsä žičä* – Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: кечаси, ёруғ дунё юзи андак қоронғилашганда (ҚБН, 4912; 181b1). *Жуча* сўзи ҳозирда Андижон-Фарғона шеваларида фаол қўлланади (ЎТИЛ, II, 95)<sup>2</sup>.

**Meñzä**= “ўхшамок”: *Muñar meñzätür söz sînamîš kiši, sînamîš kiši bildi el küin îši* – Синаган киши бунга ўхшатиб сўз айтади, синаган киши эл-юрт ишини билади (ҚБН, 242; 16a7). *Meñzä*= шеваларда, асосан, Хоразм шеваларида сақланиб қолган.<sup>3</sup> Сўнги пайтларда *менгзамок* архаизмининг ўзбек зиёлилари нутқида, бадий матнларда фаоллашаётгани кузатилмоқда.

Достон матнида қўлланган **ešik** лексемаси қуйидаги байтда “ҳовли” маъносида келган: *Til arslan turur kör ešikdä yatur, aya ewlüg arsîq bašîñni ueyür*– Тил ҳовлида [яъни қафасда] ётган арслон кабидир, эй қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди (ҚБН, 160; 13a9). *Ešik* сўзида синекдоха асосида маъно кўчган, “ҳовли” маъноси ифодаланган. Бу сўз Фарғона шевасида фаол қўлланади.<sup>4</sup>

*Bek* “маҳкам, берк, мустаҳкам”, *kenč* “чақалок, гўдак”, *kizlä*= “яширмак, сақламок, асрамок”, *ušağ* “майда, ғийбат”, *ušağcî* “ғийбатчи, ёлғончи, майдагап одам”, *usal* “бепарво, беғам”, *ülgülä*= “ўлчамок”,

<sup>1</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971. –Б.313.

<sup>2</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971. –Б.104.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971. –Б.179.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971. –Б.98.

“аниқламоқ”, *ülgüliig* “ўлчовли, бир маромда”, *bekla*= “маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ, кучайтирмоқ”, *qumartqu* “васиятнома, мерос”, *qariyu* “эшик”, *niql* “ширинлик” сўзлари ҳозирги ўзбек шеваларида қўлланади.

Шевалар адабий тилни бойитувчи ички манба ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, энг қадимги лексик бирликларни ўзида мужассамлантирадиган, семантик ўзгаришларни намоён этадиган мулоқот шакли ҳамдир.

**Ҳозирги ўзбек тилида қўлланмайдиган сўзлар.** «Қутадғу билиг» даги туркий сўзларнинг 37 %и ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди. Бу ҳолат арабча, форс-тожикча, мўғулча ўзлашмалар ёки ўз қатлам негизидан янги ясалмаларнинг фаол қўлланиши натижасида айрим туркий сўзларнинг истеъмолдан чиқиши билан белгиланади. Қуйида ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдан чиққан баъзи сўзлар семантикаси борасида тўхталамиз.

“Жигар; қалб, юрак; қариндош” маъноларини ифодалаган **bayir** сўзига -*saq* аффиксини қўшишдан ясалган **bayirsaq** лексемаси илк бор айнан дoston матнида қўлланган ва “марҳаматли”, “шафқатли”, “садоқатли” маъноларини англатган. Ушбу дериват асарда кўпроқ Аллоҳнинг сифатларини ифодалашда қўлланган. Қаҳрамонлар тилида *bayirsaq idim* “меҳрибон эгам”, *bayirsaq inayyu idim* “меҳрибон, инонадиган эгам” бирикмалари ишлатилган<sup>1</sup>. *Bayirsaq* сифатидан ясалган *bayirsaqliq* “марҳаматлилик”, “шафқатлилик”, “меҳрибонлик”, “хушмуомала, ёқимли” маъноларини англатган: *Bayirsaqliq erdi tügäl bu sözüüm, esän qal salamat e körklüg yüzüm* – Бу сўзларим барчаси меҳрибонликдан иборат, эсон ва саломат қол, эй юзи кўрклигим (ҚБН, 1460; 59b5). *Bayirsaqliq* «Древнетюркский словарь»да “содиклик” маъносида қайд этилган (ДТС, 78). Маҳмуд Кошғарий девонида “хушмуомала, ёқимли одам”ни билдирган (ДЛТ, I, 460). Бу сўзнинг маъноси ҳозирда *меҳрибон, марҳаматли, самимий* каби арабча сўзлар билан ифодаланади. Лексеманинг антоними **bayirsiz** «Қутадғу билиг» матнида “ёмон, шафқатсиз, бераҳм, худбин” маъноларини ифодалаган.

<sup>1</sup> Sodiqov Q. Turkiy til tarixi.–Т., 2009. 219-bet.

“Шижоатли, мард, жасур” маъносидаги **ersig** (er+sig) деривати асарда йигитларнинг фазилатларини ифодаланган: *Yayıqa qatıy bolsa ersigliki, körür közkä suw bersä körklügliki* – Шижоатда ёвга нисбатан беаёв бўлса, чиройи кўрувчи кўзларга сув бахш этса (ҚБН, 2051; 80b3). Асарда *ersig* бир қатор сўзлар билан синтагматик муносабатга киришган. Масалан, *ersig yüräklig* “ботир юракли”, *ersig er* “ботир эр”, *ersig beg* “шижоатли бек” каби.

“Поклик, тозалик” маъносини англатган **arıyliq** сўзининг грамматик таркиби қуйидагича: “пок, тоза” маъносини англатган **ar** сифатидан –**ï** қўшимчаси билан ясалган “тозаламоқ, покланмоқ” маъносидаги *ari*= феълига –**у** қўшимчасини қўшиб сифат (ЎТЭЛ, I, 31), *-liq* қўшимчасини қўшиб от ҳосил қилинган. Бу сўз “Тўньюқуқ” битиктошида “олийжаноб, сахий” маъносида қўлланган (ДТС, 52). *Arıyliq* «Қутадғу билиг»да “софлик” маъносини ифодалаган: *Közi toq keräk ked yemä köñli bay, arıyliq keräk ham yüzi körki ay* – Жуда кўзи тўқ, яна кўнгли бой (бўлиши) керак, софлик даркор ҳам юз чиройи ой (дек бўлиши) керак (ҚБН, 2803; 106a10). Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида “нопоклик” маъносида *origsizlig* лексемасининг кузатилиши (АНАТИЛ, II, 526) таҳлил этилаётган сўзнинг эски ўзбек адабий тили даврида ҳам ишлатилгани кўрсатади.

Мулойим, юмшоқ табиатли кишиларга нисбатан қўлланган **alçaq** сўзи ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди. «Қутадғу билиг»да “саховатли, юмшоқ кўнгили” маъноларини англатган: *Kičigi sewüglüg qarisi amul, özi tüzün alçaq kör asyi öküş* – (Унинг) навқиронлиги – муҳаббат, қарилиги – салобат, ўзи афзал, саховатли, кўргин нафи талайдир (ҚБН, 1838; 72b11).

Шахс табиатига хос иллатларни ифодалашда “тиланчи”, “тамагир” маъноларини билдирувчи **umduči** сўзи қўлланган: *Kiši umduči bolsa boldi bulun, suyurqa anı sen e körki tolun* – Киши тамагир бўлса, нарсага кул бўлади, сен унга эҳсон қил, эй чиройи тўлин ой (ҚБН, 2683; 102аб). Байтда нарсага кул бўлиш, тамагирлик ёмонликларга етакловчи иллат сифатида қораланган,

унинг олдини олишга даъват қилинган. Байтдаги *suuirqa* “эхсон қилмоқ” маъносидаги сўз бўлиб, молга қул бўлган шахсга даво чораси сифатида тилга олинган. Тамагир одамдан ҳеч қачон яхшилик чиқмаслиги таъкидланган. «Древнетюркский словарь»да *umduči* “хасис, бахил” маъноларида қайд этилган (ДТС, 611). Маҳмуд Кошғарий луғатида мазкур дериват “ўтинувчи, товламачи” деб изоҳланган (ДЛТ, I, 125; ДТС, 611).

“Бахил, очкўз, хасис” маънолари **saran** сўзи орқали ифодаланган: *Nekii ter ešitgil saraniy bilig, e čiryu, e munluy, e tegmiš elig* –Маърифатда очкўз ҳақида нима дейилган, эшитгин, эй кўзи ёшли, эй, мунгли, эй, азоб чеккан (ҚБН, 1643; 66a1). *Saran* лексемаси «Древнетюркский словарь»да “очкўз” маъносида қайд этилган (ДТС, 488). Шу асосдан ясалган *saranliq* “очкўзлик” маъносида келтирилган (ДТС, 488). Маҳмуд Кошғарий *saranla*= сўзининг “хасис, очкўз ҳисобламоқ” маъносини англатганини қайд этган (ДЛТ, III, 345). *Saran* кейинги давр манбаларида учрамайди.

Вафосиз инсонларга ҳамда дунёга нисбатан қўлланадиган **ersal // irsäl** лексемаси асарда “bevafa” маъносини ифодалаган: *Bu irsäl yayıy qılqı qurtqa ažun, qilincı qız-ul körsä yašı uzun* – Бу жафокор, бевафо, қилиқлари қари кампир [яъни маккор, хийлакор дунё], боқиб кўрсанг, қилмишлари қиз (ёш), ёши (умри) эса узундир (ҚБН, 392; 21a11).

“Ёдгорлик, эсдалик, мерос” маъноларини билдирган **qumaru** сўзи ҳозирги кунга келиб истеъмомдан чиққан: *Ölügdin tirigkä qumaru söz-ul, qumaru sözi tutsa asyi yüz-ul* – Ўлган(лар)дан тирик(ларга) мерос сўздир, мерос сўзи тутилса [яъни оталар сўзини тутилса], нафи юз-юздир (ҚБН, 267; 17a2). “Девону луғотит турк”да ушбу лексема *хумару* шаклида келган ва куйидагича изоҳланган: “Катталардан бирор киши ўлса, унинг молидан бир нафис нарса шоҳга тақдим этилади, ана шу нарсани *хумару* дейилади. Ундан эсдалик демақдир. Сафарга кетаётган кишининг қариндош ва танишларига қолдираётган нарсаси ҳам *хумару* дейилади. Бу сўз эркак ва аёллар номи сифатида ҳам ишлатилади” (ДЛТ, I, 416). *Qumaru* қорахонийлар давридаги

маданий муносабатларни акс эттирган, халқнинг ўзига хос кадрияти, урф-одатини ифодалаган лексик birlikдир. Қ.Содиқов «Қутадғу билиг»ни “Мангу кумару” деб атайди.<sup>1</sup> *Кумару* сўзи арабча *мерос* сўзининг туркий тиллардаги муқобилидир. “Қисаси Рабғузий” матнида лексема *qumartyu* шаклида “мерос, армуғон” маъносини билдирган (ҚР, 51 v 3).

“Кўп, анча” маъноларини англатувчи **üküş//öküş** лексемаси ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди: *‘Arabča-tažikča kitablar öküš, biziñ tilimizčä bi yutγi uquš* –Арабча, тожикча бундай китоблар талайдир, бизнинг тилимизда эса бу жамланган заковатдир (ҚБН, 58 б.). «Древнетюркский словарь»да байтнинг иккинчи мисраси *“biziñ tilimizkä burunyï uquš* –бизнинг тилимиздаги биринчи донишмандлик китобидир” деб изоҳланган (ДТС, 126). *Telim, qalïn* лексемалари билан синонимик қаторни юзага чиқарган, қадимги туркий тил намуналарида ҳам фаол қўлланган *üküş//öküş* лексемаси кейинги давр манбаларида ҳам кенг ишлатилган (Таржумон, 27 а3).

“Ақл, заковат” маънолари **uquš** (<uq= “англамоқ, фикрламоқ”+ (u)š) лексемаси орқали ифодаланган: *Uquš körki söz- ul bu til körki söz, kiši körki yüz-ul bu yüz körki köz*– Заковат кўрки сўздир, бу тилнинг кўрки сўздир, кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир (ҚБН, 271; 17аб). Бу ўринда муаллиф гўзал қиёс намунасини юзага келтирган: “инсон кўрки юз, юзнинг кўрки кўз бўлганидек, заковатнинг кўрки тил, бу тилнинг кўрки сўздир”. Достонда *uquš* асосидан ясалган *uqušluγ* “ақл-идрокли, заковатли”, *uqušsiz* “нодон, аҳмоқ” сўзлари қўлланган. *Uquš* Маҳмуд Кошғарий девонида “ақл, идрок” маъноларида қайд этилган (ДТС, 613; ДЛТ, I, 62). Ҳозирги ўзбек адабий тилида ушбу лексема *uquv* шаклида “дид, фаҳм-фаросат” маъноларини ифодалайди (ЎТИЛ, II, 291).

«Қутадғу билиг»да “раҳнамо, йўлбошчи, йўлчи” маъносидаги **qulawuz** сўзи қўлланган.<sup>2</sup> *Bu kökdäki yulduz bir anča bezäk, bir anča qulawuz bir anča*

<sup>1</sup> Sodiqov Q. Mangu qumaru // O‘zbekiston adabiyoti va san’ati. –№50.–Т., 2010.

<sup>2</sup> Содиқов Қ.. XI–XV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари. Филол. фан. док...дисс. –Т., 1992.– Б.98.

*yezäk* – Бу кўкдаги юлдузларнинг бир қанчаси безакдир, бир қанчаси раҳнамо ва бир қанчаси йўлчидир (ҚБН, 124; 12a1). Бу сўз Махмуд Кошғарий луғатида *қулабуз* (ДЛТ, I, 449) шаклида қайд этилган. *Qulawuz* “йўл бошловчи” маъносида “Қисаси Рабғузий”да ҳам учрайди.<sup>1</sup> Бу сўзнинг фонетик ўзгаришга учраган *qulayuz* шакли XIV аср манбаларида кузатилади.<sup>2</sup> Бу сўзнинг Алишер Навоий асарларида ҳам учрамаслигига асосланиб, XVI асрларда архаик сўзга айлана бошлаган, дейиш мумкин. Асарларида асл туркий лексемаларни қўллашни маъқул кўрган Чўлпон ушбу қадимги сўзни *қалагуз* шаклида “юрт йўли” шеърига олиб кирган.<sup>3</sup> Ҳозирги турк тилида *kelavuz* “йўл кўрсатувчи; гид; куда; йўналтирувчи” каби маъноларда фаол қўлланади (ТРСл, 539).

Достон матнида учраган **tünäk** (tünä= “тунамоқ”+к) лексемаси “тунаш жойи” маъносида келган: *Ara yazdi ersä bayat qinadi, bu dunyay tünäk qildi erklig idi* – Одам гуноҳ қилса, худо қийнайди, эрки эгам бу дунёни тунаш жойи [яъни қўниб ўтадиган омонат жой] қилди (ҚБН, 3475; 130a9). Муаллиф дунёни “тунаш жойи”, “тушдек умр”, “қилиқлари қиз, ўзи эса кампир” деб каби сўзлар билан сифатлаган. *Tünäk* эски туркий тилда фаол ишлатилган, дунёнинг “вақтинчалик”, “ўткинчилик” белгисини ифодаловчи “карвонсарой” маъносидаги *работ* ўрнида қўлланган.

«Қутадғу билиг» даги *qadaş* “қариндош”, *bedizçi* “ўймакор уста, безакчи, бўёқчи, рассом, наққош” каби шахс отлари; *örüglük* “рўшнолик”, *siliglik* “хушфёллик”, *aqiliq* “сахийлик, қўли очиклик”, *asiy* “фойда” каби мавҳум отлар; *tona* “баҳодир”, *esiz* “ёмон”, *tüzünlüg* “мулойим”, *ayiy* “ёмон, ярамас, ёвуз, ўткинчи, беқарор”, *aqi* “саховатли, сахий, қўли очик”, *aqsun* “ёвуз, қахрли, ғазабнок, шиддатли” каби белги-хусусият билдирувчи сўзлар; *tuγar* “шарқ”, *batar* “ғарб” каби географик номлар; *čečäklik* “гулзор”, *köräk* “япроқ, куртак” сингари фитонимлар; *mäjiz* “юз”, *quruysaq* “кўнгил, юрак”

<sup>1</sup> Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол. фан. док ...дисс. автореф. –Т., 2017.–Б.17.

<sup>2</sup> Қаранг: Таржумон – XIV аср ёзма обидаси.–Т.: Фан, 1980.–Б.55- 75.

<sup>3</sup> Чўлпон. Яна олдим созимни. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.–Б.462.

каби аъзо номлари; *yaz*= “гуноҳ қилмоқ”, *tonan* = “киймоқ”, *ota*= “даволамоқ”, *ayirla*= “эъвозламоқ, кадрли қилмоқ”, *emgä qil*= “озор топмоқ”, “кулфатга солмоқ”, *ayit*= “ташламоқ, бартараф қилмоқ, ўртадан кўтармоқ, бас қилмоқ” каби феъллар, *bediz* “безак, нақш, бўёқ, расм” каби отлар, *qatnu* “хамма” олмоши ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди. Бу лексемалар ўрнида арабча, форс-тожикча сўзлар ишлатилади.

Асар матнида учраган, ҳозирги кунда истеъмолдан чиққан юқоридаги сўзлар, асосан, архаизмга айланган, бугунги кунда бошқа лексик birlikлар билан ифодаланадиган тушунчалардир. Бу сўзларни ўрганиш натижасида ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланадиган юзга яқин арабча, форс-тожикча birlikларнинг туркий муқобили аниқланди: *sawčī* “пайғамбар”, *tariyūčī* “хизматкор”, *taniq* “гувоҳ”, *adruq* “фарқ”, *kökis* “мағрур”, *tušay* “кишан”, *esin* “шамол”, *ayir* “қиммат, ҳурматли”, *qilinč* “характер”, *qiliq* “феъл-атвор” шулар жумласидандир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўшма феъллар билан ифодаланадиган тушунчаларнинг бир сўздан иборат вариантлари маълум бўлди: *atiq*= “ном чиқармоқ”, *alqin*= “йўқ бўлмоқ”. «Қутадғу билиг» матнида бугунги кунда истеъмолдан чиққан шундай сўзлар борки, ҳозирги ўзбек адабий тилида номланмаган тушунчаларни (лақуналарни) ифодалайди.

**Irkil**= “тўпланмоқ, йиғилмоқ”. *Bu kün qilmasa iş yarın iş bolur, işin iş üzä bolsa irkilip qalur* – Ишни бугун қилмасанг эртага иш бўлади, ишинг иш устига бўлса, тўпланиб қолур (ҚБН, 5388; 198b3). Бу сўз суяқ ҳолдаги нарса-ҳодисанинг қуюқлашиши, тўпланиши, йиғилишига асосланиб, “тўпланмоқ, йиғилмоқ” тушунчалари билан бирга сезилар-сезилмас титрама ҳаракатни ва шундай ҳаракатда бўлувчи нарса-буюмни ҳам ифодалайди.

**Kökčün** лексемаси “кўпни кўрган, тажрибали киши” маъносини билдирган: *Nekü ter ešit emdi türkcä masal, başında kečürmiš bu kökčün saqal* – Энди (бу) туркча масални эшитгин, (унда) нима дейди, ўз бошидан кечирган оқсоқол (ёши улуғ киши) (ҚБН, 653; 30a11). *Kökčün saqal* бирикмаси

таркибида қўлланган *kökçin* қора соқолнинг оқ тусга кириши, оқ ва қора рангларнинг аралашган кўринишини ифода этади. Ф.Абдужабборова уруң қырғыл лексемасининг көкчин лексемасига мутлақ маънодош тарзида қўлланганини қайд этади.<sup>1</sup>

«Қутадғу билиг» матнидаги туб қатлам хусусида мулоҳаза юритилганда, албатта, бир жиҳатга алоҳида диққат қаратиш зарур. Яъни дoston сўз бойлиги таркибида шундай лексик birlikлар мавжудки, улар дostonга қадар ва ундан кейин яратилган манбалар, жумладан, қадимги туркий рун битиклари, Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойиқ”, Замахшарийнинг “Муқаддиматул-адаб”, муаллифи номаълум “Ўғузнама” сингари манбалар тилида кузатилмайди. Яна бир жиҳат, яъни Юсуф Хос Ҳожибнинг давр манбаларида ишлатилган у ёки бу лексемага янги маънони ифодалаш вазифасини юклатганига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Зеро, ана шундай кузатишлар адибнинг янги сўз ясаш ёхуд мавжуд сўз маъно доирасини кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракати борасида мулоҳаза юритиш имкони яратади. Айрим фактик мисолларни таҳлил қиламиз.

“Бахил, қизғанчик; очкўз” маъноларини ифодаловчи **qopdaq // qovdaq // qovdaş** лексемаси фақат дostonда қўллангани билан характерланади: *Bičäq tutma anda kötürmä söñük, ayi bolma qowdaş ya silkim sepük* – У ерда пичок ишлатма, сўнғак олма, зинҳор бетоқат, енгилтак бўлма (ҚБН, 4495; 166b11). Шундай фикрни “бўш, холи; оз, кам” маъноларини англаган **qoqur // qoquz // ququz** (<qoq= озаймоқ, камаймоқ, пасаймоқ) деривати борасида ҳам билдириш мумкин: *Ata bardı ornı quruy ham ququz, ququz tolyuqa kördüm oylin ked uz* – Ота ўлди, унинг ўрни куруқ ва бўш қолди, бу бўш жойни тўлдириш учун ўғлини жуда муносиб кўрдик (ҚБН, 1602; 64b1).

Өңдi лексемаси “қонун, қоида” маъносини англаган: *Bu yanlıy turur bu ažun öñdisi, keräk öñdisi tut keräk töñdisi* – Бу дунёнинг қоидалари шу

<sup>1</sup> Абдужабборова Ф. “Қутадғу билиг”даги шахс белги-хусусиятини англаувчи лексика. Филол.фан. номз...дисс. – Т., 2011.–Б.12.

янглиғдир, иста қоидаларини тут, иста аксини (ҚБН, 4616; 171a4). Юсуф Хос Ҳожиб ушбу сўзни қадимги туркий тил давридан фаол қўлланиб келаётган *törü* лексемаси билан жуфтлаштириб, *öñdi törü ёки törü öñdi* шаклида қўллаган: *Munu men bilir-men bu öñdi törü ayayin men emdi sen örgän körü-* Мана, мен тартиб-қоидаларни биламан, энди мен айтайин, сен кўриб ўрган (ҚБН, 3925; 146a2).

Достон муаллифи эски туркий тил манбаларида кенг истеъмолда бўлган **ört**= “ёпмоқ, беркитмоқ; ўрамоқ” феълидан ясалган *örtüg* дериватига – *gün* аффиксини қўшиб, “махфий, яширин, сирли” маъносидаги *örtügün* сифатини ясаган: *Men bu kün qadaşimya baryum kelür örtügün-* Мен бугун қариндошимникига яширин бормоқчиман (ДТС, 390).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида “йўлтўсар, босқинчи” семемасини ифодаловчи *qaraqčĭ* (< *qaraq* “кўз”) ясамасининг илк бор айнан Юсуф Хос Ҳожиб асарида қўллангани кузатилади. Ушбу дериват «Қутадғу билиг» да *sekri*= “от қўймоқ, чопмоқ” (<*sek*= тез юрмоқ) асосидан ясалган **sekärčĭ** сўзи билан жуфтлашиб, “босқинчи, йўлтўсар” маъносини англатишга хизмат қилган. *Qaraqčĭ* лексемаси кейинги давр манбаларидан Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарида қайд этилади (СУЯ, II, 600). Эски ўзбек адабий тилида ушбу бирликнинг қўлланиш частотаси юқори бўлган (АНАТИЛ, IV, 36). Жуфт сўз таркибида келган *sekärčĭ* ўзга манбаларда кузатилмайди.

“Халқ, одамлар” маъносидаги **el-kün** жуфт сўзи биринчи бор айнан «Қутадғу билиг» матнида ишлатилган. *Kün* сўзи *qadaş* лексемаси билан синтагматик муносабатга кириб “қариндош (эркак ва аёл)лар” маъносида ўрхун-энасой битикларида қайд этилган (ДТС, 326). Жуфт сўзлар аксарият ҳолларда маънодошлардан ташкил топган. *Kün* “халқ” маъносидаги *el* сўзи билан бирикиб “қариндош, уруғ, қавм” маъносини англатган. Ушбу жуфт сўзнинг “халқ” маъносида “Гул ва Наврўз”, “Бобурнома” сингари эски ўзбек адабий тили манбаларида қўллангани «Қутадғу билиг» нинг қадимги туркий

тил, эски туркий адабий тил ва эски ўзбек адабий тили ўртасида лингвистик кўприк вазифасини бажарганини кўрсатади.

“Бирор ердан иккинчи ерга кўтариб, ташиб борилиши лозим бўлган оғирлик” семемаси ҳозирги ўзбек тилида азалдан қўлланишда бўлган *юк* лексемаси билан ифодаланади (ЎТИЛ, II, 465). Юсуф Хос Ҳожиб ушбу туб сўздан –*чи* қўшимчаси иштирокида “юк ташувчи; ҳаммол” маъносидаги *yükçi* сўзини ясаган: *Yüdürmä yük elkä özün yükçi bol*–Элга юк кўтартирма, ўзинг юкчи бўл (ҚБН, 5973; 219a13). Достон муаллифи томонидан яратилган окказионал лексема ҳозирги ўзбек адабий тилида “юккаш” маъноси қатори “юк ташиш, ортиш, тушириш билан шуғулланувчи ишчи; юк ташишга мўлжалланган; юк ташийдиган” маъноларида ҳам ишлатилмоқда (ЎТИЛ, II, 466).

«Қутадғу билиг» да келтирилган “баланд овоз билан бақирмоқ, кичқирмоқ” маъносидаги *qaqila*= лексемаси ҳозирги ўзбек тилида “ хахолаб кулмоқ, қаҳқаҳа урмоқ” маъносида мавжуд бўлган *qaqillamoq* феъли билан семантик-генетик жиҳатдан алоқадор. Юсуф Хос Ҳожиб *örüglüg* “ўралган”, *örüglük* “хотиржамлик, сокинлик”, *özkäy* “содик”, *qağim* “ўра”, *qiruiq* “бузғунчи”, *köksä*= “кўкка, осмонга кўтарилмоқ”, *küčkäy* “зўравон”, *tolula*=// *tolala*= “тўлдирмоқ”, *toluluq* “тўлиқлик”, *tolumluy* “қурол-аслаҳали, қуролланган, *tolun* “тўлин (ой)” сингари талай сўзларни асарида қўллаб, давр сўз бойлигининг ривожига салмоқли улуш қўшган.

«Қутадғу билиг»да келтирилган, бироқ ҳозирда қўлланмайдиган сўзлар эски туркий тил лексикасини ўрганишда, унинг семантик қирраларини ёритишда аҳамиятлидир. Юсуф Хос Ҳожиб томонидан қўлланган архаик сўзлар, окказионал ясалмалар достон матнининг ўзига хослигини таъминлашда, ижодкорнинг сўз қўллаш ва поэтик маҳоратини белгилашда аҳамиятлидир.

### 1.2.2. Ўзлашма қатлам лексикаси

«Қутадғу билиг» матнида, асосан, арабча, форс-тожикча ўзлашмалар қўлланган. Достондаги арабча ва форс-тожикча ўзлашмалар қорахонийлар даври туркий тил луғат фондига хосдир, унда санскритча, сўғдча, хитойча ўзлашмалар ҳам кам бўлса-да, қайд этилган.<sup>1</sup>

#### Арабча ўзлашмалар

«Қутадғу билиг» даги ўзлашма қатламнинг асосий қисмини (11%) арабча сўзлар ташкил этади. Бу ҳолат қорахонийлар даври сиёсий-ижтимоий муҳитида араб тилининг тутган ўрни билан белгиланади. Арабча ўзлашмалар ислом динига оид мулоҳазаларни, илмий тушунчаларни баён қилишда фаол қўлланган. Асар таркибидаги арабча лексика структур-грамматик хусусиятларига кўра қуйидагиларга ажратилди:

а) соф арабча лексемалар: *abdal* “дарвеш, авлиёлар”, *kavakib* “юлдузлар”, “сайёра”, *karim* “ҳимматли, карамли, марҳаматли”, *tasnif* “тасниф”, *hakim* “ҳаким, олим, доно, табиб”, *fasad* “исён, фитна”, *fida* “фидо”, *muflis* “камбағал, қашшоқ, тиланчи, гадой”, *nizam* “низом, тартиб”, *nur* “нур, ёруғлик”;

б) қоришиқ арабча сўзлар: арабча+ форсча: *biwafa* (*бевафо*), *ilahi*; арабча+ юнонча: *yaqut*, *qaysar*.

#### Арабча ўзлашмаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.

Ўзбек тилидаги арабча ўзлашмалар алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилган.<sup>2</sup> «Қутадғу билиг»даги арабча ўзлашмаларни ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатига кўра тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) фонетик ўзгаришларсиз, айна маънода қўлланадиган арабча ўзлашмалар;
- б) фонетик ўзгаришлар билан қўлланадиган арабча ўзлашмалар;
- в) семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган арабча ўзлашмалар;
- г) ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган арабча ўзлашмалар.

<sup>1</sup> Султанов Б. Арабско-персидские заимствования в “Кутадғу билиг” Юсуфа Баласағуни // Советская тюркология. – № 4. – Баку, 1981.–С. 14-19; Herkmen D. Kutadgu bilig ve Atebetü'l-hakâyik'ta arapça va farsça kelimelerin telaffuzu. Atebetü'l-hakâyik va ilk dönem. Türkçe islami eserler sempozyumu.–Ankara, 28-30 haziran, 2018.

<sup>2</sup> Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1945.

**Фонетик ўзгаришларсиз, айна маънода қўлланадиган арабча ўзлашмалар.** «Қутадғу билиг»даги бир қатор арабча сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик ўзгаришларсиз, асл маъноларида қўлланади.

Асарда “қийинчилик” маъносини билдирадиган ‘**azab** сўзи ишлатилган: *Señä-oq törütmädi teñri tamu, seña aymadi bu ‘azabiý qamu* – Тангри дўзахни сенгагина яратмаган, бу барча азобларни сенга, деб айтмаган (ҚБН, 3289; 123a13). Ушбу сўз «Древнетюркский словарь»да “укубат, жафо, азият” маъноларида изоҳланган (ДТС, 72). Бу сўз асли “қийнади” маъносини англатувчи ʔaʔiba феълининг I боб масдари бўлиб “жисмоний ёки рухий қийналиш”ни билдиради (ЎТЭЛ, II, 20). Алишер Навоий асарларида фаол қўлланган мазкур ўзлашма “машаққат, азият; озор, дард, алам” маъноларини англатган (АНАТИЛ, I, 60). Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам “қийинчилик, машаққат” маъноларида қўлланади.

“Тарбия, адаб, ахлоқ, одоб, тартиб, қоида, интизом” маъноларини билдирувчи **adab** сўзи «Қутадғу билиг»да, асосан, “одоб” маъносини ифодалаган: *Oʻyul qizqa oʻgrät bilig ham adab, aqar ekki aʔun anij asyi tab* – Ўғил-қизга билим ҳам одоб ўргат, икки олам уники, унинг манфаати етарли (бўлади) (ҚБН, 4402; 163b13). «Древнетюркский словарь»да “назокатлилик, тарбиялилилик” маъноларида қайд этилган (ДТС, 8). Алишер Навоий асарларида ушбу лексема “одоб, яхши хулқ, атвор; илму дониш; танбех, тарбия, жазо” маъноларида қўлланган (АНАТИЛ, I, 35). Бу ўзлашма асли “хушмуомала бўлди”, “тарбияли бўлди” маъносини англатувчи ʔaduba феълининг масдари бўлиб, араб тилида “хушмуомалалик”, “тарбия”, “адабиёт” маъноларини англатади; ўзбек тилида “ўзини тута билиш”, “ахлоқ” каби маъноларни ифодалайди (ЎТЭЛ, II, 12; ЎТИЛ, I, 26).

“Айрилиқ” маъносидаги **firaq** сўзи кўп маъноли *faraqa* феълининг “бир-биридан айирди” маъноси билан ҳосил қилинган II боб масдари ҳисобланади (ЎТЭЛ, II, 301). «Қутадғу билиг»да *firaq* “кучли қайғу” маъносини билдирган: *Nekü bar aʔunda firaqdin qatiý, firaq qadýulari tenizdä*

*batiy* – Дунёда фироқдан каттиқ нима бор, фироқ қайғулари денгиздан (ҳам) чуқурдир (ҚБН, 6077; 223a2). «Древнетюркский словарь»да бу лексема “айрилик, ҳижрон” маъноларида қайд этилган (ДТС, 194). *Фироқ* – айрилик, жудолик, ҳижрон; ташлаб кетиш; энг яқин, севимли кишидан жудо бўлиш, айрилиш ва бу туфайли тортиладиган рухий азоб (ЎТИЛ, IV, 348).

“Фойдаланиш, истемол этиш шаръан ман этилган нарса” (ЎТИЛ, V, 510) маъносини билдирган **haram** сўзи арабча “ҳовлининг бегона эркаклар кириши тақиқланган қисми” маъносини англатади (ЎТЭЛ, II, 573). «Кутадғу билиг»да “тақиқланган фаолият, манъ қилинган ишлар” маъносида келган: *Haramqa qatılma ködüz öz qatıy, haram yegli ornı tamuı -ul batıy* – Ҳаромга аралашма, ўзингни маҳкам тут, ҳаром еганининг ўрни дўзахдир, (у) чуқурдир (ҚБН, 5152; 190a12). “Ҳибат ул - ҳақойиқ”да “тақиқланган нарса” маъносида келган: *haram ersä maliñ ‘azab ol soñi* – Молинг ҳаром бўлса охириг азоблидир (ДТС, 199). Ҳозирги ўзбек адабий тилда бу сўз “шариат ҳукмига мувофиқ ейиш, ичишга, фойдаланишга ярамайдиган, ҳалол эмас” маъноларида қўлланади (ЎТИЛ, V, 510).

Достон матнида қўлланган **qaranful** арабча ҳамда форсча сўзларнинг кўшилмасидан ҳосил бўлган, “чиннигул” маъносида қўлланган: *Saba yeli qopti qaranful yidın, aʒun barča bütrü yıpar burdi kin* – Чиннигул ҳидини тарқатиб сабо ели кўтарилди, бутун оламга кин ипор ҳидини таратди (ҚБН, 70; 10a5). Алишер Навоий асарларида *qaranful* “қалампирмунчоқ” маъносида учрайди: *Гаҳ ул сунбули тар қаранфул сочиб, қаранфул дағи гоҳ сунбул сочиб* (АНАТИЛ, IV, 31). Бу сўз ҳозирги кунда илмий термин сифатида қўлланади.

*Azal* “азал, мангулик”, *aʒalsiz* “ажалсиз”, *‘aqibat* “натижа, оқибат, тақдир”, *yaflat* “ғафлат, эътиборсизлик”, *ʒam* “ғам, алам”, *hamd* “ҳамд, мадҳ”, *hamiyat* “ҳамжихат, ғайрат, иштиёқ, саъй-ҳаракат”, *haq* “ҳақиқат, тўғри, чин”, *haqiqat* “ҳақиқат, тўғрилиқ, ҳақиқатан”, *iqlim* “иқлим, минтақа”, *ma’ni* “маъно, мазмун”, *manzil* “манзил, турар жой”, *‘adad* “сон, рақам, ҳисоб,

санок” сўзлари ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилда дoston матнидаги маъноларда қўлланади.

### **Фонетик ўзгаришлар билан қўлланадиган арабча ўзлашмалар.**

Асли юнонча бўлиб (юн. philophos–доноликни севувчи), туркий тилга арабчадан ўзлашган **falyasuf** сўзи дostonда “донишманд” маъносида келган: *Ažun falyasufi näni bolmasa, nečä tildäm ersä kišäldi tilig* – Дунё файласуфи мол-дунёси бўлмаса, неча сўзамол бўлса (ҳам) тилини тияди (ҚБН, 3037; 114a10). Бу сўзнинг метатезага учраб, *файласуф* шаклида қўлланиши “Ҳибатул-ҳақойиқ”да акс этган (ДТС, 193). Ўзлашманинг кейинги шакли “фалсафа илми, дунёқараш муаммолари билан шуғулланувчи олим, мутахассис, донолар каби муҳокама юргизадиган; донишманд” маъноларида ўзбек тили сўз бойлигидан муқим ўрин олган (ЎТИЛ, IV, 320).

“Раҳбарлик, бошқарув” маънолари **rayasat** лексемаси орқали ифодаланган: *Bu himmat bilä beg tüzär el törü, siyosatqa beklig rayasat keräk*– Ҳиммат билан бирга (адолатли) сиёсат ҳам керак, сиёсат (юритиш) учун эса пишиқ-пухта раҳбарлик керак (ҚБН, 2093; 81b15). Бу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида *раёсат* шаклида ишлатилади.

### **Семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган арабча ўзлашмалар.**

**Balayät** «Қутадғу билиг» да “сўзамоллик, гапга чечанлик” маъносини билдирган: *Balayät bilä ҳat teñäšsä qalī, eđi eđgü til bu bitig söz tili* – Агар фасоҳат билан (хуш) ҳат тенглашса, бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади (ҚБН, 2655; 101a8). Ушбу лексема Ислom балоғат илмида муҳим аҳамият касб этган. Алишер Навоий асарларида “етуклик, баркамоллик, бенуқсонлик; нотиклик” маъноларида қайд этилган (АНАТИЛ, I, 208). *Balayät* сўзи ҳозирда “вояга етиш, бўйига етиш; етуклик; жисмоний жихатдан етилганлик, боғлиқлик” маъноларида қўлланади (ЎТИЛ, I, 152). *Balog‘at* илмий истилоҳ сифатида сўзловчининг каломни ўз ўрнида ва тегишли ҳолатда қўллай олиш ҳамда шу талабларга жавоб берувчи маъно аниқлигига эга, осон тушуниладиган, равон айтиладиган, ёқимли эшитиладиган ва морфологик

қоидаларга мос тушадиган сўзлардан ташкил топган, яъни фасих жумлаларни сўзлай билиш маҳоратини англатади<sup>1</sup>.

“Бахтсизлик, укубат” маъносидаги **mehnat** лексемаси ишлатилган: *Sewinč arzu ne'mat turu qalyalir, saqinč qadYu mehnat menä kelgäliр* – Севинч, орзу, неъмат, қолиб бораётир, алам, қайғу, меҳнат менга юз уриб келаётир (ҚБН, 1060; 45b7). *Mehnat* Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойиқ” асарида ҳам шу маънода қўлланган: *öcär mehnat otü* – мусибатнинг олови ўчади (ДТС, 344). Алишер Навоий асарларида бу лексема “мусибат, бало; ғам, дард; машаққат” маъноларида ишлатилган: меҳнат дашти саргардонлигининг паришон хилқатинингни йиғиштирдум (АНАТИЛ, I, 300). Бу сўз ҳозирда “бирор мақсад учун қаратилган ақлий ёки жисмоний фаолият; иш” маъносида қўлланади (ЎТИЛ, II, 587).

“Омонлик, халос, илтифот” маъноларини берувчи **aman** сўзи «Древнетюркский словарь»да “илтифот, лутф, марҳамат, хавфсизлик” маъноларида қайд этилган (ДТС, 41). «Қутадғу билиг» да “омонлик” маъносида учрайди: *Salam-ul kişikä aminlik aman, salam qilsa ötrü amin boldi žan* – Салом (бериш) одам учун эминлик (ва) омонликдир, салом қилса, сўнг жон эмин бўлади (ҚБН, 4949; 183a5). Бу сўз асли “хавф-хатарсиз бўлди” маъносини англатувчи *ʿamina* феълининг I боб масдари бўлиб, араб тилида “хавф-хатарсиз” маъносини, ўзбек тилида эса шу маъно асосида юзага келган “соғ-саломат” маъносини англатади (ЎТЭЛ, II, 343; ЎТИЛ, I, 536).

**Fal** лексемаси “бахт, омад, иқбол, ният” маъносида *ezgü fal* “бахтли одам, эзгу ниятли киши” бирикмаси таркибида келган: *Varayün men emdi esän edgü qal, ekigün ažunluq ayu edgü fal* –Энди мен борайин, эсон, яхши қол, эй, икки дунёли, эзгу фол (ҚБН, 4774; 176b1).

«Қутадғу билиг» матнидаги арабча сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида семантик ўзгаришлар билан қўлланиши тарихийлик билан белгиланувчи лексик-семантик жараёнлар маҳсулидир.

---

<sup>1</sup> Рустамий С. Ўрта асрлар Ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар. Филол. фан. бўйича фан доктори (DSc) дисс. автореф. –Т., 2018. –Б. 16.

### Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган арабча ўзлашмалар.

«Қутадғу билиг» лексикасида қайд этилган арабча сўзларнинг муайян қисми бугунги кунга келиб истеъмолдан чиққан: *fuqa* “шарбат тури”, *fusus* “гуноҳ, афсус, надомат”, *xayl* “отлик, суворий, гуруҳ”, *kavakib* “юлдуз” ва ҳ.к. Бу сўзлар ҳозирда архаизмлар қаторидан ўрин олган. Шу ўринда, дoston сўз бойлигида реаллашган, бугунги кунда архаиклашган арабча ўзлашмаларнинг тарихий ёки диний мавзудаги бадий, маърифий асарларда қўлланишини таъкидлаш лозим.

“Охират” маъносидаги **uqba** сўзи *uqb* асосидан ясалган: *Keräk dunya işi keräk 'uqba tut, saqış birlä adra tutar bilga but* – Хоҳ дунё иш(лари), хоҳ охират (ишлари) бўлсин, доно(лар) ҳисоб билан фарқлаб қилади, ишонгин (ҚБН, 4279; 158b8). Алишер Навоий асарларида бу лексема *уқбо* шаклида қўлланган: *Навоий, истасанг уқбо муродин, номурод ўлғил, агар дунё муроди йўқтур, ўзни номурод этма* (АНАТИЛ, III, 306).

Илк бор дoston матнида қўлланган **tarab** сўзи “хурсандлик, шодлик, кувонч” маъноларини англатган: *Qamuy yaflat-ul bu sewinčin tarab, bu yaflat bilä öz uqadir 'ažab* – Севинч билан айшу тараб мутлақ ғафлатдир, бу ғафлат билан ўз [яъни одам] қониб ухлайди, ажаб (ҚБН, 5161; 190b6). Ўзлашма қайд этилган маънода Алишер Навоий томонидан кенг қўлланган (АНАТИЛ, III, 184).

«Қутадғу билиг» даги арабча лексемаларнинг истеъмолдан чиқишига бир қатор омиллар сабаб бўлган. Айрим тушунчаларнинг кундалик ҳаётда фаол қўлланмаслиги шу тушунчалар ифодаси бўлган сўзларнинг истеъмолдан чиқиши, муайян соҳага оид шахс отлари шу соҳаларнинг ижтимоий ҳаётда чекланиши, фаолият юритмаслиги боис истеъмолдан чиққан ёхуд унинг ўрнига бошқа лексема қўллана бошлаган: *tu'abbir* “туш таъбирчиси”: *Nekü ter eşitgil tu'abbir hakim* – Таъбирчи, ҳаким нима дейди, эшитгин (ҚБН, 5895; 216b1); *tu'azzim* “афсунгар”: *Otaçï unamas tu'azzim sözün* – Табиб(лар) афсунчи(лар)нинг сўзига унамайди [яъни ишонмайди]

(ҚБН, 4260); *muhtasib* “тартиб сақловчи”: *Yana älgı küçlüg bolur muhtasib, esizläрни yïysu žama’at kezib* – Яна, мухтасиблар қўл(лар)и кучли бўлади, жамоат(лар)ни кезиб (юриб) ярамасларни тийсин (лар) (ҚБН, 5471; 201a12).

*Qahti* “оз, кам, қаҳат, сийрак”, *ra’iyat* “фуқаро”, *žalla* “азиз бўлган”: *mi’in* “ёрдамчи, таянч”, *muflis* “пастлик, хорлик”, *musallat* “хукмронлик” каби арабча ўзлашмалар ҳам ҳозирда ишлатилмайди.

### Форс-тожикча ўзлашмалар

Асар тилида форс-тожикча ўзлашмалар арабча ўзлашмаларга нисбатан кам учрайди (3%). Достон матнида ҳафта кунлари, дори номларини билдирувчи форс-тожикча ўзлашмалар фаол қўлланган. Форс-тожикча ўзлашмалар структур-грамматик хусусиятларига кўра икки гуруҳга ажратилди:

а) соф форс-тожикча ўзлашмалар: *ab* “сув”, *padišah* “подшоҳ”, *pand* “панд, насиҳат”, *saray* “сарой”, *šakar* “шакар”, *šira* “узум шираси”, *taxt* “тахт, хукмронлик”, *žirad* “ақл-заковат, билим”, *žoq* “ер, хок”, *zindan* (зиндон), *yek* “иблис”;

б) қоришиқ шаклдаги форс-тожикча сўзлар: форсча+ арабча: *zamana* “замон, давр; тақдир”; ҳиндча+ форсча: *ray* “рожа”.

Форс-тожикча лесемалар турли воқелик, нарса-буюм номлари, мавҳум отлардан иборат.

**Форс-тожикча ўзлашмаларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.** «Қутадғу билиг» даги форс-тожикча ўзлашмаларни ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатига кўра тўрт гуруҳга ажратдик:

а) фонетик ўзгаришларсиз, айна маънода қўлланган форс-тожикча ўзлашмалар;

б) фонетик ўзгаришлар билан қўлланадиган форс-тожикча ўзлашмалар;

в) семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган форс-тожикча ўзлашмалар;

г) ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган форс-тожикча ўзлашмалар.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик ўзгаришларсиз, айна маънода қўлланадиган форс-тожикча ўзлашмалар. “Жума куни” маъносини билдирувчи **adina** сўзи бугунги кунда айна шаклда ишлатилади. Достон матнида *adina namaz* бирикмаси таркибида берилган. *Ўama’at bilä qil fariza namaz, c’ayalar haži qil adina namaz* –Жамоат билан фариза намозини қил, камбағаллар ҳажи ҳисобланган жума намозини ҳам ўта (ҚБН, 3200; 120a10). Алишер Навоий асарларида бу лексема *одина куни* изофаси таркибида келган: Шайх Абу-Саид Абулхайр дебтурки, *одина куни отамиз била масжиди жомеъга борадур эрдук ва мен ёш эрдим ва куръон ўкур эрдим* (АНАТИЛ, II, 504). Ҳозир бу сўз лексик бирлик сифатида ишлатилмасе-да, жума куни туғилган қизларга *Одина* исми қўйилади.

“Бевафолик, бузуқлик” маъносини берувчи (ЎТИЛ, II, 152) **zina** ўзлашмаси ҳам достон матнида фаол қўлланган: *Bor icmä zinakä yaçuma hazar, bu ekki c’ayaliq tonini kedär* –Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил, бу икки нарса гадолик тўнини кийдиради (ҚБН, 1322; 55a1).

Бундан ташқари *qand, roz* “ризқ”, *saray* “сарой”, *šakar, šira, taxt, zañi* “занги, ҳабаш”, *zulf, žahan* “жаҳон, олам”, *arasta* “зийнатланган, тартибли”, *zindan, žan* “жон” каби форс-тожикча ўзлашмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик ўзгаришларсиз, айна шаклда ишлатилади.

Достон матнида якка тарзда қўлланган айрим лексемалар ҳозирги кунга келиб жуфт сўз таркибида келади. Масалан, “ризқ, насиба” маъносини англатувчи **roz** сўзи асарда якка ҳолда келтирилган: *E yer kök idisi xalayıq bilä, rozini anutmış yegil sen külä* – Эй, халойиқ билан еру кўкнинг эгаси, (у) ризқни ҳозирлади, сен кулиб егин (ҚБН, 50 б.). Бу сўз ҳозирда мустақил қўлланмайди, лекин *ризқ-рўз* жуфт сўзи таркибида ишлатилади. Айрим имло луғатларида бу сўзнинг қўшиб ёзилаётгани тўғри эмас.

**Ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик ўзгаришлар билан қўлланадиган форс-тожикча ўзлашмалар.** “Древнетюркский словарь”да форсча ўзлашма сифатида қайд этилган (ДТС, 49) **aqur** сўзи «Кутадғу билиг»да “оғил, молхона, отхона” маъносида келган: *Käväl tazî bögtäl tayî arqunî, aqur toldî tolmas bu suqluq qanî* – Кавал този, бўгтал, тоғи, арқуни, оғилга тўлган, (лекин) суқлик ҳирси тўлмайди (ҚБН, 5256; 193b11). “Девону луғотит турк”да “молхона” маъноси *agil* лексемаси билан ифодаланган (ДЛТ, I, 103). Бу от қадимги туркий тилда “ўрамоқ” маъносини англатган а:g‘-феълидан *-il* туркий қўшимча билан ясалган (ЭСТЯ, I, 84). Маҳмуд Кошғарий “туркий тилларда қўлланилаётган сўзлар билан истемолдан чиққанларини танитиш учун қуйидаги намуналарни кўрсатаман” деб **aqur** – “отхона” жуфтлигини келтиради<sup>1</sup>. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўзлашма *охур, охур* шаклида қўлланилади ва “чорва моллари (қўй, эчки, сигир, от)га ем-хашак солиб бериладиган мослама (идиш)” маъносини англатади (ЎТИЛ, III, 161).

**Семантик ўзгаришлар билан қўлланадиган форс-тожикча ўзлашмалар.** **Ruzgar** ўзлашмаси “давр, вақт, тақдир, насиба; мавқе, ҳолат, шарт-шароит; қулай имконият; олам, жаҳон” маъноларида қўлланган: *Yawa boldî munda tiriglik tedim, keçib bardî ruzgar ökünçlär yedim* – Бунда [яъни ўткинчи дунёда] тириклик беҳуда бўлди, дедим, рўзғор ўтиб борди, ўкинчлар қилдим (ҚБН, 3578; 133b9). Байтдаги *ruzgar* сўзи “турмуш, ҳаёт” маъносида қўлланган. “Ҳибат ул-ҳақойиқ”да “давр, вақт, замон” маъноларини билдирган: *seniñ ruzgariñ bu köñülçä qilin* (ДТС, 478). Мумтоз манбаларда “давр, вақт, тақдир, насиба; мавқе, ҳолат, шарт-шароит; қулай имконият; олам, жаҳон” маъноларини ифодаловчи *рўзгор* ҳозирда “турмуш, оила” маъноларида ишлатилади (ЎТИЛ, III, 405).

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони). С.Муталлибов таржимаси асосида қайта ишланган, тўлдирилган, ўзгартишлар киритилган мукамал нашри. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов.-Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

Айрим кўп маъноли форс-тожикча сўзларда тарихий тараққиёт давомида семантик торайиш жараёни кузатилади. Масалан, “тийилиш, сақланиш” маъносидаги **parhiz** сўзи «Қутадғу билиг» да кенг маънода барча воқеликка, нарса-ходисага нисбатан тийилишни ифодалаган: *Bu kitabni tasnif qililyli Balasayun mavludliy parhiz idisi er turur* – Бу китобни тартиб берувчи Баласоғунда туғилган, парҳиз соҳиби [яъни тийилган, сабр-қаноатли] кишидир (ҚБН, 48 б.; 1 б). Ҳозирда бу ўзлашма тор маънода, фақат таомга нисбатан чекланишни ифода этади.

**Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган форс-тожикча ўзлашмалар.** «Қутадғу билиг» матнидаги бир қатор форс-тожикча сўзлар ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди. **Maya** “моя, маъно, моҳият, бошланғич асос”: *Törütürdä bersä bayat ög köñül, tügäl maya buldä biligkä oyl* –Агар (Худо) яратишда ақл ва кўнгил бахш этса, бола билимга тугал моя (асос) топади (ҚБН, 1786; 70b15).

“Сараланган, танлаб олинган” (ДТС, 161) маъноларини билдирувчи **dorud** ўзлашмаси ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди: *Dorud ul ödürmiş rasulqa salam, yetä ešlärikä salam ham ulam* – Сайланган расулга дуруд (ва) салом(лар), шунингдек, чаҳорёрларига ҳам чексиз салом(лар) (ҚБН, 50 б.).

Асар сўз бойлигидан ўрин олган *riša* “дарс, таълимот, доимий машғулот”, *žulañbin* “асалдан тайёрланган ичимлик”, *xirad* “ақл, идрок”, *dariya* “афсус, аттанг” каби форсча ўзлашмалар ҳам ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди.

### **Бошқа тиллардан кирган ўзлашмалар**

**Санскритча ўзлашмалар.** Қадимги туркий тил битигларида санскрит тилидан кириб келган сўзлар турли маъноларни ифодалайди. Эски туркий тилда санскритча ўзлашмалар сон жиҳатдан кескин камайган. Кейинги даврга келиб уларнинг аксарияти истеъмолдан чиққан. Туркий тилда

сақланиб қолганлари ҳам, деярли, фонетик структураси жиҳатидан ўз қатлам сўзларига яқинлашган.<sup>1</sup>

Асарда санскритча ўзлашмалардан, асосан, дори номлари ва ҳарбий тушунчаларни ифодалашда фойдаланилган. Санскритча ўзлашмалар асар лексикасининг 0,21%ини ташкил этади. Достон матнида қўлланган *čurni* (<cūrna) “сурги дори”, *erdäni* (<ratna) “қимматбаҳо тош, хазина”, *matiri* (<madirä) “дори номи”, *miuyan* (<punyan) “мукофот, инъом”, *sart* (<sartha) “савдогар” сўзлари санскритча ҳисобланади.

**Сўғдча ўзлашмалар.** Туркий ва сўғдларнинг айна бир ҳудудда аралаш истиқомат қилиши, ўзаро ижтимоий-маданий алоқалар негизида қадимдан туркийлар тилида сўғдча ва аксинча сўғдлар сўз бойлигида туркийча унсурлар учрайди.<sup>2</sup> Асарда сўғдча ўзлашмалар 0,21 фоизни ташкил этади: *ačun//ažun* (<zwn) “олам, дунё”, *bay* (<b'γ) “боғ”, *kand* (<k'nd) “қишлоқ, шаҳар”, *noš* (<nwš) “элексир, нектар”, *uštmaḥ//užmaq* (<wstm'x) “жаннат”.

“Олам, дунё, жаҳон” маъносини ифодаловчи **ačun//ažun** лексемаси уйғур ва брахма ёзувида битилган Турфон матнларида “бор бўлиш, қайта туғилиш” маъносида қайд этилган (ДТС, 74). Достон матнида “дунё, олам” маъноларида келган: *Ažun inčkä tegdi tüzüldi törü, törü birlä atin qopurdi örü* – Олам осойишталикка эришди, адолатли сиёсат қарор топди, ҳоқон адолатли сиёсат билан ўз номини юксалтирди (ҚБН, 100; 11a5). Маҳмуд Кошғарий фоний дунёни *бу ажун*, боқий дунёни *ол ажун* бирикмалари орқали ифодалайди (ДЛТ, I, 106). **Ažun** “Қисаси Рабғузий”да “дунё, борлиқ” маъносида келган.<sup>3</sup> XIV аср араб тилида битилган рисоаларда бу ўзлашма мавжуд эмас.<sup>4</sup>

“Жаннат, беҳишт” маъносини билдирувчи **uštmaḥ//užmaq** лексемаси илк бор «Қутадғу билиг» матнида учрайди: *Bu eḍgü öḡ-ul kör esizlik sol-ul, Soluḡdün tamu ornü uštmaḥ öḡ-ul* – Эзгу (лик) ўнгдир, кўргин, ёмон (лик) эса

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.–Т.: Фан, 2007.–Б.29.

<sup>2</sup> Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.–Т.: Фан, 2007.–Б.31.

<sup>3</sup> Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси.–Т.: Академия, 2008.–Б.84.

<sup>4</sup> Дадабаев Ҳ. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.–Т.: Ёзувчи, 1991.–С. 135.

сўлдир, сўлингда дўзах ўрни, жаннат ўнгингдадир (ҚБН, 904; 39b3). “Қисаси Рабғузий”да *учмах* шаклида қўлланган. *Учмах* от ясовчи *-лығ / -лиғ* аффикси билан биргаликда янги сўз ясашда ҳам иштирок этган: *Учмахлығлар айғайлар: Иззи аzza ва жалла бу йем –ичимни к̄фирларга ҳарām қилиб турур*.<sup>1</sup> Ушбу ўзлашманинг жадид бадий асарлари лексикаси таркибида мавжудлиги унинг XX аср ўзбек тилида мавқеини сақлаганидан далолат беради.<sup>2</sup> Алишер Навоий асарларида *иўтақ* ифодалаган маъно форсча *биҳишт*, арабча *жаннат*, *фирдавс* сингари теонимлар ёрдамида англашилган (АНАТИЛ, I, 301).

**Хитойча ўзлашмалар.** Хитой ва туркий халқлар ўртасидаги қадимий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар натижасида туркий тилларга маълум миқдорда хитой тилига хос лексик элементлар ўзлашган.<sup>3</sup> Хитойча ўзлашмалар асар сўз бойлигининг 0,15 фоизини ташкил қилади. *Burҳan* “бут, санам, бурҳон, маъбуд”, *Ѕin* “Хитой”, *Ѕuz* “кундал, қизил рангли хитой матоси”, *yinЅii* “дур, марварид” каби сўзлар хитой тилидан ўзлашган. **Ѕuz** [ʒiu-tsi] лексемаси “кундал, қизил рангли хитой матоси” маъносини билдиради: *Ѕakardä tatiiyliq qawuq yor menä, Ѕuz ul bu örüm ton ayilar teji* – Қипиқ бўтқа мен учун шакардан ҳам татимли, бу тўқилган (яъни бўз) кийим ипакли, шоҳиларга тенгдир (ҚБН, 4664; 172b8). Аҳмад Югнакий *Ѕuz* матосининг камёб эканини айтади: *Ѕuz atlas bolur qiz* (ДТС, 157).

<sup>1</sup> Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси.–Т.: Akademnashr, 2008.–Б.82.

<sup>2</sup> Сайидов Ё. Жадид бадий асарлари лексикаси. –Филол. фан. док.(Dsc) дисс. автореф. –Т., 2018. –Б. 18.

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ,Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.–Тошкент:Фан, 2007.–Б.37.

## Биринчи боб юзасидан хулосалар

1. «Қутадғу билиг» юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асарнинг нашр этилиши, таржималари, маънавий-маърифий қиймати билан боғлиқ. Туркологияда «Қутадғу билиг» матни татар, турк, уйғур, қозоқ, қирғиз олимлари томонидан турли аспектда ўрганилган. Ўзбек олимлари «Қутадғу билиг» асари тадқиқи бўйича бир қатор муваффақиятларга эришган. Изланишлар асар қўлёзма нусхаларини нашр этиш, оммалаштириш, илмий-танқидий матнини яратиш, тил хусусиятларини тадқиқ қилиш каби йўналишларга оид.

2. Асар лексикасининг 84 %ини асл туркий қатлам ташкил этади. Туркий лексика ҳаракат-ҳолат, ранг, белги-хусусият, нарса-ҳодиса номлари, маиший тушунчаларни ўз ичига олса, арабча қатлам диний ва мавҳум маъноларни, форс-тожикча қатлам эса фаолият-жараённи билдирувчи бирликлардан иборат.

3. Достон лексикасидаги туркий сўзларнинг 12 %и ҳозир ўзбек тили шеваларида фаол қўлланилади. Шева сўз бойлиги кўҳна туркий лексиканинг сақланиб қолиш даражаси юқорилиги билан аҳамиятлидир.

4. Асарда қўлланган форс-тожикча ўзлашмалар миқдори арабча ўзлашмаларга нисбатан оз (3%). Асосан, ҳафта кунлари, дори-дармон номларини билдирувчи форс-тожикча ўзлашмалар фаол қўлланган бўлиб, уларнинг маълум қисми айрим фонетик, семантик ўзгаришлар билан ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмоқда.

5. Достон матнида ишлатилган санскритча, сўғдча, хитойча ўзлашмалар нафақат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий муносабатлар, шунингдек, маданий, маърифий алоқаларнинг маҳсули ҳисобланади. “Олтун ярук”, “Хуастуанифт”, “Секиз йукмак” каби асарларнинг туркийга таржима қилиниши қайд этилган тилларга хос айрим сўзларнинг қадимги туркий тилга ўзлашишига сабаб бўлган.

## II БОБ. «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» ЛЕКСИКАСИНING СЕМАНТИК ТАСНИФИ

«Қутадағу билиг» лексикаси муаллиф маҳорати, мавзу талабига кўра ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир тушунчаларни акс эттирувчи сўзларни қамраб олган. Асар лексикаси ўттиз икки мавзуий гуруҳни ўз ичига олади. Улардан энг фаол қўлланганлари қуйидагилар:

ижтимоий-сиёсий терминлар: мансаб ва лавозимни ифодаловчи терминлар (*ayiči, bitigči*), дипломатия терминлари (*elči, yumušči*); ҳарбий терминлар (*yatyaq, pusuy*); савдо-сотик терминлари (*satiy, ayiči*); тиббий терминлар (*mitridus, čurni*); антропонимлар (*Afrasiyab, Faridun*); озиқ-овқат ва ичимлик номлари (*lewäš, etmäk*). Ҳар бир семантик гуруҳ бир неча лексик-семантик гуруҳни ўз ичига олади. Масалан, антропонимлар пайғамбарлар номлари: *Muhammad (s.a.v.), Muso, Sulaymon, Iso, Nuh*; халифалар номлари: *Atiq, Faruq, Usman, Ali (Haydar)*; ҳукмдорлар номлари: *Afrasiyab, Zahhok*; асар қаҳрамонлари номлари: *Küntuydi, Aytoldi, Ögdülmiş, Odyurmış*; авлиёлар номи: *Luqman* кабиларга ажратилди.

### 2.1. Ижтимоий-сиёсий терминлар

«Қутадағу билиг» даги ижтимоий-сиёсий терминлар борасида Ҳ.Дадабаев, И.Носиров, Н.Хусанов, Г.Гулиева каби олимлар илмий изланишлар олиб борган.<sup>1</sup> Асар матнидаги ижтимоий-сиёсий терминлар XI – XII аср муҳитига хос муносабатларни, давлат тизимида доир тушунчаларни ифода этади.

---

<sup>1</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Т.: Ёзувчи, 1991. – С.186; шу муаллиф. Старотюркская дипломатическая терминология в XI-XIV вв// Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. –Т.: Фан, 1994 . –С.4-13. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Т.: Фан, 1990. – С. 16-26. Guliyeva G.V. Karahanlı türkçesi bağlamında Kutadgu bilig va Atebetül-hakâyik’ ta sosyal-siyasi leksik birimler. Atebetü’l-hakâyik va ilk dönem. Türkçe islami eserler sempozyumu.–Ankara, 28-30 haziran, 2018.

## Мансаб ва лавозимни ифодаловчи лексемалар

Ўзбек тилида мансаб-унвон номларининг лексик-семантик таркиби тадқиқ қилинган.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг» даги мансаб-мартабани билдирувчи лексемалар семантикаси, асосан, сарой мухити билан боғлиқ: *vazir* “вазир”, *qaruγ bašlar* “дарвоза қўриқчилари бошлиғи”, *aš baščisi* “ошпазлар бошлиғи”, *ašči* “ошпаз”, *aš iščisi* “таомни етказувчи хизматчи, дастурхон безовчи”, *töšäkči* “тўшакчи, ўрин солувчи”, *afsunči* “афсунчи”, *qušči* “қушчи”, *idišči* “шаробдор, дори тайёрловчи”, *ša'ir* “шоир”, *ayiči* “хазинабон”, *ašči* “ошчи, ошпаз”, *avurta* “энага”, *bitigči* “котиб”, *elči* “элчи” ва ҳ.к.

**Vazir** сўзи “подшо, хон саройида юксак лавозимга тайинланди” маъносини англатувчи *vazara* феълининг масдари (ЎТЭЛ, II, 80): *Vazirliγ anar berdi tamγa ayay, tuyi küwrügi birlä berdi qiyay* – Унга вазирликни (ва унинг белгиси) тамға, идиш берди, туғи, ноғораси билан жиғасини берди (ҚБН, 1022; 44a12). **Vazir** – давлатни бошқарувчи асосий шахслардан бири. Бирор киши вазирлик лавозимига эришганидан кейин унга тамға, қадах, туғ, дўмбира, эгар-жабдуқ каби ашёлар ҳам тақдим қилинган (ДТС, 584). Асарда вазир лавозимини эгаллаган шахсларга жиддий талаблар қўйилиши таъкидланган.

Достон матнида келтирилган **qaruγ bašlar** икки туркий сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган, “сарой дарвозаларини қўриқловчи кишиларнинг бошлиғи” маъносини билдирган: *Qaruγ bašlar er käd bayirsaq keräk, tani žani birlä tapuysaq keräk* – Дарвозабонлар бошлиғи жуда меҳрли (бўлиши) керак, тани ва жони билан хизматга берилган (бўлиши) керак (ҚБН, 2490; 95b2). Маҳмуд Кошғарий девонида шу лавозим билан боғлиқ *ordu baši* сўзи қўлланган (ДЛТ, I, 145). Г.Дёрфер *ordu baši* сўзини “сарой бошқарувчиси” маъносида изоҳлаган.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Мўминова А. Ўзбек тилида мансаб ва унвон номларининг лексик-семантик таркиби. Филол. фан .номз. ...дисс. автореф. –Т., 2000.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.–Т.: Ёзувчи, 1991.–Б.44.

**Afsunči** “сеҳр-жоду” маъносидаги форсча *афсун* сўзига *-či* шахс оти ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ясалган бўлиб, шу фаолият билан шуғулланувчи шахс маъносини англатади. *Bularda basa keldi afsunčilar, bu yel yeklig igkä bu-ul emčilär*– Булардан сўнг афсунчилар [яъни азайимхонлар] келади, елдан, жиндан бўладиган касалликларга булар эмчидирлар (ҚБН, 4257; 157b10). Алишер Навоий асарларида бу маъно *афсунгар* ўзлашмаси билан ифодаланган: *Заҳр ила яшил бўлубон пайкари, булбул анинг бошида афсунгари* (АНАТИЛ, I, 143).

Достон матнида учрайдиган арабча **ša’ir** ўзлашмаси “шеър битиш билан шуғулланувчи ижодкор” маъносини англатади: *Basa keldi ša’ir bu söz tergüči, kišig öggüčilär yemä yergüči* – Яна шоирлар келдилар, булар сўз тергувчилардир, кишини мақтовчи ҳамда сўкувчилардир (ҚБН, 4288; 159a4). Асарда шоирлар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозимлиги таъкидланади. Чунки кишини мақтагувчи ҳам, унга лаънат айтувчи ҳам шоирлардир.

“Энага, бировнинг боласини боқувчи аёл” маъносини билдирувчи **avurta** лексемаси ишлатилган. *Awurtasi edgü kiši tut arıy, oğul qiz arıy qorğa turğa fariy* – Мураббийни яхши қишилардан олгин, ўғил-қиз пок ўсади, (номатлуб) фориғ туради (ҚБН, 4401; 163a12). Бу сўз “Девону луғотит турк”да ҳам шу маънода келган: *ol avurta tutundi* – у энага ёллади (ДТС, 71). Ушбу лексема “Қисаси Рабғузий”да ҳам қўлланган: *Rasul alayhis-salamni avurtaga bergän sözläri* (184v7). Кейинги давр манбаларида *avurta* ўрнида *enägä* қўллана бошлаган: Энагаси бор эрди оти Савсан, тили гаҳ қайчи эрди, гоҳ сўзан (Гул ва Наврўз).<sup>1</sup>

«Қутадғу билиг» да муайян лавозим, рутба эгалари ҳар хил бирликлар билан аталган: *aš baščisi* “бош ошпаз” – *хан salar* “бош дастурхончи”, *tüš yorğuci* “туш таъбирчиси” – *yulduzči* “мунажжим”.

---

<sup>1</sup> Лутфий. Сенсан севарим. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –Б.365.

Асарда қўлланган **aš baščisi** термини “сарой ошпазларининг бошлиғи, бош ошпаз” маъносини билдирган: *Ayaq tergi başlar bu aš baščisi, nekü-teg keräk ayııl aš iščisi* – Лаган – дастурхон мутасаддиси, ош (ноз-неъматлар) бошлиғи, ош (ноз-неъматлар) хизматчиси қандай бўлиши керак, айтгин (ҚБН, 2784; 105b4). Ошпаз (ašči)нинг қандай хусусиятга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ҳам бир қанча мулоҳазалар баён этилган: *Ariy bolsa ašči ariy aš yaıur, ariy bolsa aš suw sewä ked yelür* – Ошпаз покиза бўлса, покиза овқат ёяди, ош-сув покиза бўлса, жуда севилиб ейилади (ҚБН, 2806; 106a13). Достонда бу бирикма билан боғлиқ “бош дастурхончи” маъносидаги *хан salar* ҳам ишлатилган. XIV асрда “бош ошпаз” маъносида *бавурчы, бакавул* сўзлари қўлланган. Алишер Навоий асарларида “бош дастурхончи, шоҳ қошида овқат тортиш ишларини бошқарувчи” маъноси *бовурчи* лексемаси орқали ифодаланган: *Хорун дедиким, киймакни хазонадин еткурай ва емакни бовурчидин буюрай* (АНАТИЛ, I, 303). «Қутадғу билиг» матнидаги, ва кейинги давр манбалари, хусусан, Алишер Навоий асарларидан олинган мисоллар *aš baščisi, хан salar, бавурчы, бакавул* терминларининг бир-бирига ёндош бўлган “сарой ошпазларининг бошлиғи, “бош ошпаз” ҳамда “бош дастурхончи” маъноларини ифодалаганини кўрсатади.

Достон матнида келтирилган **tüş yorıučı** “туш таъбирчиси” фаолиятдан, асосан, жанг олдидан натижаларни аниқлашда фойдаланилган: *Tüşüg edgü yorsa bu түш yorıučı, ul edgü kelir kör bu sewnür tüči* – Тушни таъбир қилувчи тушни яхши таъбир қилса, у яхшиликка келади, бу [яъни туш кўрувчи] доим севинади (ҚБН, 4264; 158a6). XV асрга келиб бу лексема ўрнида арабча “тушни таъбир қилувчи, туш йўрувчи” маъносини англатувчи *муаббир* сўзи қўллана бошлаган: *Ва бу туш таъбиридин муаббирлар била қоҳинлар ожиз бўлдилар* (АНАТИЛ, II, 323).

“Юлдуз илми билан шуғулланувчи шахс, мунажжим” маъносини англатган **yulduzčı** асосий лавозимлардан бири бўлган: *Munıнда basa emdi yulduzčı-ul, baqa körsä yetrü edi yinčkä yol* – Энди бундан бошқаси

юлдузчилардир, яхшироқ назар солиб кўрилса, бу жуда нозик йўлдир (ҚБН, 4272; 158b1). Илк бор турк ёзувида битилган “Sekiz yükmäk” матнида қайд этилган ушбу астропоним «Қутадғу билиг» дан кейинги давр манбаларида кузатилмайди. Алишер Навоий асарларида арабча *мунажжим* лексемаси фаол қўлланган: *Эй мунажжим, гар ул сайру сукуни хабарин, демасанг, ер қуйи ҳам собиту ҳам сайёра* (АНАТИЛ, II, 351).

### Дипломатия терминлари

XI – XIV асрлардаги дипломатияга оид терминлар борасида Х.Дадабоев, Қ.Омонов самарали изланишлар олиб борганлар.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг»даги дипломатияга оид терминларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) дипломатия ва “дипломат” маъноси билан боғлиқ терминлар: *elçi*, *yalawaç*, *yumuşçı* (элчи), *yumuş* (юмуш, элчилик вазифаси);

2) иш юритишга оид терминлар: *dävat* (сиёҳдон), *kayid* (қоғоз), *bitig* (хат, мактуб), *bitigçi* (котиб, мирза), *tamya* (тамға).

Қ.Омонов Ўрта асрлардаги туркий тилларга оид расмий ёзмаларда лексик бирликлар масаласига эътибор қаратар экан, расмий матн услуби устида тадқиқот ўтказиш биринчи навбатда унинг лексикаси устида текшириш олиб боришни тақозо қилишини таъкидлайди. Аждодларимиздан қолган қадим ҳужжатлардаги ҳуқуқий истилоҳлар тўлиқ шаклланиб ва тугал кўринишни қабул қилгани, шу боис барча расмий ёзмаларда ҳуқуқий тушунчаларни англантиш учун айнан бир хил терминлар қўлланганини қайд этади.<sup>2</sup>

Давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг қандай қурилиши ҳақидаги йўл-йўриқ ва пандлар айнан «Қутадғу билиг»да берилган. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни ўрнатишда элчиларнинг роли ўта муҳим ҳисобланган. **Elçi** соф туркий сўз бўлиб “хабарчи” маъносини

<sup>1</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.–Т.:Ёзувчи, 1991; Омонов Қ. Ўрта асрлардан қолган туркий тилдаги расмий ёзмаларда лексик бирликларнинг танланиши // ЎзМУ хабарлари. –№ 1/3.–Т., 2015. –Б.304-307.

<sup>2</sup> Омонов Қ. Ўрта асрлардан қолган туркий тилдаги расмий ёзмаларда лексик бирликларнинг танланиши // ЎзМУ хабарлари. –№ 1/3.–Т., 2015. –Б.304-307.

билдиради. *Elçi* – бир давлатнинг бошқа бир давлатда фаолият кўрсатувчи расмий вакили. Ш.Раҳматуллаевнинг фикрича, бу сўз қадимги туркий тилда “бирор йўналишда ҳаракатлан-” маъносини англатган эл- феълидан –(и)т орттирма нисбат қўшимчаси билан ҳосил қилинган (ЎТЭЛ, I, 463). Асарда *elçi* дериватига синоним тарзида *savçi*, *yalawaç* сўзлари ҳам қўлланган: *Yalawaç bilir bolsa erdäm qamuy, bedüyür begi atî eldä uluy* –Элчи ҳамма санъат-хунарларни биладиган бўлса, бегининг номи элда жуда улуғланади (ҚБН,2604; 99a16). *Yalawaç* шаклидаги истилоҳ Ўрхун-Энасой ёдгорликларида айна “элчи” маъносида қўлланган: *Erdäm ičün Türipüt qanqa yalabaç bardim kälürtim* – Шон-шуҳратим (борлиги) учун Тибет хонига элчи бўлиб бордим (у ердан ўлжа олиб қайтдим).<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий девонида ҳам *yalawaç* шакли келтирилган (ДЛТ, I, 66; ДТС, 228). *Yalawaç* ўрни билан “Аллоҳнинг элчиси, пайғамбар” маъносини ҳам ифода этади. *Sawçi* – *saw* (хабар, сўз)дан ясалган бўлиб, *sawçi* – “хабарчи , Аллоҳнинг хабарчиси” маъносини англатади. Ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган *совчи* сўзида ҳам “хабарчи” маъноси бор, бироқ у “куда-андалар орасида хабар етказувчи”дир. <sup>2</sup> «Кутадғу билиг» да *yalawaç* ва *sawçi* сўзлари ҳам “пайғамбар” маъносида қўлланган. Элчиликнинг ўзига хос масъулияти бўлган. Асар матнида таъкидланганидек, “элчи бадий сўз санъатини пухта эгаллаган, заковатли, хотиржам ва ишбилармон, ҳозиржавоб бўлиши” мақсадга мувофиқдир. Икки ва ундан ортиқ киши орасида элчилик қилиш *yumiş* атамаси билан юритилган.<sup>3</sup>

Дипломатик муносабатлар ўрнатишда **bitigçi** муҳим вазифани бажарган. *Bitigçi* туркий сўз бўлиб, асоси *biti*= “ёзмоқ, битмоқ” феълига бориб тақалади (ДТС, 103). Бу сўзнинг *biti*= асоси “Култегин” битиктошида келтирилган. *Битиг* “ёзув, китоб” маъносидаги сўзга *-çi* шахс оти ясовчи қўшимча қўшиш йўли билан “ёзув билан шуғулланувчи шахс” маъносидаги

<sup>1</sup> Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков.–М.–Л., 1952.–С. 58.

<sup>2</sup> Sodiqov Q.Turkiy til tarixi.–Т., 2009.–В.220.

<sup>3</sup> Исҳоқов М., Содиков Қ., Омонов Қ. Мангу битиглар. –Т., 2009.–Б. 109.

сўз ҳосил бўлган. Асарда “котиб” маъноси, шунингдек, *ilimya* лексемаси ёрдамида ифодаланган. Махмуд Кошғарийда бу истилоҳ *alimya* шаклида келиб, “шоҳ мактубларини турк хати билан ёзувчи котиб” маъносини аниқлаган (ДЛТ, I, 161). “Давлат институтларига тегишли иш ёзмаларининг мазмуни ва сўз танланишига девонда ана шу соҳа билан шуғулланувчи мансабдорлар, яъни “*alimya*, *jaʼyuci* ва “*bitigʻi*” масъул ҳисобланган.<sup>1</sup> Зарур ва “ич сўзлар” фақат *ilimya* (котиб)ларга айтилган. Котибнинг хотираси яхши, ёзма нутқи чиройли бўлиши лозимлиги таъкидланган. «Қутадғу билиг» да таъкидланишича, котибликнинг асосий шартларидан бири “ҳукмдорнинг ва салтанатнинг сирларини сақлай олиш ва садоқатли бўлиш” деб белгиланган: *Bitigʻi bu yanliʻ kerak ey elig, inansa aʻnar bersä bolʻa elig* – (Котиб бу янглиғ (бўлиши) керак эй элиг, унга ишонса, қўл берса [яъни иш топширса] бўлади (ҚБН, 2697; 102b5). *Bitigʻi* моний манбаларида *bitikäci* шаклида учрайди. Алишер Навоий асарларида *bitigʻi* лексемаси билан бир қаторда *мурза*, *муниш* ўзлашмалари қўлланган (АНАТИЛ, I, 308, 358; АНАТИЛ, II, 129).

Достонда келтирилган **кағаз**, **дават** каби арабча ўзлашмалар расмий ҳужжатлар матнида кенг истеъмолда бўлган. “Сиёҳдон” маъносидаги *davat* сўзи илк бор «Қутадғу билиг» асарида учрайди: *Davat goldi kaʻaz bitidi bitig, bitig birlä etti işinä etig* – Давот ва қоғоз сўради, мактуб ёзди, мактуб билан ишига замин ҳозирлади (ҚБН, 3148; 118b1). Ҳозирда бу сўз истеъмолдан чиққан. Алишер Навоий асарларида “сиёҳдон, давот” маъноси *давот* қатори (АНАТИЛ, I, 430) *миҳбара* ўзлашмаси билан ифодаланган: *бир кун қаламни миҳбардин чиқардим* (АНАТИЛ, II, 312).

«Қутадғу билиг» матнида келтирилган **тамға** термини эски туркий тил манбаларида фаол қўлланган: *Bilig birlä yaqʻil bayat tapʻinga, bilig tamʻa bolur tamʻu qarʻinga* – Худонинг тоат-ибодатига билим билан (яқинлашишга) ўрган, жаҳаннамнинг эшигига билим тамға бўлади (ҚБН, 3184; 119b7). Асар табида байтнинг иккинчи мисраси «ҳамманинг эшигига билим тамға

---

<sup>1</sup> Омонов Қ. Ўрта асрлардан қолган туркий тилдаги расмий ёзмаларда лексик бирликларнинг танланиши // ЎзМУ хабарлари. –№ 1/3.–Т., 2015.–Б.304-307.

бўлади» деб изоҳланган. Биз асарнинг Наманган нусхаси факсимилесига кўра (119b7) байтнинг иккинчи мисрасини “жаҳаннамнинг эшигига билим тамға бўлади” тарзида изоҳладик. *Tamya* “беркитувчи”, “тўсувчи” маъноларини ифодалаган. Маҳмуд Кошғарий луғатида икки хил маънодаги, яъни омонимик муносабатдаги *tamya* сўзи келтирилган: I. Шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри; II. Денгиз, кўл ва водийларга қуйиладиган сувнинг бир тармоғи. Дарёда қайиқ тўхтайдиган жой ҳам *тамға* дейилади (ДЛТ, I, 400).

“Қисаси Рабғузий”да *tamya* “муҳр”ни ифодалаган: *Эй савчылар тамғасы мунуңтек карāмат бирлә бизләрдин артуқ болдың.*<sup>1</sup> “Ат-туҳфа...”да “муҳр, нишон” маъносини билдирган *тамға* нафақат эски ўзбек тили, балки ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланувчи бирлик ҳисобланади. «Қутадғу билиг» да “белги”ни ифодалаган *nišan* ўзлашмаси (*Nišanī bulur men körüglisi yoq*) XIII асрга хос турк (уйғур) хатида битилган хужжатлар матнида “муҳр” маъносида қўлланган.

«Қутадғу билиг»да *tamya* асосидан ясалган **tamyacı** термини қўлланган. *Tamyacı* алоҳида сарой лавозимларидан бири бўлиб, “муҳрдор” маъносини англатади: *Atim ersig ersä bolur oq yacı, köni bolsa qilqi bolur tamyacı* – Мерган, довьорак бўлса, ўқ-ёйчи бўлади, хулқи тўғри бўлса, муҳрдор бўлади (ҚБН, 3951; 147a4). Эски ўзбек адабий тилида *tamyacı* термини ўрнини *муҳрдор* бирлиги эгаллади.<sup>2</sup> *Tamya* туркий халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутди. *Tamya* нафақат давлат рамзи, балки ижтимоий турмуш тарзи билан боғлиқ муҳим белги сифатида ҳам аҳамиятга эга бўлган. Чорвачилик билан шуғулланган туркий халқ вакиллари ҳайвонларни махсус тамғалар (уй-рўзғор буюмлари, ҳайвонлар тасвири) билан муҳрлашган. Маҳмуд Кошғарий ўғузларнинг йигирма икки уруғи хусусида сўз юритиб, уларнинг ҳар бири махсус белгилар, ҳайвонларга хос тамғаларга эгаллиги, уруғларни шу тамғаларга қараб фарқлашларини таъкидлаган (ДЛТ, I, 89-90).

<sup>1</sup> Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий”лексикаси.–Т.:Akademnashr, 2008.–Б.101.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв.–Т.:Ёзувчи, 1991.–Б. 48.

## 2.2. Ҳарбий терминлар

«Кутадғу билиг»даги ҳарбий терминлар бўйича Х.Дадабоев илмий изланишлар олиб борган.<sup>1</sup> Асарда лашкарбошилар билиши лозим бўлган масалаларга алоҳида боб ажратилган. Достон таркибидаги ҳарбий лексика 45та сўзни ташкил этади ва улар қуйидаги тартибда гуруҳланди.

«Кутадғу билиг» да ҳарбий тизим билан боғлиқ шахс отлари ишлатилган. “Дунё, олам” маъносини берувчи сўғдча *aʒun* сўзига *-čī* шахс оти ясовчи қўшимчани қўшиш орқали “жаҳонгир, жаҳонгашта” маъносидаги **aʒunčī** сўзи ясалган: *Aʒunčī bögü beg nelüg gänč urur, erät qayda bolsa anuq ganč urur* – Жаҳонгир, доно бег қандай қилиб ганж йиғади, лашкар қайда бўлса, албатта, ганж йиғади (ҚБН, 2022; 79b4). *Aʒunčī* ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди, бу сўз англатган тушунча форс-тожикча *жаҳонгир* лексемаси орқали ифода этилади.

“Лашкарбоши” маъносини англатувчи **sü başlar** қўшма сўзи достон матнида фаол қўлланган. Луғавий бирлик таркибидаги “қўшин-лашкар” *sü* термини Ўрхун-Энасой битикларида фаол қўлланган (ДТС, 516). *Sü başlar* туркий сўз бўлиб, асар матнида шу лексемага яқин тушунчалар билан бирга келган: *Vazir-ul ekinči sü başlar ‘alam, birisi qilič tutti biri qalam*– (Бири) вазир, иккинчиси –яловбардор лашкарбоши, бири (қўлида) қилич тутади, бири – қалам (ҚБН 2382; 91b12). Г.Дёрфер достон матнида қайд этилган *sü başi* лавозимининг ҳозирги “маршал”га тенг келишини айтиб ўтади<sup>2</sup>. *Alam başlar* истилоҳи *sü başi, sü başlar sipahsalar//isfahsalar* билан синонимик қаторни шакллантирган.<sup>3</sup>

Достон матнида “отлиқ қўшин бошлиғи” маъносини билдирувчи **ҳайл başi** сўзи келтирилган: *Keräk ҳайл başiqa bu bir qač qiliq, etilsä iš(i) ötrü tüzsä yoriq* – Хайл (тўда) бошига бу бир қанча хислатлар зарур, токи унинг ишлари юришса, сўнг режалар тузса (ҚБН, 2287; 88b6). Алишер Навоий асарларида

<sup>1</sup> Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1981; Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. –Т.: Фан, 1990. –С.3-83.

<sup>2</sup> Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. –Т.: Фан, 1990. –Б.11.

<sup>3</sup> Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. –Т.: Фан, 1990. –Б.18.

бу термин “тўда, гурух, тоифа; эл, жамоа; оила, бола-чақа, аҳлу аёл” маъноларида қўлланган (АНАТИЛ, III, 371).

Достон матнида қўлланган **atim** истилоҳи (<at= “отмоқ”) “ўқ отувчи мерган” маъносини ифодалаган: *Bu beglikkâ aşnu tûb aslî keräk, atim alp qatîy qurç yana toñ yûrâk* – Беглик (иши) учун ҳаммадан аввал таги асл (киши) керак, мерган, ботир, қаттиқ чиниққан ҳамда кўркмас юракли (бўлиши керак) (ҚБН, 1915; 76a2). “Девону луғотит турк”да *atim er* “ўқ отишга уста одам, мерган” бирикмаси қайд этилган (ДЛТ, I, 105).

Асарда келтирилган **tuyci** истилоҳи *tu* (байроқ) сўзига *-ci* шахс оти ясовчи қўшимча қўшиш орқали ҳосил қилинган. *Tuyci* “байроқдор, туғни кўтариб юрувчи шахс” маъносини англаган: *Idişci töşäkci yana aşciqa, tüzü köz kemişsä yemä tuyciqa* – Идишчи (соқий), тўшакчи (ётоқ бошлиғи), яна ошчи(ларга) ҳамда туғчиларга доим кўз ташлаб турса (ҚБН, 2518; 66b2). Ушбу мотивланган термин эски ўзбек адабий тилида, жумладан, “Бобурнома”, “Шажараи турк” матнида қўлланган.<sup>1</sup>

“Душман, ёв” маъносини билдирган **yaui** термини “Тўньюқуқ” битиктоши ва бошқа рун битикларида учрайди (ДТС, 224). «Қутадғу билиг» матнида *yaui* асосига *-ci* ясовчисини қўшиш орқали ҳосил бўлган **yauci** термини қўлланган, “жанговар, жангчи” маъносини англаган: *Nekü ter eşitgil yauci küer er, bu saqliq bilä öz yauişin urar* – Ботир, жангчи киши нима дейди, эшитгин, ҳушёрлик билан ўз душманига зарба берувчи киши (ҚБН, 1985; 78a12). **Yauci** таркибидаги шахс оти ясовчи қўшимча “асосдан англашилган воқеликни бартараф этувчи шахс” маъносидаги луғавий бирликни шакллантиришга хизмат қилган. Асл туркий термин форс-тожикча *duşman* ва арабча *hasim* ўзлашмалари билан биргаликда синонимик қаторни юзага келтирган.

Юсуф Хос Ҳожиб *yigit* сўзини “аскар” “ҳарбий” тушунчасини ифодалаш учун қўллаган: *Kiçig qur yigitlär bolur keđ yeti, qalî yüz ewürsä ođitur otî* –

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. –Т.: Университет, 2008.–Б.158.

Кичик ёшли йигитлар (аскарлар) жуда тез бўлади(лар), (лекин) агар улар (ёвга) юзлансалар, ўт(лар)ини сўндирадилар [яъни ўзларини йўқотиб кўядилар] (ҚБН, 2337; 90a11). Муаллиф бу ўринда барча соҳада, аввало, тажриба биринчи ўринда туришини алоҳида таъкидлайди. Ёш ва навқирон аскарлар урушга кирсалар саросимага тушиб қолиши мумкинлиги, уларда тажриба етишмаслигини таъкидлайди.

Кўшиндаги асосий қисмлардан бири ўқчилар, яъни камончилар ҳисобланган. “Пиёда ўқчи” маъноси **yaḍay oqčī** бирикмаси ёрдамида англашилган. *Ėerikdā bir anča pusuḡqa kigür, yaḍay oqčī tüšrüb sen öñdun yügür* – Кўшиндан бир қисмини пистирмага кирит, пиёда ўқчилар тушириб, сен олдинда югуриб (бор) (ҚБН, 2334; 90a8).

Достон матнида “лашкар, аскар, кўшин” маъносини ифодаловчи **Ėerig** сўзи фаол қўлланган. Маҳмуд Кошғарий ўғузча **Ėer** лексемаси “рўпара” маъносини билдиришини айтиб ўтган. Икки аскар сафига ҳам *Ėerik* дейдилар. Чунки улар ҳам бир-бирига юзма-юз турадилар (ДЛТ, I, 313). Бу термин “Қисаси Рабғузий”, “Бобурнома”да учрайди: *Барғыл Намрудға айғыл санчушур көнүллүк бар эрсä, чэриг анутгғыл*<sup>1</sup>. *Черик мундин ўтарда... келиб сари асбаки сайр қилиб ўтулуб эди*<sup>2</sup>. Алишер Навоий асарларида кенг қўлланган (АНАТИЛ, III, 463). Терминнинг эски ўзбек адабий тили сўз яшаш жараёнида фаол иштирок этгани, ўзига хос лексик парадигмани юзага чиққарганини кўриш мумкин. “Гул ва Наврўз” достонида терминдан туркийча *-ла // -lä* аффикси билан ясалган, “лашкар тортмоқ” маъносини англлатувчи *черикlä* = феъли қўлланган: *Адан пàдшàҳы Йаман ханыга чэриклäгäни* (45v6). Ушбу асарда *чэрик баишат* = “кўшинга қўмондон этиб тайинламоқ”, *чэрик ихтийàры* “лашкар қўмондонлиги”, *чэрик алды* “кўшин, лашкар авангарди (илғор қисми)” қўшма сўзлари, *чэрик тохтат* = “кўшинни тўхтатмоқ”, *чэрикка көзи туш* = “лашкарни кўрмоқ”, *чэрикни чэнä* =

<sup>1</sup> Абдушукуров Б. «Қисаси Рабғузий» лексикаси. – Т.: Akademnashr, 2008. – Б.80.

<sup>2</sup> Холманова З. “Бобурнома” матнига хос айрим лексемаларнинг семантик таҳлили. Лингвист IV. – Т.: Akademnashr, 2013. – Б.17.

“лашкарнинг сонини чамаламоқ”, *чэрик йаса*= “лашкарни жанговар сафга тизмоқ” каби бирикмалар қўлланган<sup>1</sup>. Бу ҳолат *čerig* лексемасининг XIII – XIV асрларга келиб фаоллашгани, янги лексемалар ясалишига асос бўлганидан далолат беради.

Асл туркий **erät** (<er “аскар, жангчи”+(ä)t) сўзи “саркарда, лашкар, сарбоз” маъноларини билдиради: *Erät körsä ötrü sewinčlig bolur, yaği oğri bolsa sewüg žan berür* –(Буни) сарбоз (лар) кўрса, сўнг севинчли бўлади, жанг пайти бўлса, севимли (ширин) жонини беради (ҚБН, 2368; 91a12). Лексема кейинги даврларда архаиклашган.

“Қоровул, соқчи” маъносини англатувчи **yatyaq** термини эски туркий тил манбаларида фаол қўлланган. «Кутадғу билиг» да ҳам шу маънода келган: *Künün turdi turyaq tünün yatyaqin, tapundi qiyiqsiz bayirsaqliqin* – Кундузлари посбонликда, кечалари соқчиликда турди, ҳеч оғишмай сидқидиллик билан хизмат ўтади (ҚБН, 594; 28a10). “Девону луғотит турк”да ҳам келтирилган (ДТС, 247).

**Qilič** термини асарда бирламчи, денотатив маъноси қатори (79 б) метонимия асосида “ҳарбий муносабат” тушунчасини ҳам ифодалаган: *Qayu beg erätни sewündürmäsä, qilič qında čiqmas anında basa* –Қайси бег лашкарни хурсанд қилмаса, у (лашкар)нинг қиличи зинҳор қинидан чиқмайди (ҚБН, 2104; 82a11). Эски туркий ва эски ўзбек адабий тилида фаол қўлланган бу термин қардош туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида ўз шакли ва маъносини сақлаб қолган.

Асарда *пичоқ* сўзининг тарихий шакли – **bičaq** қўлланган. Бу сўзнинг этимологияси икки хил талқин қилинади: 1) қадимги туркий тилдаги “ўткир кесувчи асбоб” маъносини англатган *би* отидан кичрайтириш маъносини ифодаловчи *-čäk* қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 160); 2) қадимги туркий тилдаги “кес-“ маъносини англатган *bič-* феълидан *-(a)q* қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, II, 160). Асарда кўп ўринларда *bič-* феъли қўлланган.

---

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ,Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.–Тошкент:Фан, 2007.–Б.30.

Шунга кўра сўзнинг этимологияси хусусидаги иккинчи қараш тўғри, дея оламиз. Кейинчалик сўз бошланишидаги *б* ундоши жарангсиз *п* ундошига, *к* ундоши *қ* га алмашган: *Bičaq tutma anda kötürmä söñük, ayi bolma qovdaş ya silkim sepük* — У ерда пичоқ ишлатма, сўнгак олма, зинҳор бетоқат, енгилтак бўлма (ҚБН, 4495; 166b11). Алишер Навоийда *бичак* шаклли лексема “игна, сўзан” маъноларида учрайди: Ярамни тиккали бошинг уза бичакму экин, бичакда риштан жонимму ё ипакму экин (АНАТИЛ, IV, 215). *Пичоқ* лексемаси “пичоқ; ханжар” маъносини англатган: Синон ва ҳарта ва пичоқ...ул (Жамшид) ясади (АНАТИЛ, II, 575). Бундан маълум бўладики, “игна, сўзан” маъноларидаги *бичак* тикиш объекти бўлган *чок* сўзига алоқадор. Э. Севортян луғатидаги талқинни шу сўз этимологияси сифатида қабул қилиш мумкин. *Пичоқ* эса “қирқмоқ”, “кесмоқ” маъносидаги *бич-/нич-* асосидан ясалган (Ш.Раҳматуллаев талқини шу сўзга оид). Алишер Навоий асарларида икки хил маънодаги ҳар икки сўзнинг ишлатилгани бу сўзларнинг бошқа-бошқа лексемалар эканлигини асослайди.

**Tolum** сўзи «Қутадғу билиг» матнида “аслаҳа, қурол-яроғ” маъносида келган: *Ne teñsiz ölüm sen ey yawlaq ölüm, basunmaz señä etsä tük miñ tolum* – Эй шафқатсиз ўлим, сен қандай ярамас ўлимсан, сенга минг-минг жабдуқ-қурол юкланса ҳам босилмайсан (ҚБН, 1515; 61a15). Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам айни шакл ва маънода қайд этилган: *Толум унутса, қулун болур, толум унутса, булун болур* – Душманига (қарши) қурол ҳозирлаган киши қулун (той) топади, қурол ҳозирлашни унутган киши асир бўлади (ДЛТ, I, 221).

“Болта” маъносидаги яроғ **baldu** шаклида келган: *Qilič baldu oq ya qavi küç yüräk, bar erkän käd er nengä qorqmas keräk* – Қилич, болта, ўк, ёй, қувват, куч, шижоат бор экан, зинҳор эр киши мол-дунё учун (қайғуриб) кўркмаслиги керак (ҚБН, 2021; 79b3). Бу ўринда муаллиф *baldu, oq, ya* каби бир қанча ҳарбий терминларни келтирган. Бугунги кундаги *baldu* “болта”

сўзи ҳам фонетик, ҳам семантик ўзгаришга учраган, ҳозирда рўзгор буюми, касб-ҳунар лексикаси сифатида ишлатилади.

Достон лексикасидан ўрин олган ҳарбий терминлар таркибида *quуay* сўзи қўллангани характерлидир: *Vazirliу aуar berdi tamуa ayay, tuyi kiiwrügi birlä berdi quуay* –Унга вазирликни (ва унинг белгиси) тамға, идиш берди, туғ ва ноғора билан бирга совут, зирҳ ҳам берди (ҚБН, 1022; 44a12). *Quуay* бошқа манбаларда кузатилмайди.

«Қутадғу билиг»даги ҳарбий терминлар тизими қорахонийлар даври ҳарбий иш ва ҳарбий санъатнинг тараққиёти, сўзларнинг кейинги даврлардаги қўлланиш даражаси ҳақида маълумот беради. Шу билан бир қаторда муаллифнинг шу соҳадан қай даражада хабардорлигини ва сўз қўллаш маҳоратини акс эттиради.

### 2.3. Савдо-сотик терминлари

XI – XII асрлар туркий халқлар тарихида алоҳида босқич ҳисобланади. Қорахонийлар даврида ижтимоий-сиёсий соҳалар билан бир қаторда молиявий муносабатлар, савдо-сотик алоқалари ривожланди. Савдо-сотик муносабатлари шу давр тилининг ёрқин намунаси бўлган «Қутадғу билиг»да ҳам ўз ифодасини топган.

Достон матнида *tawar* “мол, нарса”, *satiу* “савдо-сотик”, *ayüci* “ҳазинабон”, *sart* “савдогар”, *yarmaq* “пул”, *darb* “ҳисоб”, *saqiš* “ҳисоб-китоб”, *alim-berim* “олди-берди”, *ayir* “қиммат”, *ücüz* “арзон”, *kebit* “дўкон” каби 50га яқин савдо-сотик терминлари қўлланган.

Бугунги кунда бошқа тилларда ҳам фаол қўлланаётган соф туркий *tawar* сўзи достонда **mal tawar** жуфт сўзи таркибида ишлатилган: *Сiуayqa ülädi öküš mal tawar, köñül бүrdi rabbqa qamüdin siуar* – Фақирларга талай мол ва товар улашди, ҳар жихатдан раббга кўнгил боғлади (ҚБН, 1757; 69b12). Мўюн чур битиктошида *tawar* “мол-мулк” маъносида қайд этилган (ДТС, 526). Бу лексема кейинги даврларга оид обидалар тилида кенг қўллангани билан характерланади.

«Қутадғу билиг» да *tavar*ни сифатлаш, баҳосини белгилаш учун “қиммат” маъносидаги *ayir*, арзон маъносидаги *uʻuz* сўзи қўлланган. Асл туркий **ayir** сўзи нарса-буюмларга нисбатан “қиммат, қимматли”, инсонларга нисбатан эса “қадрли” маъносида ишлатилган: *Qamuy nāḡ tawariy biligli keräk, ayirin uʻuzun uquyli keräk* – Турли мол ва товарларни биладиган (бўлиши), қиммат-арзонини тушунадиган (бўлиши) керак (ҚБН, 2762; 104b12). “Ҳурматли, азиз” маъносидаги *ayir* асосидан ясалган *ayirla*= феъли “ёрлақмоқ, қадрламоқ” маъноларини ифодалаган: *Malik anī ayirlab, uluylab öz Xas Nažibliqi aḡa bermiš* – Малик уни ёрлақаб, улуғлаб ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозим)ини унга берибди (ҚБН, 48 б.). *Ayir* ҳозирда инсонга нисбатан қўлланиб, феъл-атворни сифатлашга хизмат қилади. Ақлли, босиқ, вазмин, муаммони чуқур мушоҳада орқали ҳал қиладиган доно шахслар *ayir* сифати билан тавсифланади. Бу сўз индамас, уятчан, шахсларга нисбатан қўлланганда ҳам “қиммат” семасига асосланилади. Таҳлил қилинаётган терминни унинг шаклдоши, яъни “оғир, қийин; хавфли” маъносида ишлатилган *ayir*дан фарқлаш лозим.

Асарда “олди-сотти” маъносидаги **satiy** (<sat= “сотмоқ”) термини ишлатилган. Бу ясама термин ҳозирги ўзбек тилида жуфт сўз таркибида фонетик ўзгариш (ғ>қ) билан қўлланади: *савдо-сотуқ*. Арабча *qiymat* нарса-буюмларнинг баҳосини билдирган: *Bilir bolsa qiymat ul arsiqmasa, satiyda tawuyda nāḡ alsiqmasa* – Баҳони биладиган бўлса токи алданмаса, олди-соттида мол (орттириб) олишга интилмаса (ҚБН, 2763; 104b13). Термин бугунги кунда дostonдаги маъносини сақлаган ҳолда қўлланади.

Давлат лавозимларидан бири бўлган “ҳазинабон” тушунчасини ифодалаган **ayiči** деривати соф туркийча бўлиб, *ayī* (бойлик) сўзига –*či* шахсоти ясовчи қўшимча қўшиш орқали ясалган: *Ayiči bitigči ya iš tutyučī, ya tončī etükčī ‘amil bolyučī* – (Ё) хазиначи, (ё) котиб, ё (бошқа) иш юритувчи (аъёнлар), ё тўнчи, (ё) этикчи, (ё ер-мулк ишларини бошқарувчи) саркорлар (ҚБН, 2456; 94a13). Юсуф Хос Ҳожиб барча соҳа вакиллари сахий бўлиши

лозимлигини, фақатгина хазинабонларга хасислик кераклигини айтиб ўтади. Агар хазинабонлар сахий бўлса, давлат ғазнаси бўшаб қолишини таъкидлайди. Махмуд Кошғарий луғатида *ayīci* “ипакли кийимликларни сақловчи хазиначи” маъносида қўлланган (ДЛТ, I, 155). Бу сўз *ayī* (мато) сўзининг “ипак мато” маъноси асосида ясалган. “Бойлик” маъносидаги *ayī* ва “ипак мато” маъносидаги *ayī* сўзи “қиймат” семаси орқали боғланади, кўп маъноли сўздан шаклдош birlikлар юзага келган.

Достон матнида “савдогар” маъносини англатган санскритча **sart** сўзи қўлланган: *Nekii ter ešitgil bu sartlar baši, ažun težginib neḡä tegmiš kiši* – Савдогарлар боши нима дейди, эшитгин, олам кезиб мол-дунёга эришган киши (ҚБН, 2705; 102b13). *Sart* ўзлашмаси “Девону луғотит турк”да айна маънода қўлланган: *Sartniḡ azuqi ariy bolsa, yol üzä yer* – савдогарнинг моли тоза, шубҳасиз бўлса, йўл устида ейди (ДЛТ, I, 97). *Sart* “Қисаси Рабғузий”да “ўтроқ аҳоли”га нисбатан ишлатилган.<sup>1</sup> “Қутадғу билиг”да *sart* билан бир қаторда асл туркий *satiyıcı* сўзи ҳам қўлланган. *Satiyıcı* ясамаси “Девону луғотит турк”да ҳам “тожир, савдогар” маъносида учрайди (ДЛТ, I, 97).

Соф туркий **yarmaq** сўзи “пул” маъносини англатади: *Kiši barča yarmaq quli boldilar, kümüš kimdä ersä boyun berdilar* – Барча одам(лар) пул кули бўлдилар, кимда кумуш бўлса, (ўшанга) бўйин бердилар (ҚБН, 6243). Бу сўзнинг *yartmaq* шакли айна маънода “Девону луғотит турк”да ҳам келтирилган (ДЛТ, I, 50). Мозийда ақча, динар, дирҳам каби пул birlikларининг чўян, мис, олтин, кумуш ва ҳ.к.дан зарб қилиш билан тайёрлангани, -моқ аффикси феъллардан от туркумидаги сўзлар яшашини ҳисобга олиб, термин *yağ*= “ёрмоқ” феълидан ясалган, дейиш мумкин.

XI – XIV асрлардаги ёзма манбаларда “карвон” маъносини билдирувчи *arqış, karvan, qafila* каби сўзлар қўлланган.<sup>2</sup> Достон матнида **arqış** сўзи фаол ишлатилган: *Bu ažun tüšün-ul san arqış sani, tüšünda nečä bolay arqış sani* – Бу

<sup>1</sup> Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. –Т.:Академия, 2008.–Б.80.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.:Ёзувчи, 1991.–Б. 83.

дунё бир работ, сен эса карвон кабидир, работда карвон қанча туради? Ҳисоб кил (ҚБН, 1428; 58b3). Махмуд Кошғарий девонида бу лексема “карвон” маъносидан ташқари “юртидан узоққа кетган кишига юборилган хабар етказувчи одам; мактуб, нома” маъноларида ҳам келган (ДЛТ, I, 123). “Култегин” битиктошида *terkiş* ясамаси билан синтагматик муносабатга киришган (ДТС, 555).

Достонда “кичик дўконча” маъносини билдирувчи **kebit** лексемаси учрайди. *Kebit käd bezädim kişi körgüsi, asiy yoq kebittä satiy belgüsi*—Дўконни манзур безаганим – бу одам(лар) кўришигагинадир, (бу) дўконда савдо белгиси (бўлмиш) фойда йўқ (ҚБН, 5000; 185a4). “Девону луғотит турк”да бу лексема “ичкилик дўкони, майхона” маъносида қўлланган (ДЛТ, I, 338).

“Хазина, ғазна” маъносини англаган **qaznaq** термини илк бор «Қутадғу билиг» матнида қўлланган: *Telim artti eldä yañi kend uluş, elig qaznaqi toldi altun kümüş* – Элда янги-янги вилоят ва қишлоқлар жуда кўпайди, элининг хазинаси олтин-кумушлар билан тўлди (ҚБН, 1029; 44b4). Асарда **qaznaq** сўзи *ayı* лексик бирлигини ўзига тобелантириб “қимматбаҳо буюмлар хазинаси” маъносини ифодалаган.

#### 2.4. Тиббий терминлар

Юсуф Хос Ҳожибнинг қомусий билимлар соҳиби эканлиги тиббий тушунчалар изоҳида ҳам кўзга ташланади. «Қутадғу билиг»да тиббиётга оид тушунчаларни ифодаловчи терминлар қуйидагича гуруҳланди:

**Тиббиёт билан шуғулланувчи шахс отлари.** Асар матнида тиббиёт билан машғул шахс отлари ўз аксини топган. Чунончи, **otačı** “табиб, даволовчи” маъносини билдирган: *Ularda birisi otačı turur, qamuy ig toyaqa bu etčı erur* – Улардан бири табиб(лар)дир, ҳамма касаллик, рух оғирлигига улар эмчилардир” (ҚБН, 4252; 157b5). Ушбу дериват соф туркий бўлиб, *ota*= “даволамоқ” феълига *-čı* шахс оти ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали ясалган. “Девону луғотит турк”да ҳам *otačı* “даволовчи, табиб” маъносида қайд этилган (ДЛТ, I, 299). *Otačı ot* “дори” асосидан ясалган. Негаки, *otačı*

“табиб”нинг фаолияти беморни доривор ўт, гиёҳ билан даволашга асосланган.

Асарда табибларга нисбатан **emči** термини ҳам қўлланган. *Emči*лар барча касаллик ва руҳ оғриқларига даво бўладиган шахслар сифатида эътироф этилган. *Em* “даво, муолажа” сўзига *-či* шахс оти ясовчи қўшимчасини қўшиш орқали “даволовчи киши” маъносидаги сўз ясалган. “Табиб, даволовчи шахс”ни билдириш учун ҳар икки терминнинг жуфт қўлланиш ҳолати ҳам кузатилади: *otači emči, otači baхši, otači hakim* (ДТС, 373). *Otači va emči* сўзларининг мутлоқ синоним бўлганлигини *otači, emči* сўзларининг жуфт келиши ҳам тасдиқлайди. *Otači* терминига даволаш ашёси асос сифатида олинган бўлса, *emči* лексемасига шахснинг даволашга қаратилган фаолияти омил бўлган. *Emči* (*эмчи*) ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилади. Изоҳли луғатда ушбу сўзнинг икки маъноси қайд этилган: 1. Эмловчи табиб. 2. *эмн.* Эми-дими, дуолар билан даволовчи табиб (ЎТИЛ, V, 38). *Emči* бугунги кунда, асосан, шеваларда изоҳли луғатда қайд этилган иккинчи маънода қўлланади. “Халқона усул, амаллар билан даволовчи табиб” тушунчасини ифода этади. *Em* сўзи ҳам сўзлашув услубида ишлатилиб, “даво, шифо” маъносини билдиради. «Қутадғу билиг» да *em* асосидан ясалган *emlä*= “даволамоқ” тушунчасини англаган: *Biligsiz kiši barča iglig bolur, iglig emlämäsä kiši terk ölür* – Билимсиз кишиларнинг барчаси дардли бўлади, дардни даволамаса, киши тезда ўлади (ҚБН, 153; 13а2). *Em, emlä*= сўзлари ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ишлатилади. *Emlä*= (*эмламоқ*) сўзи “вакцинация” жараёнини ифода этади. *Emlä*= «Қутадғу билиг» да ҳамда ўзбек тили тарихий босқичларида “даволамоқ” тушунчасини билдирган бўлса, ҳозирда “касалликнинг олдини олиш” мақсадидаги жараённи акс эттиради. Достон лексикасидан ўрин олган *otači-hakim* жуфт сўзининг “табиблар” маъносида қўлланганини қайд этиш билан бир қаторда арабча ўзлашманинг соф туркий лексема билан синтагматик

алоқага киришиб, ўша давр тиббиёт терминлари тизими ривожда иштирок этганини ҳам таъкидлаш лозим.

“Доришунос, доривор гиёҳлардан дори тайёрловчи” тушунчаси **idišči** (<idiš “идиш”+či) лексемаси билан ифодаланган (ҚБН, 2518; 66b2). Бу лексема ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди. *Idišči* дори тайёрлашда ишлатиладиган *idiš* “идиш” лексемасидан метонимия асосида ҳосил бўлган. XI – XIII асрларда дори тайёрлашнинг ўзига хос механизми яратилганлигини турли миниатюра тасвирлари орқали ҳам кузатиш мумкин.

**Дори номлари.** Асарда турли дори номлари ва уларнинг қандай касалликларга қарши қўлланилиши ҳақида маълумотлар берилган. Юсуф Хос Ҳожиб томонидан қайд этилган дори номлари фармацевтика ривожидан, дори турлари, даволаш усуллари борасида маълумот беради.

«Кутадғу билиг» да *ot* “дори” сўзи *em* “дори, дармон” билан биргаликда қўлланиб, “гиёҳ, доривор ўсимлик” тушунчаларини билдирган (ДТС, 373). Маҳмуд Кошғарий луғатида ҳам *ot* сўзи “дори” маъносида қайд этилган (ДЛТ, I, 71). *Yem* ясамаси билан жуфтликда (*ot yem*) “овқатга солинадиган зиравор, доривор” маъносини ифодалашга йўналтирилган.

Достон матнида қўлланган **urayun** “аччиқ таъмга эга бўлган дори, захар” маъносини билдирган: *Bedüg bir bičäkig eligdä tutar, solindin urayun oñindin šakar* – Қўлида улкан бир пичоқ тутган, сўл томонида – урағун (бир хил дори), ўнгида эса шакар (шарбат) (ҚБН, 757; 33b11). «Древнетюркский словарь»да *urayun* “ҳинд дориларидан бирининг номи, қайноқ шарбат” маъносида изоҳланган (ДТС, 614). Р.Арат бу дорини *Hindistandan gelen bir ilâç* (Ҳиндистондан келган бир дори) деб изоҳлайди.<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий луғатида “касалларга қўлланадиган ҳиндча бир дори” сифатида таърифланган (ДЛТ, I, 156). Байтда келтирилганидек, зўрлик ва зулм кўрган инсон ҳукмдорнинг даргоҳидан адолат топса, шакардан, ширинликдан баҳра олади. Зўравон ва золим, тўғрилиқдан мосуво кишилар урағун, яъни захар

---

<sup>1</sup> Rešid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig (index). Istanbul, 1979.–B. 497.

ичишга маҳкумдир. Хукмдорнинг адолатли сиёсатидан золимлар урагун ичгандек азият чекади. Юқоридаги байтда *urayun* мажозий маънода қўлланиб, Кунтуғди элигнинг адолат ҳақидаги фикрларини асослашга, ёмонларнинг жазога муқаррар эканлигини таъкидлашга хизмат қилган.

Асарда таъкидланишича, Ойтўлди касалликка чалинганда табиблар унга қон олдиришни тавсия қилишган. Айрим табиблар сурги дори – **ötrüm** ичишни маслаҳат берганлар: *Qayu aydi ötrüm içirgü keräk, özi qatmiş emdi boşutyu keräk* – Баъзилари айтдилар: сурги ичириш лозим, ичи қотибди, энди ични юмшатиш керак (ҚБН, 1045; 45a7). *Ötrüm* «Древнетюркский словарь»да “кучсизлантирувчи” маъносида қайд этилган (ДТС, 393). Бу сўз *öt*= “ўтмоқ, кетмоқ” феълидан ҳосил қилинган. Ушбу лексема Маҳмуд Кошғарий девонида ҳам “сурги дори” маъносида қайд этилган (ДЛТ, I, 131).

**Šalisa, taryaq** сўзлари ҳам “беморни даволаш учун бериладиган дори” маъносини ифодалаган: *Keräk qat šalisa keräk taryaq et, keräk Mitridus qat ya čurni ögit* – Иста шалисо ишлат, иста тарёқ истеъмол қил, иста Митридус ишлат ёки чурни, ўгит истеъмол қил (ҚБН, 1050; 45a12). *Šalisa (шалисо)*–ҳар жиҳатдан манфаатли дори.<sup>1</sup> *Taryaq (тарёқ)* – заҳарларга қарши мураккаб таркибли дори (Тиб қонунлари, V китоб, 234). Байтда келтирилган *mitridus, čurni, ögit* каби лексемалар ҳам дори номларини билдирган. **Mitridus** – мураккаб таркибли дори бўлиб, яратувчисининг номи билан аталган (Тиб қонунлари, V китоб, 235). Бу тиббий термин метонимия асосида юзага келган бўлиб, атоқли от турдош отга айланган. «Древнетюркский словарь»да *mitridus* “дори қоришмаси номи” деб изоҳланган (ДТС, 338).

**Ögit** “заъфаронга бир неча хил ашёлар қўшиб тайёрланадиган дори”ни билдирган. *Guvariš, ma'žun* доривор гиёҳлардан тайёрланадиган дори номларини ифода этган. *Güvariš (гувориш)* – овқат ҳазм қиладиган дори. Р.Арат *guvariš*ни “ҳазм қилишга ёрдам берадиган нарсалар” деб изоҳлайди.<sup>2</sup> **Ma'žun (маъжун)** – опиум дорилар аралашмасидан иборат паста (ҚБН, 960;

<sup>1</sup> Abu Ali ibn Sino. Tib qonunlari. V kitob. –Т., 1992. –Б. 29.

<sup>2</sup> Rešid Rahmeti Arat. Kutadgu bilig (index). –Istanbul, 1979. –Б.184.

41b1). *Маъжун* арабчадан олинган (лекарственная смесь – ДТС, 339); Р.Р.Арат ўзлашманинг “қувват дориси” маъносини ифодалашини айтган<sup>1</sup>. *Маъжун* Алишер Навоий асарларида ҳам қўлланган: *Кишиким бўлмагай маъжуну қандининг харидори, онинг ҳангомаси бирла тузалмас ҳеч бозори* (“Махбубул-қулуб”, XIII, 25; АНАТИЛ, II, 270).

**Їurni** сурги дори сифатида турклар томонидан қўлланган (ДТС,157): *Qamuy türlüg otlar idişci tutar, guvarış ya ma'żun ya ĉurni qatar* – Ҳамма турли дориларни шаробдор сақлайди, гувориш ё маъжун, ё чурни аралаштиради (ҳозирлайди) (ҚБН, 2848; 107b10). Маҳмуд Кошғарий мазкур санскритча ўзлашмани “турк табиблари томонидан ясаладиган сурги дори” деб изоҳлайди (ДЛТ, I, 408).

**Terāñbin** “бўшатувчи, тозаловчи дори” тушунчасини ифодалаган: *Sariyi kücänmiş bolur e böğü, özini başutyu tarāñbin yegü* – Сафроси кучайган бўлади эй доно, ўзини бўшатиши, терангбин истеъмол қилиши керак (ҚБН, 5885). *Terāñbin* (тарангбин) – япроқда пайдо бўладиган шира, сурги дори сифатида фойдаланилади (ҚБН, 5885; 216аб). Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида бу лексема *тарантабин* шаклида “янтоқ шакари”ни ифодалаган: *Ич қабз топар тарантабиндин, сафро ортар сиканжабиндин* (АНАТИЛ, III, 185). Байтнинг иккинчи мисрасида қўлланган *сиканжабин* “сирка мураббо”ни англатган.

**Инсон табиати, органик мавжудот сифатидаги хусусиятларини ифодаловчи сўзлар.** Юсуф Хос Ҳожиб қадимги Греция ва Ўрта Осиёнинг машҳур олимлари каби олам тўрт унсур – ўт, сув, ҳаво ва тупроқ ёки иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқдан иборат, деган фалсафий қарашни илгари суради. У инсоннинг сиҳати, ёши, овқатланиши ва жисмоний тарбияси ҳақида ҳам қимматли мулоҳазалар билдиради. Киши ёшига қараб ҳаракат қилмоғи, овқат турларини танламоғи, ўз организмни сув, жисмоний тарбия билан чиниқтириб бормоғи лозимлиги, бу билан касалликларнинг олдини олиши

---

<sup>1</sup> Reşid Rahmeti Arat.Kutadgu bilig (index). –Istanbul, 1979.–Б. 321.

мумкинлиги, бемор ўз касалини дори билангина эмас, балки парҳез тутиш билан ҳам даволашга интилиши кераклигини таъкидлайди.<sup>1</sup> Муаллифнинг тиббиётга оид мулоҳазалари «Қутадғу билиг» да ўз ифодасини топган.

Асарда қўлланган **таду** истилоҳи “мижоз” маъносини ифода этади. Юсуф Хос Ҳожиб мижознинг инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги, ҳар бир киши ўз мижозига қараб овқатланиши лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ўз мижози қандайлигини аниқ билиши керак: *Tadu bilgü aşnu yaraşiq yesä, taduqa yaraşmasnı qoduyi osa* – Аввал мижозни билиш шарт, (сўнг) шунга яраша (овқат) еса бўлади, мижозга тўғри келмайдиган (овқат)ни қўйиш керак, ўйла (ҚБН, 4517; 167b4). Юсуф Хос Ҳожиб қирқ йил яшаб ўз мижозини билмаган инсонни ҳайвонга қиёс қилади. **Isig** ва **soyiq** сўзлари инсон мижози билан боғлиқ бўлган “иссиқлик” ва “совуқлик” тушунчаларини ифода этган. Муаллиф инсон “иссиқлик” ва “совуқлик” тушунчаларининг моҳиятини билиши кераклиги, иссиқлиги ошганда совуқликни оширадиган ва, аксинча, совуқлик ошганда иссиқликни кўтарадиган таомларни тановвул қилиши лозимлигини айтган: *Isig artsa terkin soyiq iç oza, soyiq artar ersä isigin tüzä* – Иссиқлик ошса, дарҳол ўзинг совуқлик ичиб енгиллаш, совуқлик ошадиган бўлса, иссиқлик билан тузат (ҚБН, 4518; 167b5). Юсуф Хос Ҳожиб *қуруқ совуқлик (қуруқ иссиқлик)* ёки *ҳўл совуқлик (ҳўл иссиқлик)* тушунчаларини фарқлайди. Инсон ўз мижози қандайлигини аниқ билмаган тақдирда иссиқлик ёки совуқлик ўртасидаги бир меъёрга амал қилиши лозимлигини таъкидлайди.

Мумтоз адабиётда *қиш* ва *баҳор* сўзлари рамзий маънода инсон умрини ифода этиб келган. Бу қиёс биринчи марта «Қутадғу билиг»да учрайди. Асарда инсоннинг йигитлик ёши *ёз* фаслига қиёс қилинади. Маълумки, XI – XII аср манбаларида, хусусан, «Қутадғу билиг»да ҳам *уз*, асосан, “баҳор” маъносида қўлланган. Инсон умрининг баҳори, яъни йигитлик даврида совуқлик истеъмол қилиши, натижада қоннинг меъёрийлигига эришиши

---

<sup>1</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.:Ўқитувчи, 1976.–Б.127.

мумкинлиги қайд этилган: *Yigit ersä yašiq yaz ersä yilij, soyiq iškä tutyil esätür qaniñ* – Йигит ёшида бўлсанг, фасл(инг) баҳор бўлса, совуқлик (нарсаларни) истеъмол қилгин, қонингни равон қилади (ҚБН, 4519; 167b6).

Киши ёши олтмишдан ошган бўлса, унинг даври *қиш* мавсумига қиёс қилинади. Ёш олтмишга бориб, умрнинг қиш фасли яқинлашганда, иссиқ таомлар истеъмол қилиш кераклиги айтилган: *Yašiq ersä altmış ödüñ ersä qış, isig iškä tutyil soyiq qılma iş* –Ёшинг олтмиш (ва ундан ортиқ) бўлса, мавсуминг қиш бўлса [яъни қиш мавсуми бўлса], иссиқлик истеъмол қил, совуқлик истеъмол қилма (ҚБН, 4521; 167b8). Маълум бўладики, «Қутадғу билиг»да инсон умри қисмлари фаслларга қиёсланган. Бундай қиёс Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонида ҳам ўз ифодасини топган.

«Қутадғу билиг»да мижознинг инсон ёшига боғлиқлиги, бу икки жиҳатнинг туш кўришга ҳам таъсири борлиги айтилган. Бугунги кунда замонавий табобатда овқатни совуқ ҳолда тановвул қилиш, иссиқ ҳолатда емаслик, иссиқ таомни пуфламаслик, таомни майда чайнаб ейиш саломатлик омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу фикр XI асрдаёқ Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ўртага ташланган: *Nekü alsa tišla ušaq tančula, isig ašni ürmä sen ayzij bilä* – Нима олсанг тишла, майдалаб чайна, сен иссиқ ошни оғзинг билан пуфлама (ҚБН, 4497; 166b13). Байтдаги *ušaq* “майда” *tančula* < *tanču* “бўлак, парча” маъноларини ифодалаган. Бу лексик birlikлар “майдалаб чайнаш, бўлакларга ажратиш” тушунчасини англаган.

Бугунги кунда таомни иложи борича кам тановвул қилиш саломатлик гарови сифатида таъкидланмоқда. Юсуф Хос Ҳожиб кўп овқат истеъмол қилувчи киши кўп касалликларга чалиниши ҳақида айтиб ўтган ва бу фикр бугунги кунда ҳам ўз исботини топмоқда: *Öküš yeglilärniñ aš iğ bolur, aš iğ kiši tutč iğlig bolur* – Кўп еувчиларнинг овқати бадҳазм бўлади, овқати бадҳазм киши доим дардманд бўлади (ҚБН, 4510; 167a11). *Yig* “бадҳазм”, *iğlig bol*= эса “дардли бўлмоқ” маъносини билдирган. *Öküš yeglilär* “кўп

истеъмол қилувчилар”ни ифодалаган бўлса, *tutči iglig* “ёмонликни тутувчи”, яъни “дардманд” маъносида келган.

Юсуф Хос Ҳожиб инсондаги барча дард томоқдан киради, шунинг учун ҳам томоқни, яъни нафсни эҳтиёт қилиш керак, дейди. Муаллиф таъкидлаган “дарду касалликдан қочадиган, сихат-саломатлик истаган инсон “оз” деб аталган дорини истеъмол қилиши, фароғат ёки осойишталик тиласа, “тил” деб аталган гўштни ейиши керак”лиги таъботат борасидаги муҳим маълумотлардан бири саналади. «Қутадғу билиг»да инсон тановвул қиладиган таом унинг соғлиғи билан биргаликда туш кўришига ҳам таъсир қилиши айтиб ўтилган. Киши яхши егулик еса, туши яхши бўлиши, оғир овқат еса ёмон туш кўриши айтилган.

«Қутадғу билиг»даги тиббий терминлар, тиббиётга доир тушунчаларни ифодаловчи сўзлар Абу Али ибн Синонинг илмий мероси ҳамда анъанавий тиббиёт ютуқлари таъсирида шаклланган, дейиш мумкин. Н.Маллаев «Қутадғу билиг»да “Тожи Ҳаким” деган тасвирий ифода қайд этилганини таъкидлайди ва бунда муаллиф Ибн Синони кўзда тутган бўлиши мумкинлигини айтиб ўтади.<sup>1</sup>

## 2.5. Антропонимлар

Ўзбек тилшунослигида XV аср ёзма ёдгорликлар тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари атрофлича ўрганилган.<sup>2</sup> «Қутадғу билиг» да келтирилган антропонимларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) пайғамбарлар номлари: *Muhammad (s.a.v.), Muso, Sulaymon, Iso, Nuh;*
- 2) халифалар номлари ва лақаблари: *Atiq, Faruq, Usman, Ali(Haydar);*
- 3) ҳукмдорлар номлари: *Afrasiyab(Alp Er Toʻra), Zahhak, Faridun, Nušin ravon, Arslan, Bug‘ra Qora Xon, Dahhak, Rustam, Iskandar, Qarun, Ashob-i Ra’s, Kisra (Xisrov), Qaysar, Šaddad;*

<sup>1</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1976. –Б.126.

<sup>2</sup> Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996.

4) асар қаҳрамонлари номлари: *Kiintuydi, Aytoldi, Ögdülmiş, Odγurmış, Küsamış, Ersig*;

5) авлиё(лар) номи: *Luqman*.

Достонда қуйидаги пайғамбарлар номи қайд этилган.

**Muhammad** (с.а.в.)—ислом динининг пайғамбари: *Muhammad yalawač xalayıq baši, qamıy barčalarqa ul-ul köz qaši*— Муҳаммад пайғамбар – халойик боши, ҳамма (ва) барчага у кўз-қошдир (ҚБН, 8; 50 б). Муҳаммад (сав) халойикнинг кўз-қоши, халқнинг машъалига қиёс қилинган. Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида Муҳаммад пайғамбарнинг туғилиши, илоҳийлиги, охир замон пайғамбари эканлиги ҳақида маълумот беради.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг» да Муҳаммад пайғамбар арабча *Habib* “суюкли” сифати билан ҳам эъвозланади: *Bular ahl-i bayt-ul habibqa qadaš, habib sawči haqqi ücün sew adaš* –Улар аҳли байт, яъни Али хонадонига мансубдирлар, севимли паёмбарга қариндошлар, (Уларни) севимли паёмбар ҳаққи учун сев, (эй) жўра (ҚБН, 4235; 157a1).

**Iso** – исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлардан бири. Асарда Исо пайғамбарнинг ўликларни тирилтирувчи хусусияти акс этган: *Ya Isa bolub kökkä aydım taqı men, ya Nuşınravan-teg törü tüz yurıttım*— Ё Исо бўлиб мен яна осмонга кўтарилдим, ё Нуширавондек одил сиёсат юритдим (ҚБН, 6316; **К** 388). Алишер Навоий Исо пайғамбар ҳақида кенг маълумот беради: “бинни Марям салавотуллоҳи алайҳ бир қавл била учунчи улул-азмдур, бир қавл била бешинчи. Андин бурунғи анбиёдин сўнгра ҳеч қайсиға қирқ ёшдин бурун нубувват етмади. Ва лекин ул модарзод пайғамбар эрди” (ТАҲ, 126).

**Nuh** – исломиятдан аввал ўтган ва узоқ умр кўрган афсонавий пайғамбар. «Қутадғу билиг»да қаҳрамон Нух ёшига ишора қилади: *Ažun bütrü tuttım Skandar tutarča, tügäl Nuh yaşın men yaşadım yaşattım* – Искандар қўлга киритгани каби бутун оламини қўлга киритдим, Нух ёшини тугал яшадим, ёш кечирдим (ҚБН, 6314; **К** 387). Алишер Навоий Нух пайғамбар ёшини ўз

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо (мукаммал асарлар тўплами XVI жилд).–Т.:Фан, 2000.–Б.1. Кейинги ўринларда ТАҲ тарзда келтирилади.

диниға даъват қилиш муддат муносабати билан айтиб ўтади: Нух бинни Малик бинни Матушлах бинни Идрис пайғамбари мурсалдур ва Бахиюллоҳ анинг лақабидур. Тўқуз юз эллик йил элни ўз диниға даъват қилди (ТАҲ, 79).

Асарда айрим пайғамбар исмлари аниқ келтирилмаган, уларнинг сифатига ишора қилинган:

**Musa** – яхудийлар пайғамбари. Мусо ва Ҳорун а.с. Мусо а.с. улул-азмдур ва лақаби Калимуллоҳдур: *Qani ul tayaqi yilan boluči, teniz yarlip otra kirip kečgüči* – Қани у ҳассаси илон бўлувчи, денгиз (суви) ёрилиб, ўртасига кириб кечгувчи (яъни Мусо) (ҚБН, 4611; 170b14). Асарнинг бу байтида “Қуръони карим”даги Мусо пайғамбар билан боғлиқ ҳодисалар акс этган. Алишер Навоий Мусонинг сифатларини ҳам келтирган (ТАҲ, 97-98).

**Sulayman** – исломиятдан аввал ўтган пайғамбар. Довуд пайғамбарнинг ўғли. Асарда Сулаймон пайғамбарнинг дев, қуш, париларга ҳукмронлик сифати тасвирланади: *Qani yek pari quš bu yalñuq üzä, uluyluq qiliyli qilinči tüz-ä* – Қани дев, пари, қуш (ва) халқлар узра, улуғлик қилган феъл-атвори гўзал (киши) [яъни Сулаймон] (ҚБН, 4612; 170b15).

«Қутадғу билиг»да халифалар “тўрт тоза дўст” деб аталади. Тўрт дўст – Муҳаммад (с.а.в.)нинг исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган энг яқин дўстлари, дастлабки халифалар: Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абутолиб назарда тутилади Муҳаммад (с.а.в.) дан сўнг ислом дини ва давлатчилиги тарихида катта хизмат кўрсатган ушбу йўловчилар кейинчалик ислом халқлари ва уламолари томонидан чаҳорёр – тўрт дўст деб аталган эдилар.<sup>1</sup>

**Atiq** – Абу Бакр Сиддикнинг лақаби. *Atiq erdi ašnu qamuɣda üzä, bayatqa bütügli köñül til tüz-ä* – Аввали ҳамма(си)дан олдингиси Отиқ эди, Худога (тўла) содик, кўнгли ва тили тўғри эди (ҚБН, 50; 9a9).

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи Фазлиддин Равшанов).– Т.:Академнашр, 2015.–Б. 17.

**Faruq** –Умар ибн Ҳаттоб. *Basa Faruq erdi kişi ödrümi, tili köñli bir teg bodun ködrümi* – Сўнг, киши(лар) нинг сараси Форуқ эди, тили ва кўнгли бирдек, халқнинг асили эди (ҚБН, 53; 9a12).

**Usman** –Усмон ибн Аффон. Унинг лақаби “Зайн Нурайн” бўлган. *Basa erdi Usman owutlu y silig, kişidä ödürmiş aqî keñ elig* – Кейингиси Усмон эди, андишали, мулойим(эди), кишилар орасида сараси, сахий, очик қўл эди (ҚБН, 54; 9a13).

**Ali** – Али ибн Абутолиб, Муҳаммад пайғамбарнинг куёви ва амакиваччаси. *Ali erdi munda basaqî talu, küer ersig yüräklig meñäsi tolu* – Бундан бошқа сараси Али эди, қўрқмас, ботир, юракли, акли тўла эди (ҚБН, 56; 9b2).

«Қутадғу билиг»да келтирилган ҳукмдор номлари, асосан, дунёнинг ўткинчилигини асослаш учун хизмат қилган.

**Zahhak** – пешдодийлар сулоласининг бешинчи ҳукмдори. Унинг салтанати минг йил давом этган.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг»да куйидаги байт келтирилади: *Söküşlüg nelüg buldi Zahhak otun, nelüg ögdi buldi Faridun qutun* – Тубан Заҳҳок не туфайли таҳқирга лойиқ бўлди, бахтли Фаридун қандай қилиб мадҳга сазовор бўлди (ҚБН, 238; 16a3). Байтдаги жумлаларнинг маъносини тушуниш учун юқорида номлари зикр этилган ҳукмдорларнинг тарихи билан таниш бўлиш талаб этилади. Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки ажам" асарида бу ҳукмдорлар ҳақида маълумот келтирилган: "Заҳҳок бинни Мародис чун Жамшид қатлидин сўнг Порс тахтин олди, зулму ситам оғоз қилди. ...Аммо Заҳҳок салтанати ва зулми узоқга тортти, андоқким эл анинг зулмидин ожиз бўлдиларким, анинг ики эгнидин андоқ мараз пайдо бўлуб эрдиким, оғриғиға одамизод мағзидин ўзга ҳеч нима таскин бермас эрди. Баъзи муаррихлар анинг ики эгнидин йилонлар чиқиб, ғизолари киши мағзи ерди ҳам дебдурлар".<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати . IV жилд .–Т.:Фан, 1985.–Б.277.

<sup>2</sup> Alisher Navoiy. Tarixi mulki ajam. O'n besh tomlik. T.14.–Toshkent:Fan, 2000.–B.143. Кейинги ўринларда ТМА тарзида келтирилади.

**Faridun** – пешдодийлар сулоласига мансуб олтинчи ҳукмдорнинг номи. “Фаридун яхши ахлоқлик, олим ва одил подшоҳ эрди. Олам аҳлин адолат била хушҳол қилиб, Заҳҳок жавридин топқон заҳмлариға адл била малҳам қўйди. ...Ва Фаридуннинг подшоҳлиғи беш юз йил эрди. Ва Мусо алайҳис-салом ва Қорун анинг замонида эрдилар.” (ТМА, 144). Тадқиқотчи Р.Арзиев шарқ мифологияси қаҳрамонлари Заҳҳок ва Фаридун тимсолларини контекстуал антоним сифатида қайд этади.<sup>1</sup>

**Afrasiyab** – қадимги ҳукмдорлардан бири. Алп эр Тўнга, Туроннинг ривойи ҳукмдори, қорахоний туркларнинг келиб чиқиши у билан боғланади.<sup>2</sup> Маҳмуд Кошғарий *тоға* сўзини қуйидагича изоҳлайди: “*Тўнга* шер ботир, баҳодир, филни ўлдирувчи энг кучли ҳайвондир. Туркларнинг машҳур ботир хони Афросиёбни Тўнга алп эр деб аташлари ҳам унинг шерга ўхшаш баҳодирлиги учундир” (ДЛТ, I, 492). *Täzıklär ayur anî Afrasiyab, bu Afrasiyab tutti ellär talab* – Тожиқлар уни Афросиёб деб атайдилар, бу Афросиёб элларни ўз тасарруфига олиб тутди (ҚБН, 276; 17 а11). Юсуф Хос Ҳожиб Афросиёбни қудратли, билимли, оқил, хунарманд, довюрак ҳукмдор сифатида таърифлайди. Алишер Навоий Афросиёбнинг ўн икки йил ҳукмронлик қилганини маълум қилади (ТМА, 146).

**Iskandar Zulqarnayn** – буюк жаҳонгир сифатида танилган шахс. Тарихий асарларда уни Улуғ Искандар, Искандари Румий, македониялик Искандар деб ҳам атайдилар. Лекин кўпинча ҳар томон (шарқ ва ғарб)ни эгаллаган ҳукмдор маъносида Искандар Зулқарнайн исми билан юритилади. Тарихий асарларда уни Арастунинг шогирди деб кўрсатадилар (ДЛТ, 492). Юсуф Хос Ҳожиб Искандар Зулқарнайн таърифида ҳам қаҳрамон сифатини келтириш усулидан фойдаланади: *Qanî ul Turyardin Batarqa tegi, yürir el tutuylî bu dunya yegi* – Қани у (кун) чиқардан (кун) ботарга қадар, кезиб, элларни

<sup>1</sup> Арзиев Р. Лексико-стилистические особенности языка поэмы “Кутадгу билик” Юсуфа Хас Хаджиба. Дисс. канд. филол. наук.–Алма–Ата, 1991.–Б.6

<sup>2</sup> Karimov Q. Qadimgi turkiy til lug'ati.–Т., 2009.

олган бу дунё яхшиси [яъни Зулқарнайн] (ҚБН, 4610; 170b13). Шу усулни Намрудни сифатлашда ҳам қўллайди.

**Namrud** –афсонавий золим шоҳ. Унинг фармони билан Иброҳим пайғамбар ўтга ташланган: *Qani ul otun it bu dunya bulub, yašil kökkä sundi qara quš münüb* –Қани (у) тубан ит, бу дунёни қўлга олиб, қора қуш миниб яшил кўкка (қўл) чўзган (киши) [яъни Намруд] (ҚБН, 4607; 170b10). Байтда Намруд аршу аълога чиқиб, ўзини мутлақ ҳукмрон деб даъво қилгани назарда тутилмоқда.

**Nušin ravan** – Сосонийлар табақасига мансуб шоҳ, форс ҳукмдори Хусрав I Анушервон: *Muñar bütmasä kör bu Nušin ravan, uquš közi birlä yarutti žahan* – Бунга ишонмасанг, Нуширавонни кўр, заковат кўзи билан жаҳонни ёритган (ҚБН, 286;17b6). Алишер Навоий Нуширавон ҳақида “адолат ва шафқат қонунин андин дағи орттурди” деб маълумот беради (ТМА, 24). Юсуф Хос Ҳожиб Нўшинравоннинг адолатлилик ва шафқатлилик сифатларини *uquš közi* (заковат кўзи) бирикмасига сингдирган.

**Qaysar** “император”: *Tutayin ya Kisra ya Qaysarča boldum, ya Šaddad-u ‘Ad -teg taqi učmaq ettim*– Тахмин қилайин(ки), уо Хусровдек, уо Qaysardek bo‘ldim, уо Shaddod va Oddek yana jannat (bog‘i eram) qurdim – (ҚБН, 6313; К 387).

Муаллиф пайғамбарлар, ҳукмдорлар фаолиятини ёритиш орқали олам ходисаларига баҳо беради, дунёнинг ўткинчилигини, адолат, ақл, эзгуликнинг боқийлигини таъкидлайди.

## 2.6. Озиқ-овқат ва ичимлик номлари

«Қутадғу билиг» билан бир даврда яратилган “Девону луғотит турк” даги озиқ-овқат маҳсулотлари, таом ва ичимлик номлари хусусида Ҳ.Дадабоев илмий изланишлар олиб борган.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг» матнида 30

---

<sup>1</sup> Дадабоев Х. “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари.–Т., 2017. –Б. 66-79.

дан ортиқ озиқ-овқат номлари қўлланган. Бу номларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) дон маҳсулотлари номлари: *arpa* “арпа”, *buğday* “буғдой”, *evin* “дон, уруғ”, *qavuiq* “кепак”, *tariq* “тариқ”;

2) озуқа номлари: *azuiq* “озуқа”, *yoğrut* “қатик”, *liw* “овқат, таом”, *niql* “ширинлик”, *şakar* “шакар”, *qand* “қанд”, *etmək* “нон”;

3) ичимлик номлари: *bör* “шароб”, *fıça* “шарбат”, *žulab* “гулоб”, *žulanbin*, *qimiz* “қимиз”, *süt* “сут”, *şarab* “шароб”, *şirä* “шира”.

**Qavuiq//qaviq** “кепак, буғдой ёрмаси” маъносини англатган: *Şakardä tatilyliq qavuiq yor meñä, žuz-ul bu örüm ton aqilar teñi* – Қипиқ бۆтқа мен учун шакардан ҳам татимли,бу тўқилган (яъни бўз) кийим ипакли шоҳиларга тенгдир (ҚБН, 4664; 172b8). *Qavuiq//qaviq* лексемаси “Девону луғотит турк”да ҳам келтирилган (ДТС, 438). Лексема фонетик шаклида уйғур (турк) ёзувли Турфон матнларида ишлатилган (ДТС, 436).

**Lewäš** сўзи “лаган-дастурхон” маъносида келган: *Lewäš tergi kirsä körü idsa köz, yaraysizni körsä anı tidsa öz* – Таом келтирилганда кузатиб кўз югуртирса, ярамайдиганини кўрса, уни тўхтатса (қайтарса) (ҚБН, 2510; 95a12). «Древнетюркский словарь»да *lew* сўзи “овқат, таом” маъносида қайд этилган (ДТС, 333).

Достонда **qimiz, süt, yağ, qurut** каби чорвачилик маҳсулотлари номлари келтирилган. *Qimiz süt ya yuğ yağ ya yoğrut qurut, yađim ya kidiz ham ezär ewkä tut* – Қимиз, сут ё юнг, ёғ ё сузма, қурут, наMAT ё кигиз ҳамда уйга тутиладиган пардалар (уларда бўлади) (ҚБН, 4338; 161a3). Бу ўринда чорвадорлар эга бўладиган нарсалар баён қилинган.

**Qimiz** бия сүтидан махсус идишларда бижғитиш йўли билан тайёрланадиган, енгил кайф берувчи, шифобахш ичимлик (ЎТИЛ, V, 292). Қадимги туркий тилда ҳам шундай маънони англатган бу от асли “чайқал”, “тўлқинлан-” маъносини англатган *qum*-февлидан (Девон, II, 35) -(y)з кўшимчасини қўшиш билан ясалган: *қум+уз=қумуз* (ЎТЭЛ, I, 547). Махмуд

Кошғарий томизғи иштирокида маҳсулот тайёрлаш жараёнини қуйидагича баён этади: идиш (хурмача) тагида қолдирилган ивителиган қатик ёки ачиган қимиз устига сут қўшилиб, қатик ёки қимиз қилинган (ДЛТ, III, 133). Луғатда бу жараённи ифодалайдиган *қымыз қорланды* жумласи қўлланилган (ДЛТ, III, 214). Бу жараён аجدодларимиз тарихида биотехнология асослари яратилганидан далолат беради. *Qimiz* Алишер Навоий асарларида ҳам қўлланган: *Ва қимизни ва сузгани ва бохсумни ва бўзани дағи туркча айтурлар* (АНАТИЛ, IV, 52).

**Qurut** – сузгани ёнғоқдек-ёнғоқдек юмалоқлаб, 2-3 кун офтобга қўйиб қуритиб тайёрланадиган маҳсулот (ЎТИЛ, V, 385). Буни пишлоқ ҳам дейилади. Бу қуритилган қатик демақдир<sup>1</sup>. *Yağı alınmış süttten ya da ayrandan uarılan kuru peynir; çökelek*<sup>2</sup>. Бу от “суви, нами қочиб, қуруқ ҳолатга кел-” маъносини англатувчи *qurı-* феълидан –t қўшимчаси билан ясалган (ЎТЭЛ, II, 578). Қадимги туркий тилга оид турк (уйғур) ёзувли буддавий манбалардан бирида ушбу сўзнинг *қурут* шаклдоши “солиқ тури, қурут” маъносида қўлланилган (ДТС, 470). “Таржумон” асари муаллифи қипчоқлар тилида *қурут* сўзи билан ёнма-ён қора рангли қуртни англатувчи *қара қурут* бирикмасининг ҳам ишлатилишига эътибор қаратган.<sup>3</sup>

“Сутдан томизғи солиб ивителиб тайёрланадиган маҳсулот” (ЎТИЛ, II, 560), яъни қатик эски туркий тилда “аралаштирмақ, қормоқ” маъносини ифодалаган *йогур-* ҳаракат феълидан ясалган *йогурт* деривати билан англашилган (ДЛТ, II, 179). “Таржумон”да ушбу лексема *йогурт* тарзида қайд этилган (17b1).<sup>4</sup>

“Ҳамирдан тайёрланиб, тандир, ўчоқда пишириладиган егулик” семемаси қадимги туркий тил ва эски туркий тилда асл **etmāk // ätmāk** сўзи билан ифодаланган (ДТС, 188). *Sewügli üküsräk tiläsä öziñ, tuz etmāk yetürgil aşıq tut yüziñ* –Ўзинг (сени) севувчилар(нинг) кўпроқ бўлишини истасанг,

<sup>1</sup> Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия [туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа] (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов). –Т.:Ўзбекистон, 1968. –Б. 16.

<sup>2</sup>Kâşgarlı Mahmûd. Divânü lugâti't-Türk. –Istanbul, 2005. –B. 454.

<sup>3</sup> Дадабоев Х. “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари. –Т., 2007. –Б.71.

<sup>4</sup> Дадабоев Х. “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари. –Т., 2007. –Б.69.

туз ва нон едир, чехрангни очик тут (ҚБН, 4116; 152b9). Маҳмуд Кошғарийда нони кўпайган, бой бўлган кишига *etmäkländi* лексемаси қўлланган. М.Кошғарий *қара этмәк* бирикмаси билан аталган бир хил нонга қуйидагича шарҳ беради: Шундайки, гўшт хил-хил пишиб, сўнгаклари айрилиб кетгунча қайнатилади. Сўнг устига ун, ёғ, шакар солинади, бир-бирига аралаштирилиб, қуйилгунча қайнатилади, сўнг ейилади (ДЛТ, III, 241-242). XV аср бошларида *etmāk* маъносида унинг форс-тожикча синоними бўлган *nān* лексемаси қўллана бошлаган. Мазкур ўзлашма илк бор “Юсуф ва Зулайхо” достонида да учрайди.<sup>1</sup> Алишер Навоий асарларида бу лексеманинг *экмәк* шакли қўлланган: “Экмәк эмас, борча буким турғасен, арпау буғдой сочибон ўрғасен (“Хайратул-аброр”, 113; АНАТИЛ, III, 562).

“Ўғир (кели)да туйиб оқланган жўхори (оқ жўхори)дан тайёрланган суюқ овқат” (ЎТИЛ, I, 531) маъносини билдирувчи **güžä** сўзи қўлланган: *Tüzü ulma güžä yegil ey qadaş, yemä idlayu sen tadıñ bolıya baş* – Барча (кулда) пиширилган нон(лар)ни, гўжа(лар)ни еявер, эй қариндош, (лекин) сен молдек ема: мижозинг бузилади (ҚБН, 4666; 172b10).

“Ун, шакар ва ёғдан, баъзан кунжут, мағиз кўшиб тайёрланган ширинлик, қандолат”(ЎТИЛ, V, 549) маъносини англатувчи арабча **halva** лексемаси илк бор дoston матнида қўлланган: *Qarın tođsa arpa ya halva bir-ul, qalur barča artıb tolur kirgü yol* –Қорин тўйса, арпа ё ҳалво бирдир, барчаси ортиб қолади, кирадиган йўл тўлади (ҚБН, 3554; 132b15).

Асарда гуллардан олинадиган ичимлик номлари ҳам келтирилган: *Quruu öl yemiş ya žulañbin žulab, özi qatyu tutyu bu barča šarab* – Қурук, хўл мева ё шарбат (ва ) гулобни, (ва) ҳар хил шаробларни ўзи ҳозирлаши ва сақлаши керак (ҚБН, 2865; 108b14). Байтда шаробдорнинг хусусиятлари акс этган. «Древнетюркский словарь»да арабча **žulab** сўзи “гул суви, асал ва шакар кўшиб тайёрланадиган қизил рангли сув, ичимлик” деб изоҳланган (ДТС, 642). Алишер Навоий асарларида бу лексема форсча *гулоб* шаклида қўлланиб

---

<sup>1</sup> Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. –Т.:Фан, 2007. –Б.59.

“гул суви, атиргул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик; кўз ёши” маъноларини билдирган: *Олам аро чехрадин гул очиб, хай бирла гулоб ерга сочиб* (АНАТИЛ, I, 417). Юқорида келтирилган байтда қўлланган форсча **žulaŋbin** ўзлашмаси “асалдан тайёрланадиган ичимлик” маъносини ифодалаган.

Достон матнида ишлатилган **šira** “узум шарбати, салқин ичимлик” маъносида келган: *Širani čiqarda körüb saqlasa, aňar toyru yolda elig tegmäsa* – Шарбат чиқарилаётганда кузатиб эҳтиёт қилса, унга тўғри йўлда қўл урилмаса [яъни хиёнат қўли урилмаса] (ҚБН, 2511; 66a13). Байтда узум шарбатини тайёрлашда шаробдорлардан эҳтиёткорлик, поклик, ҳалоллик талаб этилиши таъкидланган. Улар ўз вазифаларига масъулият билан муносабатда бўлиши кераклиги айтилган. “Ўғузнома”да “ўриндиқ” маъносидаги *širä* ҳам қўлланган (ДТС, 524). Бу лексемалар ўзаро омонимдир.

“Мусаллас, спиртли ичимлик, вино” маъносини билдирувчи **bor** лексемаси эски туркий тилда кенг қўлланган: *Bor içmä fasadqa qatılma yira, zina qılma fasiq atanma tur-a* – Ичимлик ичма, ярамасларга қўшилма, узоқлаш, зино қилма, фосиқ номини олма, зинҳор эҳтиёт тур (ҚБН, 1319; 54b12). Маҳмуд Кошғарий мусаллас, май қуйқасининг асарда шу асосдан ясалган изофа билан ифодаланишини эътироф этган (ДЛТ, III, 130).

«Қутадғу билиг» да қўлланган лексик birlikларнинг салмоқли қисми кейинги давр манбаларида кузатилади. Масалан, “Қисаси Рабғузий” да *ašči* “ошпаз”, *uyāčči* “дурадгор”, *otači* “табиб”, *asiy* “фойда”, *bodun* “халқ”, *elči* “элчи” сингари лексик birlikлар фаол қўлланилган.<sup>1</sup> Асар матнида келтирилган *yağurt* “сутдан томизғи солиб ивитиб тайёрланадиган маҳсулот”, *lewäš* сўзи “таом” сўзлари, “кичик дўконча” маъносидаги *kebit* сўзи бутик шаклида ҳозирги ўзбек тилида ишлатилади.

<sup>1</sup> Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол. фан. док. дисс. автореф. –Т., 2017.–Б.17.

Достон матнида феъл-атвор билдирувчи сўзлар, астронимлар, зоонимлар, фитонимларга оид лексик-семантик гуруҳлар ҳам фаол қўлланган. Феъл-атвор лексикаси <sup>1</sup>, астронимларнинг <sup>2</sup> махсус тадқиқ этилганига асосланиб, зоонимлар, фитонимларнинг бошқа семантик гуруҳларда изоҳлангани сабабли махсус тўхталмадик.

Шахс хусусиятларини билдирувчи сўзлар (300та): *bayirsaq* “меҳрибон”, *ersig* “мард”, *ariy* “пок”, *umduči* “таъмагир”, *ersal* “ўзгарувчан”.

Астронимлар (30 та): *Erandiz* “тарози буржи”, *Čadan* “чаён буржи”, *Arslan* “арслон буржи”, *Ya* “қавс буржи”, *Oñay* “Юпитер”, *Arzu* “Меркурий”, *Baqirsoqun* “Марс”.

«Кутадғу билиг» да қуйидаги семантик гуруҳларга оид лексемалар ҳам қўлланган:

1. Ҳаракат-ҳолат билдирувчи лексемалар (797 та): *ayīyla*= “ҳақорат қилмоқ, ёмонламоқ”, *ayīñla*= “танбеҳ бермоқ, ҳақорат қилмоқ, дашном бермоқ”, *aqsumla*= “жанжаллашмоқ, мастликда тўполон қилмоқ”, *arsiq*= “алданмоқ”, *bögülä*= “донолашмоқ, закийлашмоқ”, *esirkä*= “афсусланмоқ, пушаймон бўлмоқ, ачинмоқ, ўкинмоқ”, *ewür*= “ўгирилмоқ, айлантирмоқ, адаштирмоқ, янглиштирмоқ, қайтмоқ”, *igid*= “тарбияламоқ”, *iglä*= “хасталанмоқ, касал бўлмоқ”, *yilla*= “яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ”, *qatil*= “қоришмоқ, аралашмоқ, муомала қилмоқ”, *tapin*= “хизмат қилмоқ”, “эгилмоқ”, *yel*= “елмоқ”, *kigür* “киритмоқ”, *mañit* “қадам ташламоқ, юрмоқ”, *bar*= “бормоқ” ва ҳ.к. Бу феъл-лексемаларнинг аксарияти ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди (*tapil*=, *yel*=, *bar*= бундан мустасно).

2. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар (337та): *igidgü* “тарбия”, *igidmäklik* “тарбия, тарбия қилиш”, *ig* “дард”, *iglig* “хасталик, касаллик, беморлик”, *igsizlik* “сиҳатлик, соғлик”, *könilik* “тўғрилиқ, ростгўйлик,

<sup>1</sup> Абдужабборов Ф. “Кутадғу билиг”даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол.фан. номз...дисс. – Т., 2011.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI – XIV вв. Историко лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. –Т.: Фан, 1994. –С. 32-43;

ҳақгўйлик”, *qilinč* “қилиқ, иш-ҳаракат”, *adl* “адолат”, *arzu* “орзу”, *öfkä* “ғазаб”, *sewinč*, *kewänč* “қувонч”, *muñluу* “қайғули”.

3. Шахс отлари (132): *ewči* “аёл, хотин, рафика, уй бекаси”, *ewlig//ewlüg* “аёл, хотин, рафика”, “уй хўжайини, уйли”, *erdaš* “биродар, ҳамроҳ”, *köñüldäš* “ҳамфикр, маслакдош”, *külinč* “масхара, пичинг”, *qirmači* “дурадгор, тери ошловчи”, *qoldaš* “ўртоқ, дўст, ошна”, *bodun* “халқ” .

4. Белги-хусусият билдирувчи сўзлар (534та): *arsiq* “ҳийлакор, маккор, айёр”, *yoñaqči* “туҳматчи, ғийбатчи, бўхтон қилувчи”, *qilinčliу* “қилиғли”, *qiliqliу* “қилиқли, хусусиятли”, *qiliqsiz* “одатсиз, қонун-қоидасиз”, *kesüksüz* “доимий, узлуксиз, давомий”, *kirtüč* “бахил, ичи қора”, *köni* “тўғри, рост, ҳақиқий”, *küčkäу* “зўравон, зулмкор”, *uz* “уқувли, маҳоратли, моҳир”, *bedizlig* “безатилган, ишлов берилган, оро берилган”, *bulуanuq* “нопок, ифлос, кир, булғанган”, *bögü* “доно, олим, уламо” ва ҳ.к.

5. Ранг-тус билдирувчи сўзлар (11 та): *al* “қизил”, *ala* “ола”, *qizil* “қизил”, *yašil* “яшил”, *yaуiz* “қўнғир”, *sariу* “сарик”, *arуvan* “арғувон”, *qirуu* “қизғиш” ва б.

6. Диний тушунчаларни ифодаловчи теонимлар (93та): *ači* “мангу падар – Аллоҳга нисбатан”, *barat* “рутба”, *čomaq* “мусулмон”, *ayat* “оят”, *namaz* “намоз”, *fariza* “фарз”, *farišta* “фаришта”, *gur* “қабр”, *ruza* “рўза”, *mačit* “мачит”, *farz* ва ҳ.к.

7. Топонимлар (7та): *Qašуar* “Қошғар”, *Mačin* “Мочин”, *Čin* “Хитой”, *Balasaуun* “Боласоғун”, *Türkistan* “Туркистон”, *Uč Ordu* “Уч Ўрду”, *Quz Ordu* “Қуз Ўрду”.

8. Этнонимлар (8та): *čigil* “чигил”, *čin* “чин”, *yaута* “яғмо”, *ad* “Од пайғамбар қавми” ва ҳ.к.

9. Фитонимлар (18та): *azуan* “тиконли бута”, *butiq* “бутоқ”, *čičak* “чечак”, *уiуač* “дарахт”, *qayüй* “қайин”, *qaranful* “чиннигул” ва ҳ.к.

10. Гидронимлар (10та): *bulaq* “булоқ”, *öküz* “дарё”, *teñiz* “денгиз”, *ob* “сув” ва б.

11. Микдор билдирувчи сўзлар (23та): *altmiş* “олтмиш”, *beş* “беш”, *tört* “тўрт”, *awut* // *awuč* “ҳовуч”, *eki* “икки”, *yetmiş* “етмиш”, *yüz* “юз”, *qırq* “қирқ”.

12. Қариндош-уруғ номлари (17та): *ini* “ука”, *ata* “ота”, *ana* “она”, *kelin* “келин”, *küdagü* “куёв”, *qadin* “келиннинг отаси, қайнота” ва ҳ.к.

13. Дон маҳсулотлари номлари (11та): *arpa* “арпа”, *buğday* “буғдой”, *ewin* “дон, уруғ”, *qavıq* “кепак”, *tariq* “тариқ”.

14. Касб-хунар номлари (23та): *aşçı* “ошпаз”, *awurta* “энага”, *etükçi*, *yilqıçı* “чўпон”, *tonçı* “тикувчи, тўнчи”, *yilqıçı*, *kütçi* “чўпон”, *temürçi* “темирчи” *etükçi* “этикчи, косиб”, *qırmaçı* “ўймакор-дурадгор” ва ҳ.к.

15. Маъдан номлари (10 та): *baqır* “мис”, *altun* “олтин”, *kümüş* “кумуш”, *erdäni* “қимматбаҳо тош, хазина”, *temür* “темир” ва б.

16. Тана қисмларини ифодаловчи сўзлар (22та): *bel*, *bod* “бўй”, *boyun*, *boғuz* “бўғиз”, *tü* “соч толаси”, *adaq* “оёқ”, *aғiz* “оғиз”, *andam* “тана, гавда”, *but*, *ernäk* “бармоқ”, *etüz* “тана”, *yoda* “болдир”, *qorin* “қорин”, *qol*, *qulaq*, *tırnaq*.

17. Кун (сутка) қисмларини билдирувчи сўзлар (12та): *ertä* “эрталаб”, *kündüz* “кундуз”, *keçä* “кечкурун”, *keç* “кечкурун”, *yarin* “эртага”, *tañ* “тонг”.

18. Рўзғор буюмлари номи (14та): *biçäk* “пичоқ”, *edär* “эгар”, *eşük* “парда, ёпинчиқ”, *kigiz* “кигиз, тўшама”, *közjü* “кўзгу” ва ҳ.к.

19. Ўйин номлари (3та): *nard* “нарда”, *şatranj*, *çoғan* “чавгон”.

20. Зоонимлар (50 та): *adiy* “айиқ”, *arqun* “чопқир от”, *arслан*, *böri* “бўри”, *çayri* “лочин”, *esri* “қоплон”, *toғuz* “тўнғиз”, *qutuz* “қўтос”, *tilkü* “тулки”, *yaғan* “фил”, *it*, *köpak*, *qozı*, *käklik*, *tevä* “туя”, *buғra* “нар туя”, *tetir* “урғочи туя”, *öküz* “хўкиз”, *qaz*, *ördäk*, *saғizғan* “зағизғон”, *quzғun*, *çumғuq*, *turna*, *sanduvaç* “булбул”, *üki*, *laçin*, *şunqar*, *çigün* “чивин”, *qurt*, *qönғüz*, *baliq*, *yılan*

21. Фан-соҳа номлари (10 та): *handasa* “геометрия”, *saqiš* “ҳисоб-китоб, математика”, *kimya* “кимё”, *nūžum* “астрономия”, *tib* “тиббиёт”.

«Қутадғу билиг» даги лексик-семантик гуруҳлар қорахонийлар, эски туркий тил даври лексик хусусиятларини, фонетик ўзгаришлар, семантик жараёнларни акс эттирган. Шу билан бир қаторда. Юсуф Хос Ҳожибнинг қомусий билимидан далолат беради.

## **Иккинчи боб юзасидан хулоса**

1. «Қутадғу билиг» сўз бойлиги ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир мавзуй гуруҳларни, хусусан, мансаб-лавозим номлари, дипломатия, ҳарбий, савдо-сотик терминлари, антропонимлар, ҳарбий терминлар, озиқ-овқат номларини ўз ичига олган.

2. Антропонимлар пайғамбарлар, халифалар, ҳукмдорлар номларидан иборат. Баъзи ўринларда пайғамбар исмлари аниқ келтирилмаган, уларнинг сифатига ишора қилинган. Бунда Юсуф Хос Ҳожиб антропонимларни уларга хос сифатлар орқали ифодалаш усулидан фойдаланган.

3. Достон матнида қўлланган дипломатия ва савдо-сотик терминлари XI асрдаги давлатлараро ижтимоий-сиёсий алоқалар, савдо-сотик муносабатлари тўғрисида аниқ маълумот беради. Мансаб-мартаба, ижтимоий-сиёсий тизим, товар, хом ашё номларини ифодаловчи лексиканинг аксарияти туркий асослардан шаклланган. Асар тилида акс этган ҳарбий лексика ҳарб ишига алоқадор шахс отлари, қурол-яроғ, ҳарбий усул номларини ифодалайди.

4. Асар матнида тиббиётга оид тушунчаларни билдирувчи бир қатор лексемалар қўлланган. Тиббий терминлар таъбабат соҳасига оид шахс отлари, дори номлари, инсон табиати, унинг органик мавжудот сифатидаги моҳиятини акс эттирган сўзлардан иборат. Тиббий терминлар, туркий халқлар тараққиётидаги тиббий анъанани ўзида ифода этган.

5. «Қутадғу билиг» лексикаси 32 мавзуй гуруҳга мансуб лексик бирликларни ўз ичига олади. Достон матнида қўлланган лексик бирликлар эски туркий тилнинг сўз фонди хусусида муайян хулоса чиқаришда, қардош туркий тиллар лексикасининг шаклланишидаги ўрнини белгилашда муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

### III БОБ. «КУТАДҒУ БИЛИГ» ЛЕКСИКАСИНING ФУНКЦИОНАЛ - СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тилининг назарий масалалари, амалий қиймати, бадиий-услубий имкониятлари юзасидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. “Ўзбек тилшунослиги адабий тил сатҳларига оид долзарб масалаларга тегишли кўпдан кўп изланишларга эгаллиги, чунончи, бадиий услубият масалаларига тааллуқли тадқиқотлар кесимида муайян ютуқларни қўлга киритганлиги билан фахрланса арзийди”<sup>1</sup>.

Лексикология тилнинг энг ўзгарувчан сатҳи бўлиб, бевосита халқ ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқараши, маънавияти билан боғлиқ. Муайян тилнинг лексик имкониятлари бадиий матнда тўла намоён бўлади. Маълумки, бадиий матнда тил воситаларининг аҳамияти ҳақида фикр юритилганда, фонографик, морфологик ва синтактик воситалар баробарида лексик воситаларга ҳам диққат қаратилади. Модомики, бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилида тилнинг асосий бирликларидан бири – сўз муҳим ўрин тутар экан<sup>2</sup>, унда муайян шоир ёки ёзувчи услуби, тил хазинасидан фойдаланиш маҳоратининг намоён бўлиш даражаси ҳақида фикр юритиш лозим бўлади.

Таъкидлаш жоизки, нафақат адабий тил, балки турфа қабила ва элатлар сўзларидан мукамал хабардор бўлган Юсуф Хос Ҳожиб ҳар бир лексеманинг маъно нозикликларини ҳисобга олиб, ўта билимдонлик билан қўллаган, кўп ўринларда лексемаларга семантик вазифалар юклашнинг уддасидан чиққан<sup>3</sup>. Муаллиф маҳорати ўхшатиш ва қиёсларда, кўп маъноли сўзлар семантикасида, метафора, метонимия каби кўчим турларида ўз ифодасини топган.

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. “Кутадғу билиг” матнида бадиий актуаллашган лексик воситалар хусусида// Стилистика ва прагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2010. 4-5 июнь. –В. 48.

<sup>2</sup> Юлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фанлари док.дисс.автореф.–Т., 2009 .

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ. “Кутадғу билиг” матнида бадиий актуаллашган лексик воситалар хусусида// Стилистика ва прагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2010. 4-5 июнь. –Б. 49.

### 3.1. Полисемантик сўзлар

Полисемия ҳар қандай тилда ҳам салмоқли ўрин тутади. Тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар миқдори билан эмас, сўзларнинг лексик маънолари миқдори билан ҳам ўлчанади.<sup>1</sup>

Полисемия одатда муайян нарса-предмет, белги-хусусият, ҳаракат номини бошқа нарса-предмет, белги-хусусият, ҳаракатга кўчириш усули билан воқеланади.<sup>2</sup> Полисемия ҳодисаси ўзбек тилшунослигида атрофлича ўрганилган.<sup>3</sup>

Кўп маънолилик туркий тиллар табиатига хос ҳодиса бўлиб, аксарият туркий сўзлар кўчма маъноларда келиш хусусияти билан фарқланиб туради. Кўп маъноли сўзларда семантик кўчишлар метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик асосида юзага келади. «Қутадғу билиг»да бир қатор сўзлар кўп маънолилик хусусияти билан намоён бўлган. Асар матнидаги белги билдирувчи сўзларнинг кўп маънолилик хусусиятлари таҳлил этилган.<sup>4</sup> Қуйида кўп маъноли сўзлардан айримлари борасида тўхталамиз.

Асарда келтирилган **аё**= феъли “нарса-ҳодиса, буюм қатларининг текисланиши, объект ичидагини намоён этиш” маъноларини ифода этади. *Qariy aёti dunya taqi bir qariy, oлим qariyi aёlur kirur хalq qariy* – Дунё эшик очди, яна бир эшик (очилади), ўлим эшиги очилади, ҳамма халқ (унга) киради (ҚБН, 3484; 130b5); **аё**= реал бўлмаган тушунчалар (дунё, ўлим)га нисбатан қўлланиб, кўчма маънода келган. Бу лексема ибора таркибида келиб, “ёришмоқ” маъносини ифодалашга хизмат қилган: *Turub ёiqti sewni qariyqa kula, oги koнli aёlip yarudi yula* – Ўрнидан туриб севиниб, кулиб эшикка чиқди, хотири шод бўлиб, кўнгли очилиб, машғалдек ёриди (ҚБН, 587; 28 а3).

<sup>1</sup> Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси.–Т.:Mumtoz so‘z.–Б. 158;

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. – Т.:Mumtoz so‘z, 2010.– Б.61.

<sup>3</sup> Абдурахманов И. Полисемия и антонимия в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 1973; Аликулов Т. Полисемия имен существительных в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Т., 1966; Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: Фан, 1975;

<sup>4</sup> Баялиева Г. “Қутадғу билик” дастаны тіліндегі көпмағыналы сын сiмдер// Тiлтаным. Языкознание. –№1. – Алматы, 2003.– С.93-96.

Достондаги **аӇӇ** лексемаси кӇп маънолиликни юзага келтирган. Бу сӇзнинг маънолари: “аччик, нордон, шӇр; оғир, кийин, машакқатли”. «Кутадғу билиг»да ўз маъносида келиб, нарса-буюмнинг маза-таъмини ифодалаган: *AӇӇ suw teg kӇr ul bu dunya nӇni, neӇӇ iӇsӇ qanmaz ӇlimӇz tili* – Бу дунё нарсаси шӇр сув кабидир, назар сол, (киши) қанча ичса (ҳам) қонмайди, тили хӇлланмайди (ҚБН, 3568; 133a14). Бу сӇз предметнинг маъза-таъм хусусиятини билдиради. КӇчма маънода келиб, “аламли, кӇпол, дағал” маъноларини англатган: *TӇgӇg yӇz aӇӇ til kiӇig tomlitur, tiriglikdӇ ketmӇs kӇnjӇlda yatur* – Тугук юз, аччик тил кишини совутади, тирикликда кетмайди (эсдан чиқмайди), кӇнгилда сақланади (ҚБН, 2538; 97a7).

**ВаӇ** тана қисмини билдирувчи полисемантик сӇз, денотатив маънода жонзотлар танасининг юқори қисмини ифода этади. Қуйидаги байтда нарса-буюмлар қисмига кӇчган: *Elik sunsa erdӇm bilӇ er tegib, uluy tay baӇin yerkӇ ilgӇriӇr egib* – Киши тушуниб, санъат-хунар билан кӇл узатса, улуғ тоғ бошини эгиб ерга энгаштиради (ҚБН, 2608; 99b4). **ВаӇ** “асосий, муҳим, бошлиқ, бошчи” маъносини ҳам ифодалаган: *KӇr arslan bolu bersӇ itqa baӇi, bu it barӇa arslan bolur Ӈz tӇӇi*– КӇргин, агар арслон ит (лар)га бош бӇлса, бу итлар барчаси унинг тенгида арслон бӇлади (ҚБН, 2013; 79a10). Бу ўринда *baӇ* лексемаси вазифадошлик асосида кӇчма маъно ифодалаган. *Бош* бутун тана аъзоларини бошқаради. *Бошлиқ* ҳам бошқариш вазифасини бажаради. Семантик кӇчишга “бошқармоқ” семаси асос бӇлган. Р.Арзиев *baӇ* сӇзининг 8та маъносини келтирган: 1) бош, асосий, тӇғри маъноси: тана қисми; 2) бошлиқ, сардор; 3) маълум бир ҳодисанинг бошланиши; 4) ниманингдир тугаши, охири; 5) мақсадга мувофиқ бажарилган иш; 6) ҳаёт, тақдир, 7) халқ, 8) илғор, асосий.<sup>1</sup> А.Касиева «Кутадғу билиг» матнида *бош* сӇзининг 130 дан ортиқ метафорик маънолари акс этганлигини қайд этади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Арзиев Р. Лексико-стилистические особенности языка поэмы “Кутадгу билик” Юсуфа Хас Хаджиба. Дисс. канд. филол. наук.–Алма-Ата, 1991.–Б.10

<sup>2</sup> Касиева А. Антропоморфная метафора в поэме “Кутадгу билиг” и особенности перевода ее на английский язык. *Sosyal Bilimler Dergisi*.Sayı:15, 2006.–С.142.

Достон матнида қўлланган **arqa** лексемаси кўп маънолилик ҳосил қилган. Биринчи маъноси “орқа томон, бел, пушт, пушти камар”: *Ata arqasinda tuyulsa oʻyul, ana qarni manzil qač ayliq amul* – Ўғил [яъни фарзанд] отанинг белидан (пуштидан) бунёд бўлгач, она қорни (раҳми) унинг учун бир неча ойлик сокин бир манзилдир (ҚБН, 1372; 56 б). Иккинчи маъноси “мадад, таянч”. *Ya rabb üstä davlat tügäl qil tiläk, qamuı iştä bolııl sen arqa joläk* –Ё рабб, давлатни зиёда қил, тилакларни тугал эт, барча ишда сен мададкор бўл (ҚБН, 112; 11b1). Бу сўзлар “муайян тушунчанинг орти” семаси билан ўзаро боғланади.

«Кутадғу билиг» лексикасининг асосий хусусиятларидан бири туркий сўзлар орасида феъл туркумига оид лексемаларнинг кўп қўлланишидир. Асар лексикасидаги полисемия сўзлар семантикасидаги кўчиш усулларини ёритишга хизмат қилади.

### **3.2. Метафора, метонимия, синекдоха усулидаги маъно кўчиши**

**Метафора**—«ўхшашлик» асосидаги маъно кўчиши. Метафора адабиётшуносликда *истиора* деб юритилади. Бадий асарларда сўзларни ўз маъносидан ташқари мажозий маънода қўллаш санъати истиорадир. «Кутадғу билиг»да қўлланган метафораларни А. Касиева махсус ўрганган.<sup>1</sup> Достон матнидаги метафора намуналари таъсирчанлиги ва бетакрорлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Асар таркибидаги метафораларни шартли равишда икки гуруҳга ажратдик:

- а) шахс феъл-атворини ифодаловчи метафоралар;
- б) табиат ҳодисалари, нарса-буюм хусусиятларини ифодаловчи метафоралар.

**Шахс феъл-атворини ифодалашда қўлланган метафоралар.** *Yula erdi xalqqa qarañqu tüni, yoriqluqi tadti yarutti seni* –Қоронғу тунлари (у) халққа машъал эди, (У) ёруғлигини тарқатиб сени рўшноликка чиқарди (ҚБН, 34;

---

<sup>1</sup> Касиева А. Лексико-семантический анализ метафор “Кутадғу билиг.–Бишкек, 2005; шу муаллиф. Антропоморфная метафора в поэме “Кутадғу билиг” и особенности перевода ее на английский язык // *Sosyal Bilimlar Dergisi*.Sayı:15, 2006. –С.142.

8b6). Мухаммад (с.а.в.) сифатлари “шамчиноқ, машъала” маъносини ифодаловчи *yula* сўзининг кўчма “машъал” маъноси орқали мадҳ қилинган бўлиб, пайғамбаримиз диннинг таянчи ва суянчи тарзида эътироф этилган.

Асарнинг бош қахрамонларидан бири Ойтўлдиннинг хусусиятларини ифодалашда метафоралар муҳим ўрин тутди. *Yüzi körki körklüg qilinçi köni, qatıy anda könilik tönü* – (Ойтўлдиннинг) юзи кўркли, феъли-рафтори тўғри (эди), (хожиб) барча ростлик либосларини унда мужассам кўрди (ҚБН, 519; 25b8). Ойтўлди вазир бўлганлиги боис адолатли ва феъли тўғри бўлиши лозимлиги қайд этилган. Муаллиф барча ростлик либосларини унда мужассам кўрган. Биринчи мисрада *köni* “тўғри”, иккинчи мисрада *tön* “либос” метафора асосидаги кўчимни юзага келтирган.

Бекларнинг хусусиятларини ифодалашда ҳам метафоралардан унумли фойдаланилган. *Qut-ul beg yaqin bolsa qutqa kişi, tiläkin bulur barça etlür işi* – Бег – бу кут, агар киши бу кутқа яқин бўлса, барча тилакларини топади, ишлари бажо келади (ҚБН, 592; 28a8). Ушбу байтда беглар *qut* истиораси билан номланган. Агар киши бу кутга яқин юрса эзгулик топади, тилаклари бажо бўлади. Аммо, беглар дарғазаб бўлган пайтда оловдан ҳам кучлироқ, заҳардан ҳам заҳарлироқ бўлишади. Шунинг учун беглар дарғазаб бўлган пайтда уларнинг олдига яқинлашмаслик зарурлиги айtilган.

*Taqi yaqşi aymış biliglig böğü, buşar ödtä beglär bolur ot ayi* – Билимли, доно (бу ҳақда) янада яхшироқ айтибди: дарғазаб бўлган пайтида беглар олов (ва) оғу бўлади (ҚБН, 764; 34 а). *Ot* ва *ayi* сўзлари бегларнинг характер-хусусиятини ифодаловчи метафораларни ҳосил қилган.

Феъл-лексемалар метафорик маънода келиб, шахс феъл-атвори, руҳий ҳолатига нисбатан қўлланган, бадийликка, таъсирчанликка хизмат қилган.

**Табиат ходисалари, нарса-буюм хусусиятларини ифодалашда қўлланган метафоралар.** «Қутадғу билиг»да турли мансабдор шахслар ва ижтимоий табақаларни ифодаловчи метафоралардан ташқари табиат ходисалари ва ижтимоий ҳаётдаги жараёнлар, воқеа-ҳодисаларга доир

метафоралар ҳам фаол қўлланган. *Uquşqa biligkä bu tilmaç til, yaruttaçi erni yoriq tilni bil* – Уқувга, билимга тилмоч – бу тил, кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин (ҚБН, 158; 13a7). Тил орқали киши юксалади, кадр топади. Байтда *tilmaç* метафорани юзага келтирган.

*Yaғi-ul bu bor içmi altun kümüş, qilincï tutuş boldi qilqi uruş* – Ичимлик бу ёв, (унинг) ичими эса олтин, унинг (келтириб чиқадиган) ишлари ёқалашини, юмушлари эса урушдир (ҚБН, 2064; 81a1). Ушбу байтда ичкиликнинг салбий оқибатлари ҳақида маълумот келтирилган. Ичимлик ёвга қиёс қилинган. “Ёв”(уағи)лигининг асоси “ёқалашини” (*tutuş*), “уришини” (*uruş*) билан изоҳланган.

*Aғizdin ara ot ara suw çiqar, birisi yapuғli birisi yuғar* – Оғиздан гоҳо ўт, гоҳо сув чиқади, бири тузади, бири бузади (ҚБН, 2646; 100b14). Байтда муаллиф беқиёс истиора намунасини келтирган. Оғиздан чиқадиган сўз ўт (олов) ва сувнинг хусусиятлари билан ифодаланган. Достон матнида таъкидланганидек, ёмон сўз олов каби барча экинларни пайҳон қилади, яъни ёмон сўз инсонларнинг дилини вайрон қилади. Яхши сўз зилол сув кабидир. Сув бор ерда анвойи неъматлар унади. Яхши сўз ҳам кишилар қалбига яхшилик уруғини сочади. *Ўт* ва *сув* тушунчаларидаги семантик зидлик метафорага асос бўлган.

*Qilic birlä tutlur qali tutsa el, qalam birlä bashur qali bassa el* – Агар эл олинса, қилич воситасида олинади, агар эл бошқарилса, қалам билан бошқарилади (ҚБН, 2671; 101b9). Байтдаги *qilic* сўзи “куч”, *qalam* “адолат” маъносида қўлланган.

*Otuz ekki tişim üriñ yünzülär, üzüldi yipi kör saçildi birär* – Ўттиз икки тишим – бу оқ инжулар, ипи узилди, кўр, битталаб сочилди (ҚБН, 5522; 203a5). Байтда ўттиз икки тиш оқ инжуларга қиёсланган. Бу ўринда тишларнинг оқ рангда бўлиши, бир хил шакли қиёслашга асос бўлган. *Üriñ*

оқ рангни билдирувчи сўз бўлиб, энг қадимги олтой боботил даврига бориб тақалади. Мўғул тилида ҳам қўлланади.<sup>1</sup>

*Qoniq ya bu dunya seňär bir tüšün, tüšündä sewünč tutma artuq uzun* – Сен учун бу дунё бир меҳмонхона ёки работдир [яъни тушиб ўтирадиган жойдир], работдан кўп, узок севинма (ҚБН, 3513; 1313b4). Достонда дунё кўп ўринларда *работ, карвонсарой (tüšün)* га қиёс қилинган. Бу метафорик кўчимда “вақтинчалик”, “ўткинчи” семалари асос бўлган.

Асар матнида қўлланган метафоралар маънони таъсирчан ифодалашга, денотат хусусиятлари, белгиларини ёритишга, нарса-буюмлар ўртасидаги ўхшашликни англашга хизмат қилади.

### **Метонимия асосидаги маъно кўчиши**

Метонимия юнонча “қайта номлаш” демакдир. Нарса ва ҳодисалар ўртасида макон ва замондаги ўзаро алоқадорлик асосида бир номнинг иккинчисига кўчирилиши метонимия ҳисобланади. «Қутадғу билиг» да метонимиядан унумли фойдаланилган.

*Učuyli yuriyli tinilyli nečä, tirilgü seniňdin bulub yer iç-ä* – Қанчадан қанча учадиган (лар), юрадиган(лар), нафас оладиган(лар), сендан ризқ топиб учиб-ейди(лар) (ҚБН, 22; 8a9). Бу ўринда қушлар (*učuyli*), ер юзидаги жонзотлар (*yuriyli*) ҳамда инсонлар (*tinilyli*) назарда тутилмоқда. Байтда метонимия сифатдошнинг отлашиши ҳисобига воқеланган.

*Yoriyli körür-män yaraylisi yoq, yarayli bulunsa yuriylisi yoq* – Юрувчиларни (кўплаб) кўраман, ярайдигани йўқ, яроқлиси топилса-чи, у юрмайди (умри қисқа бўлади) (ҚБН, 1598; 64a12). Байтда *yoriyli* “юрувчилар” деганда одамлар назарда тутилмоқда. Муаллиф “бу дунёда яшовчилар ичида яроқли киши йўқ, ярайдигани эса тирик эмас”, деган ғояни илгари сурмоқда. Бу байтда ҳам сифатдош отлашган.

Достон матнида қўлланган *könli süzük* “кўнгли покиза”, *könli tüzük* “кўнгли тўғри” изофалари орқали “тоза, пок кўнгилли инсон” назарда

---

<sup>1</sup> Дадабоев Х., Холманова З. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. –Т.:Turon zamin ziyo, 2015.– Б. 51.

тутилади: *Nekü ter ešitgil ay köñli süzüg, qamuy iş içindä e köñli tüzüg* – Нима дейилган, эшитгин, эй күнгли покиза, ҳамма иш(лар) соҳасида (ҳам) эй күнгли тўғри (ҚБН, 3046; 114 б4).

Асарда қўлланган **atlan=** лексемаси “отланмоқ, отга минмоқ” маъносидаги келган: *Turur čiqti atlandi keldi yana* –Туриб чикди, отга минди, яна қайтиб келди (ДТС, 67). Ясама сўз мазкур байтда ўз маъносида келиб, транспорт воситаси ҳисобланган уловни эгарлаш, миниш назарда тутилади. Лексема “жўнамоқ”, “тайёрланмоқ”, “ҳозирланмоқ” маъносида ҳам қўлланган: *Qali atlanur bolsa beglar sügä* – Агар беглар жангга отлансалар (ҚБН, 2542; 97а11). Байтда *отланмоқ* “лашкар тортмоқ”ни ифода этади. Кўчма маъно “отга миниш” ҳаракати орқали воқеланган. Даставвал, бирор жойга бориш учун отга минилган. Кейинчалик, бирор ишга жазм қилмоқ, аҳд қилмоқ” маъноси ҳам шу сўз билан ифодаланган. Маъно кўчишига “ҳозирланмоқ”, “йўл олмоқ” семаси асос бўлган.

Аш сўзи “таом, овқат” ҳамда “зиёфат” маъноларида келган: *Ularda birisi kodängä aš-ul, ya sunnat aši ya tuyursa oyul*– Улардан битгаси зиёфат (никоҳ) ошидир, ё суннат оши ёки фарзанд туғилиши муносабати билан бериладиган ошдир (ҚБН, 4471; 66а2). Ушбу байт аجدодларнинг қандай маросимлар муносабати билан элга дастурхон ёзиши, ош тортишини ўзида яққол ифода этган. Кези келганда дostonда бирор кишининг вафотига бағишлаб бериладиган эҳсон ошининг *yoғ aši* изофаси билан ифодаланганини айтиб ўтиш лозим (ҚБН, 3304).

*Tolun* (<tol=) деганда шу белгига эга бўлган ойга (Муҳаммад (с.а.в.)) ташбеҳ қилинган: *Qiyamatta körgit tolun-teg yüzin, elig tuttači qil ilaha özin* – Қиёматда тўлин (ой) каби юзини кўрсат, илоҳо, ўзини (кўл)дан тутувчи қил (ҚБН, 47; 9а6).

Юсуф Хос Ҳожиб асарда ўқувчига кўп мурожаат қилади. Муаллиф *aya qutluғ öz* “эй қутлуғ инсон”, *e edgü köñül* “эй эзгу күнгилли инсон”, *e bilgi batiy* “эй билими чуқур инсон”, *e köñli yazi* “эй күнгли кенг киши”, *aya elçi qut*

“эй қут элчиси”, *e siyün* “эй, буғу” каби мурожаат шаклларини қўллаган. Бу мурожаат шаклларида ҳам метонимияга асосланилган.

### Синекдоха усулидаги маъно кўчиши

Ҳосила маъно юзага келишининг унча кенг тарқалмаган кўриниши *синекдоха* – юнонча “биргаликда англаш” сўздан олинган бўлиб, бўлак орқали бутунни ёки бутун орқали бўлакни ифодалашни билдиради.<sup>1</sup> «Кутадғу билиг»да келтирилган синекдохаларда табиат ҳодисалари, турли доирадаги шахсларнинг хусусиятлари ифодаланган. Асарда, асосан, қисм номи билан бутун ифодаланган: *Yanut berdi Ögdülmiş aydi özüm, seni arzuladi ay körklüg yüzüm* – Жавоб берди Ўгдулмиш, айтди: ўзим, сени (кўришни) орзуладим, эй кўркли юзим (ҚБН, 3266; 122b2). Байтда асар қаҳрамони Ўгдулмиш “эй кўркли юзим” деб мурожаат қилган. Аслида “юзи кўркли киши” шаклида бўлиши керак эди. Аммо, ушбу жумла эллипсисга учраб, шу ҳолга келган. Бу ўринда қисм номи билан бутун ифодаланган. Асарда инсоннинг юзи билан боғлиқ *qizyu eñ* “қизил ёноқ”, “ёруғ юз”, *qizyu meniz* “қизил юз”, *isig yüzlüg* “иссиқ юзли” каби бирикмалар қўлланган ва улар синекдохани юзага келтирган.

Манбада келтирилган *ürüñ başliý er* “оқ бошли киши” синекдохаси “қари киши”, “қария” маъносини билдиради. Бу ўринда “оқ бошли киши” яъни “сочига оқ тушган” деганда тажрибали, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган киши назарда тутилмоқда. *Vaş sўzi* “соч” маъносида келган: *Nekü ter ešitgil ürüñ başliý er, ažunuy qaritmiş uzun yašliý er* – Оқ бошли (сочи оқарган) киши нима дейди, эшитгин, дунёни қаритган узун ёшли киши (ҚБН, 2973; 112a4). *Ürüñ başliý* деганда *оқ сочли, кекса, катта ёшли киши* назарда тутилмоқда.

*Köñül berdiñ ersä bu qurtça yüzü, yaqañni tutar kündä ketmäz sözi* – Кўнгили бериб қўйсанг, бу юзи кўхна (қари), кунда ёқангни тутуди, сўзи (ҳеч)

<sup>1</sup> Ҳосила маънонинг юзага келиши ҳақида қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.:Мумтоз сўз, 2010.–Б. 89-112 .

тугамайди (ҚБН, 3493; 130b14). Байтда *qurtya yüzi* дейилганда юз эмас, балки қари юзли кампирга қиёс қилинган дунё назарда тугилмоқда.

*Isiniür et er terk bayirsaq bolur, bayirsaq kişilär tapuysaq bolur* – Унга баданнинг (кишиларнинг) мухаббати ортади, сўнг эса кишилар унга садоқатли бўлади, садоқатли кишилар эса хизматга шай бўлади (ҚБН, 2089; 81b11). Байтда келтирилган *et* “бадан” сўзи орқали инсонларга ишора қилинмоқда.

Айрим байтларда вазифадошлик асосида маъно кўчган: *Meñä köz qulaq-sen işimni qatuy, seniñdin tilär-men aça ber qaruy* – Менга кўз, кулоқдирсан, ҳамма ишларимни сендан умид қиламан, эшик очавер [яъни иш юритавер] (ҚБН, 6164; К 377). Байтда ҳукмдор Ўгдулмишга мурожаат қилиб, уни ўзининг кўзи, кулоғи деб билади. *Кўз* деганда “кўриш”, кулоқ деганда “эшитиш” семаси назарда тугилмоқда.

### 3.3.Ўхшатишлар услубияти

Ўхшатиш – икки нарса-ҳодиса ёки воқелик ўртасидаги ўхшашликка асосланган, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, бўрттириброқ кўрсатиб беришдан иборат бадий тасвир воситаси, кўчимнинг содда туридир. Ўхшатиш (ташбеҳ) мумтоз бадий санъат кўриниши сифатида услубиятни таъминловчи воситалардан бири ҳисобланади.

Адабиётшуносликда ўхшатиш *ташбеҳ* термини билан юритилади. “Ўхшатиш – тасаввур бирлиги. Тасаввур эса мавжудотга асосланган хаёлот натижасидир”.<sup>1</sup> Ўзбек тилшунослигида ўхшатишнинг назарий асослари, омиллари тадқиқ этилган. Жумладан, М.Мукаррамов ўз тадқиқотларида ўхшатишни соф тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганди.<sup>2</sup> Ҳ.Дадабоев XI – XIV асрлардаги ўхшатишларнинг ифодаланиши масаласига эътибор қаратган

<sup>1</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати.–Т.:Adabiyot va san'at, 1979.–Б. 66 .

<sup>2</sup> Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. –Т.:Фан,1976.

бўлса, <sup>1</sup> Н.Махмудов, Д.Худойбергеновалар томонидан ўхшатишларнинг миллий-ментал хусусиятлари тадқиқ этилган<sup>2</sup>.

«Қутадғу билиг» даги ўхшатишларни семантик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

а) **шахс тавсифида қўлланган ўхшатишлар.** Достонда турли мансабдор шахсларнинг фаолияти, улар эга бўлиши керак бўлган фазилятлар ҳақида сўз боради.

Зехнсиз киши *меvasиз дарахт*га ўхшатиш: *Uqušsuz kiši-ol yemišsiz yūyač, yemišsiz yūyačiy nekü qilsun ač* – Зехнсиз киши меvasиз дарахтдир, меvasиз дарахтни оч нима қилади (ҚБН, 2418; 93а4). Ушбу байтда муаллиф ўзига хос *ol* ўхшатиш воситасидан фойдаланган. *Yemišsiz yūyač* бирикмасида *yemišsiz* “меvasиз”, *yūyač* “дарахт” маъноларидаги лексемалардир; *yūyač* архаизмга айланган, *yemiš* лексемасида сема архаиклашган, бу лексема ҳозирда ҳайвонларга нисбатан “озуқа” маъносида ишлатилади. “Самава”, “натижа” семалари қиёслашга асос бўлган.

Жоҳил киши *сигир*га қиёс қилинган: *Qara qarni tođsa kör uđ-teg yatur, yawa sözğä awnur özin semritür* – Жоҳил қорни тўйса, сигирдек ётади, кўр, беҳуда сўзга фарқ бўлиб ўзини семиртиради (ҚБН, 974; 42а4). Унинг дарди – фақат қорин тўйдириш ва беҳуда умр ўтказиш. Жоҳил сўздан сўзнинг фарқини билмайди. Беҳуда ва кераксиз сўзларга ҳам қулоқ тутиб ётаверади. Сигир гапга тушунмаганидек, нодон ва жоҳил киши ҳам эзгу сўзларни тингламайди. Чунки унинг онги зарарли ва кераксиз сўзлар билан тўлган. Жоҳилнинг сигирга ўхшатилишида “онгсизлик”, “ақлсизлик”, “бефаҳмлиқ” семалари асос бўлган.

Д.Худойбергенова лингвокультурология бўйича изланиш олиб борган В.Маслова фикрига таяниб, шундай дейди: “...халқнинг муайян предмет, белги, ҳаракат-ҳолатга муносабати, ассоциатив фикрлаш тарзи

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ., Эски ўзбек тилида қиёслаш, ўхшатишнинг ифодаланиши // Лингвист IV.–Т.:Akademnashr, 2013.–Б. 4-11.

<sup>2</sup> Махмудов Н., Худойбергенова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати.–Т., 2013.

Ўхшатишларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, буни ўзбек тилидаги инсон ҳақидаги ўхшатишларда ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тилидаги инсонга доир ўхшатишлар 8та маъновий гуруҳни ташкил этиб, уларда ҳайвон, ўсимлик, мева номларини билдирувчи сўзлар эталон сифатида кўп қўлланганлиги она тилимизда мулоқот қилувчи тил соҳибларининг этнопсихолингвистик хусусиятларини намоён қилади<sup>1</sup>”.

Асар тилида лашкарбошининг хусусиятлари, асосан, зоонимлар орқали ифодаланган. Саркарданинг суврати ва сийрати тавсифланганда қуйидаги ўхшатишлар қўлланган: *Toғuz–teg tetimlig böri–teg küči, adiyłaju iryar qutuz–teg öči* –Тўнғиздек човут қилувчи, бўридек кучли, айикдек хийлакор, қўтосдек қасоскор бўлиши керак (ҚБН, 2275; 88a9). *-lay* ўхшатиш-қиёслаш шакли кучайтирув-таъкид юкламаси билан бирикиб, *-layu* шаклида учрайди. Асосан, ҳайвонларга нисбатан қиёсларда қўлланган.

*Uluу tutsa himmat küir arslanlayu, ügi–teg usuz bolsa tünlä sayu* – Ботир арслон каби ҳимматини улуғ тутса, тунлари укки каби бедор бўлса (ҚБН, 2278; 88a12). Юқоридаги байтда лашкарбошининг хусусиятлари ифодаланган бўлиб, табдилда байтнинг иккинчи мисраси «тунлари бедор онадай бўлса» деб изоҳланган. Бизнингча, **ügi** деганда Юсуф Хос Ҳожиб *укки* зоонимини назарда тутган ва байтни «лашкарбошилар уккидек тунлари бедор бўлса» деб табдил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур байтдан олдинги ва кейинги мисраларда зоонимлар асосидаги ўхшатишларнинг келтирилиши фикримизни асослайди. «Древнетюркский словарь»да ҳам байт «Ему следует основательно проявлять рвение, уподобляясь льву, а по ночам бодрствовать, подобно сове» тарзида изоҳланган (ДТС,198). Махмуд Кошғарий луғатида ушбу зооним *ihi* шаклида келтирилган: *кўп турклар бу сўзни ügi дейдилар. Тўғриси шудир, чунки туркий тилда бўғиздан чиқадиган h йўқдир* (ДЛТ, I, 175).

---

<sup>1</sup>Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол.фан. док. дисс. автореф. –Т., 2015.–Б.31.

«Қутадғу билиг» даги қиёсларда, асосан, ҳайвонларнинг белги-хусусиятларидан унумли фойдаланилган. Ҳақиқий тадбиркор киши бўридек кучли, айиқдек ҳийлакор ва қўтосдек қасоскор бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган. Бўри “куч-қудрат”, айиқ “ҳийла”, қўтос “қасос” семаларини ифодалаш учун ишлатилган ва бунда, албатта, ҳайвонларнинг ана шу белгилари асос бўлган.

“Лашкарбошининг кучлилиги *арслонга*, доимий хушёрлиги *зағизгонга*, бақувватлиги *қоплонга*, ҳужмкорлиги ва душманга ҳамласи *тўнғизга*, мардонаворлиги *бўрига*, жангда моҳирлиги, ҳийла ва тадбиркорлиги *тулкига*, шиддати *айиққа*, қасоскорлиги *қўтос* ва *туяга* ўхшатилади. Умуман, бир нарсани тасвирловчи-изоҳловчи турли-туман ўхшатишларнинг ҳаммаси ҳам унинг турли хусусиятларини ёритишга хизмат қилади”.<sup>1</sup>

Беглар *kür arslon* “юракли арслон”га қиёс қилинган. *Kür arslanqa oxšar bu beglär özi, bušursa kesär baş e bilgi yaruq* – Беглар–бу юракли арслонга ўхшайди, уларни ғазабга келтирсанг, бош кесади, эй равшан фикрли (ҚБН, 769; 34 а). Бунда ўхшатиш тўғридан тўғри *oxšar* сўзи орқали ҳосил қилинган.

Туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқининг яшаш тарзини белгилайдиган, тирикчилик фаолияти бўлган чорвачилик, овчилик мақолларда ифодаланган ҳайвон номларининг тур жиҳатдан хилма-хил бўлишини таъминлаган,<sup>2</sup> шунингдек, «Қутадғу билиг» даги зоонимларнинг ўхшатиш воситаси сифатида қўлланишига асос бўлган.

*Халқнинг қўйга ўхшатилишида “ювошлик”, “ожизлик”, “итоаткорлик”, бекнинг қўйчивонга ўхшатилишида эса “химоя”, “бошқарувчи” семалари асос бўлган: Vodun qoy sanī-ol begi qoyčisi, bayirsaq keräk qoyqa qoy tütgüči*– Халқ бир қўй каби, бег эса қўйчивондир, қўй учун қўй тутувчиси меҳрибон (жонкуяр) бўлиши керак (ҚБН, 1399; 57b4).

<sup>1</sup> То‘хлиев В. О‘zbek adabiyoti. –Т.: О‘qituvchi, 2000. –В.134.

<sup>2</sup> Тошева Д. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) диссертацияси автореф. –Т., 2017.–Б.14.

Юсуф Хос Ҳожиб доноларни *серсув, чимли ерга ўхшатган*: *Öyük çim osuyluь bolur bilgälär, çiqar suw qayuda adaq tebsälär* –Донолар чим (кўк) ўсадиган сероб ер каби бўладилар, унинг қаерига оёқ урилса, сув чиқади (ҚБН, 960; 41b1). Биринчи мисрадаги **bolur** боғламаси ўхшатиш-қиёслаш вазифасини бажарган. Доноларнинг сўзи унумдор ерга қиёсланган. “эзгулик”, “яхшилиқ”, “самара” семалари қиёслашга асос бўлган.

*Aqar suw teg ul bu tilin edgü söz, qayuqa bu aqsa çeçäk üнди tüz* –Тилдан чиқадиган эзгу сўз оқар сув кабидир, бу (сув) қаерга оқса, ҳамма ёқда чечак унади (ҚБН, 2648; 101a1). Ушбу мисраларда тилдан чиқадиган *edgü söz* бирлиги *aqar suw*га ўхшатишган. Оқар сувнинг чечаклар ундириши, оламни яшилликка буркаши эзгу сўзнинг киши кўнглини яшнатиши, кайфиятини кўтаришига қиёсланган.

«Кутадғу билиг» – ҳадислардан илҳомланиб ёзилган асар. Ундаги пурмаъно фикрлар, теран мулоҳазалар ҳадисларнинг таъсири ўлароқ юзага келган. Юқоридаги байтларда доно, билимли кишилар *сувли ерга*, билимли кишининг сўзи ерга ҳаёт бағишловчи *сувга* ўхшатишган. “Илм ўрганмоқ” ҳақидаги ҳадисда илм ёмғир сувига ўхшатилади. Илм ўрганувчилар эса ерга қиёсланади. Ҳадисда ҳам ёмғир сувининг ҳаётбахшлиги таъкидланади<sup>1</sup>;

б) **мавхум тушунчалар реал нарса-буюмга қиёсланган ўхшатишлар**. *Körü barsa dunya kölikä sanî, edärsä qaçar qaçsa edrär seni*– Назар солсанг, дунё кўланка кабидир, изидан борсанг, қочади, қочсанг изидан боради (ҚБН, 3488;130b9). *Дунё кўланкага* ўхшатишган. *Kölikä sanî* ўхшатиши асосида *dunya* лексемасидаги “беқарорлик”, “фонийлик”, “бевафолик” семалари намоён бўлган. *Dunya* лексемасидаги “ўткинчилик”, “беқарорлик” семалари қиёслашга асос бўлган. *Sänî* (san= ўйламоқ, ҳисобламоқ) ўхшатиш воситаси вазифасини бажарган.

*Tariьlay erür dunya elig quti, tarisa orar er tirilgü oti* – Бахтиёр элиг, бу дунё бир экинзордир, экин унса, киши ўз ейдиган ўтини ўради (ҚБН 1378;

<sup>1</sup> Ahmedov S. va boshqalar. Adabiyot. –Т.: Sharq.–В. 21.

56b13). Байтда *дунё экинзорга ўхшатиш* билан туғилади, деган мазмун ифодаланган. *-lay* қўшимчаси *-lay* аффиксининг варианты бўлиб, ўхшатишни воқелантиришга хизмат қилган.

Асарда элчиларга алоҳида аҳамият берилиб, уларга икки давлат ўртасидаги муҳим алоқа-муносабатни таъминловчи шахслар сифатида қаралган. Элчилар эга бўлиши керак бўлган бир қанча фазилатлар келтирилган. Шулардан бири *süćig sözlik* “ширинсўзлик”: *Sözi bolsa yumşaq šakar-teg süćig, süćig sözkä yumşar uluy ham kićig* – Сўзи юмшок, шакардек ширин бўлса, Ширин сўзга улуг ҳам, кичик ҳам юмшайди (ҚБН, 2626; 100a7). Бу ерда *süćig* “ширин” сўзи қўчма маънода келиб, *söz*ни сифатлаган. *Süćig söz* “ширин сўз” *šakar* “шакар”га қиёсланган.

Достон матнида “туя” маъносида **tewä, tetir** каби лексемалар қўлланган. Сўз *туя бурнига* қиёсланган: *Burunduqluy-ol söz tewä burni-teg, barur qančä yatsa tetir boyni teg* – Сўз туя бурнидек жоловланган бўлади, туя бўйнидек қаерга бурса, шу томонга боради. (ҚБН, 203; 19b11). Туя бурнини тўғри томонга йўналтира оладиган жоловдор керак. Бу ўринда “буриш”, “бошқариш”, “йўналтириш”, “қўллаш” семалари қиёслашга асос бўлган.

Заковат навқирон йигитга муқояса қилинган: *Qilincī qarī oylan özlüg uquš, uquš qayda bolsa añar bar yaruš* – Заковат қарилардек иш тутувчи навқирон йигит кабидир, заковат қаерда бўлса, (сен) унга бориб ёпиш (ҚБН, 1837; 72b10). *Özlüg* сўзи ўхшатиш воситаси сифатида келган. Ушбу байтда Юсуф Хос Ҳожибнинг сўз қўллаш маҳоратига яна бир қарра амин бўламиз. Муаллиф заковатни қарилардек иш тутувчи навқирон йигитга қиёс қилган. “Заковат” тушунчаси ўзаро зид бўлган “йигитлик” ва “қарилик” тушунчаларидаги “куч-қудрат” ва “тажриба” семалари асосида тавсифланган.

*Киши кўнгли тубсиз денгизга, билим марваридга ўхшатиш*: *Kişi köñli tübsüz teñiz-teg turur, bilig yinžü sani tübindä yatur* – Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир, билим инжу каби (унинг) тубида ётади (ҚБН, 208; 15a1).

Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида сўз ва кўнгил борасида шу фикрларга яқин тасвирларни учратамиз: “... сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жоми маонийи жузв ва кулдур. (яъни “ ... сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир. Кўнгил шундай бир жой бўлиб, унда майда ва йирик маънолар тўплангандир”).<sup>1</sup> Кўнгилнинг денгизга ўхшатилишида “кенглик” семаси асос бўлса, сўзнинг дурга қиёсланишида “ноёблик” семаси устундир.

*Nekü ter ešitgil e bilgä bögü, biliglig sözi bulsa aš-teg yegü* – Донишли киши нима дейди, эшитгин, эй билимдон, билимли сўзини топсанг, ошдек ейиш керак (ҚБН, 2745; 104a10). Билимдон, донишманднинг сўзи озуқа, ошга қиёсланмоқда;

**в) ҳаракат-ҳолатни қиёслашда ишлатилган ўхшатишлар.** *Турналар парвози* тизилган туя карвонига қиёсланган: *Kökis turna kökdä üniün yañqular, tizilmiš tetir-teg uçar yelgürär* –Мағрур турна кўкда овоз чиқариб сайрамоқда, тузилган туя карвонидек учмоқда, қанот қоқмоқда (ҚБН, 72; 10a7). Қиёслашда “қаторма-қаторлик”, “эгрилик” (туянинг ўрқачлари, турналарнинг қанотлари) семалари асос бўлган.

Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган ташбеҳлар кейинчалик туркий адабиётда, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам анъанага айланди. *Қадни* ∟ (дол)га (“эгик” семаси асосида), *юзни ойга* (“нурафшонлик” семаси асосида), тириклик (ҳаёт)ни работга (“ўткинчилик” семаси асосида), йигитликни арғумоққа (“шўхлик”, “ўйноқилик” семаси асосида), билимни кимёга (“ноёблик” семаси асосида), сўзни заҳарга (“зиён” семаси асосида), шақарга (“қувват” семаси асосида), кўнгилни денгизга (“кенглик” семаси асосида), шишага (“нозиклик” семаси асосида), билимни машъалга (“зиё” семаси асосида), золим амалдорни бўрига (“шафқатсизлик” семаси асосида) ўхшатиш ҳам ана шундай ёзма адабиётда анъанага айланган образлардир.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муҳокамат –ул луғатайн. Мукаммал асарлар тўплами. XVI жилд.–Т., 2000. –Б.6.

Асар тилида, асосан, *-teg, sani, -layu, -ul, -lüg, -liy, ol, turur, oxšar* каби воситалар орқали ўхшатиш бадий санъати яратилган. Маъно-мазмунни таъсирчан ифодалашда *-teg* ўхшатиш воситаси фаол қўлланган. *-teg* нинг ўхшатиш, қиёслаш, муқояса қилиш каби маъноларни англлатувчи равиш ясаши қадимги туркий тилга оид битиктошларда акс этган<sup>1</sup>.

Достон матнидаги ташбеҳлар эски туркий тилнинг бойлигини намоён қилган, асарнинг бадий қимматини янада оширган, тасвирнинг мукамал, янада тушунарли бўлишини таъминлаган. «Қутадғу билиг»даги ўхшатишларнинг хусусияти шундаки, улар кўзда тутилган ҳар қандай фикрни равшанлаштиришга, шу образни аниқ тасаввур этишга хизмат қилади<sup>2</sup>.

«Қутадғу билиг»даги ўхшатишлар нарса-ҳодисалар моҳиятини акс эттириш билан бир қаторда миллий-ментал хусусиятларни ёритишда ҳам аҳамиятлидир.

### **3.4. «Қутадғу билиг» лексикасидаги семантик-парадигматик муносабатлар**

#### **Омонимия**

Сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири ўз аксини омонимияда топади. Шакли бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлардир. Икки ёки ундан ортиқ сўзнинг бир хил ёзилиши ва бир хил талаффуз этилиши натижасида омонимлар юзага келади<sup>3</sup>. “Бадий тасвирнинг лексик воситаларидан бири бўлмиш омонимлар нафақат оҳангдошликни юзага чиқариш, шунингдек, маъновий фарқланишни воқелантириш учун хизмат қилади. Шакли бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар бадий услубда модал маъноларни ифодалашда, услубий маъноларни англлатишда восита бўлади.

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тилида қиёслаш, ўхшатишнинг ифодаланиши // Лингвист IV.–Т.:Akademnashr, 2013.–Б. 4-11.

<sup>2</sup> То‘хлиев В.О‘zbek adabiyoti.–Т.: О‘qituvchi , 2000. –Б.132.

<sup>3</sup> Xolmanova Z. Tilshunoslikka kirish. –Toshkent, 2003. –B.91.

XI – XIV асрлардаги омонимлар хусусида Х.Дадабоев илмий изланишлар олиб борган.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг»ни ўрганиш жараёнида 100дан ортиқ омоним сўзлар аниқланди. Омонимлар асар бадииятини таъминлашда, муаллиф тафаккурини ифодалашда муҳим ўрин тутади. Қуйида дoston матнида қўлланган айрим омонимлар борасида тўхталамиз.

Асарда **elig** омоними ишлатилган: *Bitigči bu yanliḡ keräk ey elig, inansa aḡar bersä bolḡa elig* – Котиб бу янглиғ (бўлиши) керак, эй элиг, унга ишонса, қўл берса [яъни иш топширса] бўлади (ҚБН, 2697; 102b5). Биринчи мисрадаги *elig* сўзи “хукмдор” маъносида, иккинчи мисрадаги *elig* эса “қўл” маъносида келган.

Асарда **qiz** сўзи “қиз, қадрили; камёб, нодир” маъноларида келган (ДТС, 449). *Bu irsäl yayiḡ qilqı qurtqa aḡun, qilincı qiz-ul körsä yaḡı uzun* – Бу жафокор, бевафо, қилиқлари қари кампир [яъни маккор , ҳийлакор] дунё, боқиб кўрсанг, қилмишлари қиз (ёш) ёши (умри) эса узундир (ҚБН, 392; 21a11). Ушбу байтда қўлланган *qiz* сўзи ўз маъносида келган, яъни “ёш қиз” маъносини ифодалаган. Бу ерда дунё қари кампирга қиёс қилинган. Лекин, қари кампир бўлса-да, унинг қилиқлари қиз, яъни ёшдир. Маҳмуд Кошғарий девонида *qiz* сўзи 1) “қимматбаҳо нарса”; 2) “чўри”; 3) “одам устига кўнадигандай паст учадиган қуш”; 4) “бахил” маъноларида қайд этилган (ДТС, 450). *Qayu neḡ qiz ersä oḡul neḡ küḡüḡ, küḡüḡ näḡ tiläk bulmaz emḡär üküḡ* – Қайси нарса қиз (ноёб) бўлса, ўша нарса азиздир, азиз нарсани излаб топиш қийин, киши (уни излаб) кўп машаққат чекади (ҚБН, 553; 26b12). Мазкур байтдаги *qiz* сўзи “ноёб” маъносида келган.

Дoston матнида қўлланган **at** сўзи “исм, ном; унвон; ҳайвон номи; ҳаракат” маъноларида омонимлик ҳосил қилган. *Anasinda tuḡsa atansa atı, musafir bolub mündi öḡläk atı* – Онасидан туғилиб унга от қўйилгач, у мусофир бўлиб даврон (фалак) отини минади (ҚБН, 1373; 56b8). Байтнинг

---

<sup>1</sup> Дадабоев Х. “Девону луғотит турк”даги омонимлар хусусида // Ўзбек тилшунослиги масалалари . – №2. Қарши, 2012.–Б.12-20.

биринчи мисрасидаги *at* сўзи “исм ва ном”ни англатса, иккинчи мисрадаги *at* сўзи “хайвон” маъносида келган.

Омоним сўзлар ёрдамида туюқ жанри яратилган, тажнис намуналари юзага келган. Ўзбек мумтоз адабиётидаги туюқ жанрининг илк намунаси «Қутадғу билиг»да учрайди: *Aya birgä bütmış bilig birlä ög, köñül bütti šaksiz amul tutyil ög* – Эй (худо) га ишонган, билим билан идрок қил, кўнгил шаксиз ишонди, имонни комил тут (ҚБН, 24; 8a11). «Древнетюркский словарь»да **ög** сўзи ақл-заковат, иймон-эътиқод, мақтамоқ” маъноларида келган (ДТС, 379).

Достонда келтирилган **bar=** сўзи “бор”, “мавжуд” ва “бормоқ”, жўнатмоқ” маъноларида омонимлик ҳосил қилган. *Tariučï qaruyda umiñçaq turur, umiñç bermäsä beg muruvvat barur* – Хизматкор даргоҳда ҳожат учун туради, бег (унинг) ҳожатини чиқармаса, мурувват кетади (ҚБН, 2933; 110b9). Ушбу байтда *bar=* сўзи “кетмоқ, йироқлашмоқ” маъносида келган. Қуйидаги байтда эса “мавжудлик” маъносидаги *bar* сўзи келган: *Bi Ögdülmiş aydi bu beglär üzä, tariučï haqï bar tariuyda oza* – Бу Ўгдулмиш айтди: бу беглар зиммасида, хизматчи(нинг) хизматига яраша ҳақи бор (ҚБН, 2918; 110a7). Алишер Навоий *бар* шаклидаги тўрт сўз борлигини қайд этади: *Ва хили лафз ҳам топилурки, тўрт маъниси бўлғай, андоқки, бор лафзики, бир маъниси мавжудлугдур ва бир маъниси амрдур борувга ва бир маъниси юкдур ва бир маъниси самардур.*<sup>1</sup> “Юк” ва “самар” маъносидаги омонимлар «Қутадғу билиг»да кузатилмайди. Бу сўзлар кейинчалик, форс-тожик тилидан ўзлашган.

«Хатолик, хато, янглиш» (ДТС, 234) маъносини билдирувчи *yañluq* (<*yañil=* «янглишмоқ, хато қилмоқ») лексемаси достон матнида омонимлик ҳосил қилган. *Bi yañluq atï boldï yañluq üçün, bu yañluq uruldï bu yañluq üçün* – Бу янглук [яъни инсон] номи янглук [яъни хато] учун бўлди, бу янглук [яъни хато] учун у янглук [яъни инсон] аталди (ҚБН, 194; 14b2). Байтдаги *yañluq I* «инсон, одам» маъносида, *yañluq II* эса «хато, янглишиш» маъносида ўзаро

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ўн беш томлик. XIV том. Муҳокамат ул-луғутайн. –Т., 1967. –Б.272.

омонимлик ҳосил қилган. Достонда **qaršī** лексемаси ўзаро омонимлик ҳосил қилган. *Bu beglär ewi atī qaršī turur, bu qaršī içindäki qaršī turur* – Бу беклар уйининг оти қарши (саройдир), бу қарши (сарой) ичидагилар қарама-қаршидирлар (ҚБН, 4144; 153b2). Биринчи байтдаги *qaršī* сўзи “сарой, қаср”, иккинчи байтдаги *qaršī* “қарама-қарши, зиддиятли” маъносини ифодалаган шаклдошлардир.

Асарда лексеманинг грамматик воситалар билан омонимлиги ҳам кузатилади: *Bu aʒun tüşün-ol sen arqış sanī, tüşündä neçä bolıyay arqış sanī*– Бу дунё бир работ, сен эса карвон кабидир, работда карвон қанча туради? Ҳисоб қил (ҚБН, 1428; 58b3). Ушбу байтда **sanī** сўзи омонимлик ҳосил қилган. Бу сўз ҳозирги адабий тилда қўлланмайди. Қадимги туркий тилда эса ўхшатиш воситаси сифатида келган. Биринчи мисрадаги *sanī* сўзи айнан ўхшатиш воситаси сифатида келган бўлса, иккинчи мисрадаги *sanī* сўзи эса “ҳисобламоқ” маъносини беради.

«Қутадғу билиг»да қуйидаги омонимлар ҳам учрайди: *dunya I* “дунё, олам, борлик, жаҳон” – *dunya II* “бойлик, мол-давлат, мулк”; *yumişçi I* “ишчи, хизматкор” – *yumişçi II* “хабарчи, элчи”; *köç I* “кўч-кўрон, буюм” – *köç= II* “кўчмоқ, тарк этмоқ”; *kök I* “осмон, кўк, само” – *kök II* “илдиз, асос”; *теңи I* “ақл, мия – *теңи II* “боқий, абадий, мангу”; *qara I* “қора, ёмон” – *qara II* “халқ, авом” – *qara= III* “қарамоқ”; *aba I* “аждод” – *aba II* “ғазаб, нафрат”; *асіу I* “аччиқ” – *асіу II* “мукофот, совға” ; *адін I* “бошқа, бўлак” – *адін II* “хушёр”, *ауір I* “оғир, вазмин” – *ауір II* “қадрли, қимматли”, *biş I* “беш” (рақам) – *biş II* “пишмоқ”, *buz I* “муз” – *buz= II* “бузмоқ”; *el I* “халқ, эл” – *el II* “қўл” ва ҳ.к.

Шаклдошлик туркий тилларга хос лингвистик хусусият бўлиб, айниқса, феъл-от омонимлиги кўп учрайди.

Туркий тилларда омонимияни юзага келтирувчи ҳодиса – қадимги туркий тил сўзларига хос туркум синкретизми ўз ифодасини топган. Э.В.Севортян томонидан “феъл-от асослар” (“глагольно-именные основы”)

деб номланган бу ҳодиса туркий тилларнинг бошланғич тараққиёт босқичларида бир бўғинли лексик асоснинг айна бир луғавий маънога эга бўлгани ҳолда исм сифатида ҳам, феъл сифатида ҳам ишлатилишини ифода этади. Олим ўз карашларида “феъл-от омонимлиги” (“глагольно-именная омонимия”), “феъл-от омоформалар” (“глагольно-именные омоформы”) терминларини қўллаган. Шу билан бир қаторда, бу ҳодисани “лексик-морфологик синкретизм” деб караш тўғрироқ эканлигини эътироф этган.<sup>1</sup> Ҳозирги ўзбек тилидаги *ёз, тут, шии, тўй* кабиларда туркум синкретизми хусусиятлари намоён бўлади.

Айрим полисемантик сўзлар ўртасидаги семантик боғланиш йўқолиб, омоним сўзлар юзага келган. *Ҳауиз уер уашил кок кун ау бирла тун, торутти ҳалауиқ од одлак бу кун* – Бўз ер, зангори осмон, кун, ой ва тунларни, халойиқ, давр, замон (ва) кунларни яратди (ҚБН, 2; 7b2). Байтда “қуёш” маъносидаги **kün** сўзи қўлланган. Бошқа бир ўринда сутканинг ёруғ қисми маъносидаги *kün* ишлатилган: *Tübi уел турур бу тириглик күни, инанчсиз турур қут кеçürgä seni* – Бу тириклик кун(лар)и бўрон, ел кабидир, қут инончсиздир, у сенин(нг умрингни) ўтказди (ҚБН, 4983; 184a13). Бу ўриндаги омонимия метонимия асосида юзага келган бўлиб, семантик усулдаги сўз ясалишига мисол бўлади.

«Қутадғу билиг»даги омонимларни ўрганиш туркий тилларга хос омонимия ҳодисасини изоҳлаш, омонимларнинг тарихий кўринишлари, омонимик муносабат турларини ёритиш, шаклдошларнинг юзага келиш даврини аниқлашда аҳамиятлидир.

**Омонимларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати.** «Қутадғу билиг» матнидаги омонимларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати куйидагича: *Elig I* “хукмдор”, *elig II* “қўл”; *sani I* “каби”, *sani II* “ҳисобламоқ”; *ög I* “идрок”, *ög II* “иймон” омонимлари ҳозирги адабий тилда ишлатилмайди. *Qiz I* “инсон”, *qiz II* “ноёб” омонимларининг фақат биттаси ишлатилади. *At I* “исм , ном”, *at II* “ҳайвон” омонимлари ҳозирги ўзбек

<sup>1</sup> Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на гласные). М.:Наука.1974. –С.32-40.

адабий тилида қўлланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган, истеъмолдан чиққан омонимлар айрим шеваларда сақланиб қолган. Негаки, шевалар тилнинг энг қадимий шакллари ҳам ўзида ифода этувчи, тил таракқиётидаги фонетик, лексик, грамматик ўзгаришларни акс эттирувчи муҳим ички манбадир.

«Қутадғу билиг» матнида учрайдиган, ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланаётган омонимлар денотатив маъно ифодалаш бирга, коннотатив маъноларда қўлланиб, таъсирчанликни ошириш, бадиийлик учун хизмат қилмоқда.

### **Синонимия**

Бир умумий маънони ифодаловчи икки ва ундан ортиқ сўзлар синонимлардир. Лексик маънолари ўзаро синонимик муносабатда бўлган сўз ва қўшимчалар синонимлар уяси ёки синонимлар қаторини ҳосил қилади. Ҳар бир синонимик қаторда доминанта сўз етакчи ҳисобланади. Доминанта сўз услубий хосланиш ва сўзловчининг баҳосидан холи бўлади; услубий хосланиш ва баҳо билдиришга кўра нейтрал саналади. Маънодош сўзлар бир маънони турли сўзлар орқали нозик маъно қирралари билан ифодалашда, сўз кудратини намоёниш этишда, нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Синонимлар нутқни раван ва таъсирчан қилишда ўзига хос ўрин тутаяди. Бир маънони турли лексемалар орқали ифодалаш фикрни жозибали акс эттиришда, семантик бўёқдорликни намоён этишда аҳамиятлидир.

Ҳ.Дадабоев “Девону луғотит турк”даги синонимлар хусусида илмий изланишлар олиб борган.<sup>1</sup> «Қутадғу билиг» даги синонимларнинг бадиий актуаллашиш даражасини таҳлил қилган. «Муайян матн ичида икки ва ундан ортиқ синонимларни бадиий тасвир воситаси тарзида ишлатиш тил birlikлари такрори боис воқеланадиган ифода қашшоқлигининг олдини олади. Шу маънода «Қутадғу билиг» матнида қўлланган бадиий

---

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”даги синонимлар хусусида. Лингвист II.–Т.:Akademnashr, 2011.–Б.4-10.

актуаллашган синонимик қаторлар сон жиҳатдан кўплиги билан ажралиб туради”.<sup>1</sup>


Қутадғу билиг» матнида қўлланган синонимларнинг асосий вазифаси такрордан қочиш, маънони кучайтириш ва бўёқдорликни оширишга йўналтирилган. Асардаги маънодош сўзлар бир умумий маънони ифодаласанда, бироқ шу умумий маънони ифодалаш даражаси нуқтаи назаридан биридан фарқ қилади.

Юсуф Хос Ҳожиб асарининг бошланиш қисмидаёқ синонимлардан Аллоҳ, Пайғамбар (с.а.в), халифаларнинг хусусиятларини ифодалашда унумли фойдаланган. Яратувчининг сифатларига ҳамду сано айтишда тилда мавжуд синонимик қаторларга мурожаат қилган: *Uluyluy idisi uyan zul-žalal, yaratqan törütgän ta qadir kamal* –Улуғлик соҳиби, қодир зулжалол, яратувчи, бино қилувчи ҳамда қодир камол (ҚБН, 50 б.). *Zul-žalal* ўзлашмаси “икки олам эгаси”ни англатади. Байтдаги *yaratyan, törütgän* сифатдошлари “яратувчи, бино қилувчи” маъноларини ифодалаган. Бу сўзлар бир луғавий маънони ифодаласанда, семантик бўёқдорлиги жиҳатидан фарқ қилади. Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган ҳар икки сўз туркий бўлиб, **yaratyan** ҳозирги адабий тилда ҳам қўлланади; **törütgän** сўзи истеъмолдан чиққан, архаизмга айланган. *Törütgän* сўзининг *törü*= асоси “яратилмоқ; юзага чиқмоқ, содир бўлмоқ” маъносини билдирган. Юсуф Хос Ҳожиб Аллоҳни *yaratyan* лексемаси ёрдамида сифатлаганда унинг “йўқдан бор қилган”ига, *törütgän* деганда “тирикликни дунёга келтирган”ига ишора қилган. Бу ўринда синонимлар “яратиш” семемасининг турли семаларини намоён қилишга хизмат қилган.

“Аллоҳ” маъносини беришда асар муаллифи қуйидаги синонимлардан фойдаланган:

---

<sup>1</sup>Дадабоев Ҳ. “Қутадғу билиг” матнида бадий актуаллашган лексик воситалар хусусида// Стилистика ва прагматика. Профессор С.Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2010. 4-5 июнь.–В. 49.



Бундан ташқари муаллиф асарда *vahid, haliq, haq, zul žalal, rabb, azza va žalla, bayat* каби сўзларни қўллаб, ўзаро синонимик қатор ҳосил қилади. Алишер Навоий даврига келиб форс-тожикча *xudāy, yazdān, parvardigār* каби лексемалар фаол қўлланишда бўлган.<sup>1</sup>

Пайғамбар (с.а.в.)нинг хусусиятларини ифодалашда ҳам синонимлар кенг қўлланган. *Tüzün erdi alčaq qilinči silig, uwutluḡ bayirsaq aqi keḡ elig* – Мулойим, юмшоқ табиатли, хушфеъл (эди), Андишали, меҳрибон, саховатли, очик қўл эди (ҚБН, 42; 9а1). Ушбу байтда Пайғамбар (с.а.в.)нинг фазилатлари тараннум этилган бўлиб, мисраларда қўлланган синонимлар уларнинг сифатларини янада ёрқинроқ ифодалаб беришга хизмат қилган. Байтдаги *tüzün* – *alčaq* синонимик қатори Пайғамбар (с.а.в.)нинг “тўғри”, “мулойим”, “юмшоқ”, “хушмуомала” табиатини акс эттиришга хизмат қилган. **Tüzün** туркий сўз бўлиб, семантик жиҳатдан “тўғри” маъносидаги *tüz* сўзига боғланади. Инсон табиатидаги тўғрилиқ унинг ёлғон гапирмаслиги, Аллоҳ каломида айтилган инсонийлик қонун-қоидасига амал қилиш даражасини ифода этади. *Tüz* ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайди, халқ дostonлари матнларида, айрим шеваларда учрайди (ЎТИЛ, IV, 179).

*Alčaq – uwutluḡ – bayirsaq – aqi – keḡ elig* синонимик қатори Пайғамбар (с.а.в.)нинг “андишали”, “меҳрибон”, “саховатли”, очик қўл” каби сифатларини ёритишга хизмат қилган. Бу синонимик қатордаги *bayirsaq – aqi – keḡ elig* сўзлари ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолдан чиққан.

<sup>1</sup> Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф.–Т., 2017. –Б.17.

*Uwutlu* ясамаси фонетик ўзгариш билан ишлатилади: *уятли, андишали*. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, байтдаги *qilinč* сўзи ҳозирги ўзбек тилидаги *қилиқ* сўзига мос келади. Қадимги туркий тил ва эски туркий тилда б маъно касб этган бу сўзнинг семантик кўлами торайган бўлиб, уч маънода қўлланади: 1. Кишининг юриш-туришидаги, бошқалар билан муомаласидаги ўзига хос ҳаракатлари, хулқ-атвори. 2. Ғайритабиий ёки ножўя иш, ҳаракат, одат ва ш. к. 3. Умуман, кишининг одати, расми (ЎТИЛ, V, 290). «Қутадғу билиг» матнидан маълум бўладики, *qilinč* шахснинг “қилиқ”ларидан келиб чиқувчи, унинг феъл-атвори, табиати, хулқи билан белгиланувчи “характер” маъносини ҳам билдирган. *Qilinč* сўзининг ушбу маъноси ўрнида ҳозирги ўзбек адабий тилида юнонча *характер* (ЎТИЛ, IV, 384), арабча *табиат* (ЎТИЛ, III, 626) сўзлари ҳам қўлланади. Ҳозирда истеъмолдан чиққан *bayirsaq* ўрнида форс-тожикча *меҳрибон* (ЎТИЛ, II, 588) сўзи ишлатилади. XIV аср Хоразм манбаларида ҳам қўлланишда бўлган (СУЯ, I, 49) *alčaq* сўзи кейинчалик бутунлай истеъмолдан чиққан.

Халифалар тавсифида ҳам синонимлардан ўринли фойдаланилган: *Ali erdi munda basaqi talu, kūr ersig yüräklig meñäsi tolu* – Бундан бошқа сараси Али эди, кўркмас, ботир, юракли, ақли тўла эди (ҚБН, 56; 9b2). Байтда синонимик қатор ҳосил қилган **kūr – ersig – yüräklig** сўзлари халифа Али сифатларини ёритишга хизмат қилган. *Kūr* “кўркмас, жасур” маъносини англаган: *Ersig* сўзи *er* асосидан ясалган бўлиб, эрлик, мардлик хусусиятларини мужассам этган шахс сифатини билдирган. *Yüräklig* “ботир, шавкатли” сифатини ифодалаган. “Юракли” деганда кўчма маънода “бардошли, бақувват юракка эгалик” тушунилади. Бундай юрак ҳар нарсага “ёрилмайди”. *Yüräk* ҳозирги адабий тилда ишлатилади, аммо ундан ясалган *yüräklig* сифати ишлатилмайди, бу сўзнинг антоними бўлган *Yüräksiz* қўлланади (ЎТИЛ, V, 88). «Қутадғу билиг»даги *yüräklig* сўзининг маъноси ҳозирги *довюрақ* (ЎТИЛ, I, 634) лексемаси орқали ифодаланади.

«Кутадғу билиг»да мансабдор шахслар хусусиятларини ифодалашда ҳам синонимлардан унумли истифода этилган. Жумладан, асар қахрамони Ойтўлдининг хусусиятлари ёритилганда, унинг ҳар бир ишни ўйлаб, шошмасдан бажариши тасвирланган:

*Bu Aytoldi oldurdı aqru amul, közin yerkä tikdi taruttı köñül* – Ойтўлди оҳиста, эҳтиёт билан ўлтирди, кўзини ерга тикди, юраги сиқилди (ҚБН, 754; 33b8). Байтдаги **aqru amul** жуфт сўзи “аста-секин”, “эҳтиётлик билан” маъноларини билдириб, ўзаро синонимлик ҳосил қилган. “Девону луғотит турк”да “секин; ўта секин; эҳтиёт, секингина” маъносида *aqru-aqru* такрор сўзи ишлатилган (ДЛТ, I, 137). “Девону луғотит турк”да *amul* сўзига кўйидагича таъриф берилган: ҳар бир тинч ва барқарор, турғун, қимирламайдиган нарсага *amul* дейилади. Шунга кўра юмшоқ феълли кишилар ҳам *амул* дейилади (ДЛТ, I, 104).

**Sewinč – küwänč – awinč** “севинч, қувонч” сўзларидан синонимик уя ҳосил қилинган: *Sewinčin awinčin küwänčin eli, ašasu yašasuni Luqman yili* – Севинч, овинч, қувонч, билан эли Луқмон ёшин яшасин (ва) ошасин (ҚБН, 119;11b8). *Sewinč–küwänč–awinč* сўзлари восита келишигида *sewinčin* (sev=) – *küwänčin* (küwä= ишонмоқ, севинмоқ) – *awinčin* (awin= “шодланмоқ”) шаклида келиб, “севинч билан, қувонч билан” маъноларини ифодалаган ва шахс ҳолатини тасвирлаган.

Тўғрилиқ, ростлик сифатларини белгилашда *köni – čin* – “тўғри, рост” синонимларидан фойдаланилган: *Taši-ol içi-ol içi-teg taši, bu yanliḡ bolur-ol köni čin kiši* – Ичи сиртидек, сирти эса ичидек, тўғри, рост киши мана шу янглиғ бўлади (ҚБН, 848; 37a8). Бу ўринда *köni – čin* сўзлари “тўғри ва рост сўзловчи киши” бирикмасидаги сифатлар ҳисобланган. Кейинчалик жумла эллипсисга учраб, *сўзловчи* сўзи тушиб қолган ва *köni čin kiši* бирикмаси шаклланган. *Taši-ul içi – ul içi-teg taši* “ичи сиртидек, сирти эса ичидек” деганда матн прессуппозициясида “сўзлаш, ичидагини, фикр-у хаёлини маълум қилиш” мазмуни ётади. Кейинчалик, *köni – čin* сўзлаш шахс феъл-

атворини билдирувчи, унинг фаолиятини баҳоловчи сифатлашга айланган: *köni çin kişi*. *Köni* қадимги ва эски туркий тилда “тўғри, рост” маъноларини билдирган (ДТС, 315). Ҳозирги кунда бу сўз истемолдан чиққан. *Çin* сўзи эса “ҳақиқий, рост, тўғри” маъносида сақланиб қолган (ЎТИЛ, IV, 487). Асарда *köni tüz* жуфт сўзининг ҳам “тўғри, ҳақиқий” маъносини ифодалагани кузатилади (ҚБН, 63-3).

“Беқарор, бевафо” маъноларини билдирган **yayü**– **bevafa** сўзлари ҳам синонимлик ҳосил қилган. *Valekan yayü- sen öziñ bevafa, vafa körgitür- sen qilir-sen şafa* – Ва лекин сен беқарорсан, ўзинг бевафо, вафога ваъда айлаб, жафо қиласан (ҚБН, 703; 32а3). Юсуф Хос Ҳожиб бу сўзларни “мол-дунё, давлат”га нисбатан қўллаган ва унинг ўткинчи, бевафолигига ишора қилган. *Yayü – bevafa* синонимик қаторидаги *yayü* туркий сўз бўлиб, “ёйилмоқ” маъносидаги *yau*= феълидан ҳосил қилинган сифат ҳисобланади.

Бу синонимик қаторда семантик фарқланиш ҳам кузатилади. Масалан, *yayü – bevafa* синонимик қаторидаги *yayü* лексемаси шахсга нисбатан “беқарор” маъносида қўлланган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида нарсаларнинг ёйиқ ҳолатига нисбатан белги билдирувчи сўз сифатида ишлатилади (ЎТИЛ, II 30).

**Utunluq (utun+luq) – biwaliq** сўзлари “тубанлик, қўполлик, пасткашлик” маъноси билан ўзаро синонимлик ҳосил қилган: *Utunluq biwaliq yawaliq qamu, esizlar qilinçi bolur ay yulu* – Тубанлик, пасткашлик, беҳудалик барчаси, ёмонлар қилиғидир, эй фидойи (ҚБН, 918; 40а2). Бу ерда *utunluq* “тубанлик, қўполлик” ва *biwaliq* “пасткашлик” инсондаги салбий хусусиятлар эканлиги, ёмонларга берилган жазо эканлиги таъкидланган.

**Buşaqliq (buşaq+liq) – öwkä** “қаҳр, ғазаб” маъносини англатади: *Buşaqliq bilä erkä öwkä yawuz, bu ekki bilä tutçi emgär et öz* – Қаҳр билан ғазаб киши учун ёвуз душмандир, бу иккаласи билан жон доим азият чекади (ҚБН, 326; 19а3). Биринчи мисрадаги *buşaqliq – öwkä* “қаҳр, ғазаб” сўзлари шахснинг салбий белги-хусусиятини ифодалайди. Маҳмуд Кошғарийда *öpkä*

сўзи “ғазаб” маъносида келган. Унинг шундай айтилишига сабаб ғазабнинг ўпкада пайдо бўлишидир. Бу сўзнинг шу маънода қўлланиши сўзнинг пайдо бўлиш ўрнига кўра келиб чиққан (ДЛТ, I, 148).

**Асардаги синонимларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати.** «Қутадғу билиг» даги синонимлар туркий тилларнинг бадий имкониятларини тўлиқ ифодалаш имконияти билан ҳам қимматлидир. Давр ўтиб бориши билан тилнинг луғат қатламида, табиийки, ўзгаришлар содир бўлади. Асар яратилган даврдан ҳозирга қадар синонимларнинг структур ва семантик тизимида юз берган ўзгаришлар қиёслаш, таққослаш жараёнида маълум бўлади. Достон матнидаги синонимлар ҳозирги ўзбек адабий тилидаги синонимик қаторларга қиёсан таҳлил қилинди. Муқояса жараёнида куйидагилар маълум бўлди.

«Қутадғу билиг»да қўлланган синонимларнинг истеъмолдан чиқиши лисоний ва нолисоний омиллар билан белгиланади. Лисоний омиллар тилнинг ички жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, сўз семантикасидаги ўзгаришлардан келиб чиқади. Семантик таркибнинг торайиши оқибатида муайян лексемаларнинг истеъмолдан чиқиши кузатилади. Нолисоний (экстралингвистик) омиллар янги воқеликнинг содир бўлиши, бошқа тиллар, жумладан, форс-тожик, араб ва ҳ.к. тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида юзага келади. Айрим синонимик қаторлар ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик ўзгаришлар билан қўлланади. Фонетик ўзгаришлар тилнинг товуш тизими тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, сўз маъноси ва мазмунга, деярли, таъсир қилмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланадиган синонимлар ҳам ўзаро фарқланади. «Қутадғу билиг» матнидаги синонимик қаторлардан айримлари ҳозирги кунга қадар истеъмолдан чиққан; *yaratyan – törütgän, küir – ersig – yüräklig, telwa – munduz, mal – tawar* каби. Фонетик тузилишида муайян ўзгаришлар билан бугунги кунимизгача етиб келган: *sewinč – küwänč* “севинч, кувонч” сингари синонимик қаторлар кам учрайди.

## Антонимия

Антонимлар инсон фаолиятидаги энг муҳим ахлоқий қарашлар умумлашмасини ифодалашда, фикрни таъсирчан, мазмунни теран ёритишда қулай восита саналади. Зид маъноли сўзлар доимо икки қарама-қарши аъзодан иборат бўлади. Адабиётшуносликда тазод санъати антонимларнинг бадиийлик хусусиятини белгилаб беради. Тазод санъати зид маъноли сўзлар асосида яратилган кучли эмоционал-экспрессив ва услубий воситадир. Тазодни адабиётшуносликка оид луғатларда баъзан антитеза<sup>1</sup> деб ҳам атайдилар.<sup>2</sup> «Қутадғу билиг»да фикр ва ҳиссиётларни яққол ифодалаш, қиёсий тавсиф беришда антонимлардан моҳирлик билан кенг фойдаланилган.

“Юсуф Хос Ҳожиб асарда бадиий нутқининг ифодалилиги, эмоционаллиги, таъсирчанлигини оширишда антонимлардан моҳирона фойдаланган. Бир-бирини инкор этувчи, семантик парадигманинг турли кутбларида жойлашган тушунчалар антонимлар ёрдамида қарама-қарши кўйилади. Натижада, матннинг бадиий-эстетик қиймати кучаяди”.<sup>3</sup>

Достон тилидаги антонимларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) бир антоним жуфтликдан иборат антонимлар;
- б) бир неча антоним жуфтликдан иборат антонимлар.

### Бир антоним жуфтликдан иборат бадиий тасвир воситаси

«Қутадғу билиг»да бир антоним жуфтликнинг зидланиши бадиий-эстетик таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

1. От антонимларнинг зидланиши асосида бадиий тасвир яратилган.

- а) мавҳум отлар антонимик жуфтлик ҳосил қилган:

**Sewünc̣ – saq̣inč̣** “севинч – қайғу” сўзлари антонимлик ҳосил қилган.

*Sewärin esän tut yaγiṣin kötür, sewünč̣in bolu tüt saq̣inč̣in qorur* – (Унинг)

<sup>1</sup> Келдиёрова Г. Ўзбек бадиий нутқида антитеза: Филол. фан. номз....дисс.–Т., 2000. Исабеков Б. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Т.: 1973.

<sup>2</sup> Тўлаганова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили. Филол. фан. номз....дисс. автореф.–Т., 2008.

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ. “Қутадғу билиг” матнида бадиий актуаллашган лексик воситалар хусусида// Стилистика ва прагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2010. 4-5 июнь.–В. 49; шу муаллиф. Илк эски туркий тилдаги антонимлар // Тилшуносликнинг долзарб масалалари V.– Т., 2010.–Б. 59-65.

севувчиларини эсон тут, ёвларини ўртадан кўтар, севинчини бор қилавер, қайғусини кўтар (ҚБН, 113; 1162). Ушбу байт Тавғач Буғро Қорахонга бағишланган бўлиб, унинг сифатларини беришда антонимлардан ўринли фойдаланилган. Байтда ҳукмдорга хизмат қилувчиларнинг “севинчини бор қилавер, қайғусини узоқлаштир”, деган маъно ифодаланган. *Sevinč va saqinc* жуфтлиги<sup>1</sup> инсонга хос қарама-қарши туйғуларни акс эттиришга хизмат қилади.

б) ўрин - жой отлари антонимик жуфтлик ҳосил қилган:

**Усмақ** – **tamu** “жаннат” – “дўзах” маъноларини билдириб, антоним жуфтликни ҳосил қилган: *Eki ew yaratti bu xalqqa qamu, biri ati usmaq birini tamu* – Бу жамики халққа (Худо) икки уй яратди, бири (нинг) оти жаннат, бириники – дўзах (ҚБН, 3597; 134a13). Кишилар инсон ўлганидан кейин унинг руҳи учиб кетишига ишонганлар ва жаннатни шу ном (усмақ) билан атаганлар. Инсоннинг охир-оқибат борадиган жойи – жаннат ёки дўзахлиги таъкидланган. Руҳнинг улардан қайси бирига тушиши эса инсонларнинг қилган амаллари билан белгиланган. Байтда *usmaq* ва *tamu* уйга қиёс қилинган. Кишилар ўз уйларида бўлгандагина ором топадилар. Шу боис инсоннинг қайси “уй”га бориши ва у ерда қўним топиши унинг ўзига, амалларига боғлиқлиги айтилган. Маҳмуд Кошғарий луғатида “жаннат” *usmaq* (ДЛТ, I, 141) “дўзах” *tamu* (ДЛТ, III, 252) орқали ифодаланган. Алишер Навоий асарларида *tamu* лексемаси “жаҳаннам, ўт, олов; ишқ ўти” маъноларини ифодалаган (АНАТИЛ, III, 177).

“Ичкари” – “ташқари” маъносини англатувчи **ич** – **taš** ўрин-жой отини билдирувчи сўзлар антонимик жуфтликни ҳосил қилган: *Qilu bersä erdi meniñ işlärim, körü bersä erdi içim tašlarim* – Менинг ишларимни қилаверса, *ич* ва *tam* (сир-асрорларим ва мақсадлар)имни кўра ва била олса эди (ҚБН, 417; 22a9). Ушбу фикр Кунтуғди элиг тилидан хос кишининг хислатлари

---

<sup>1</sup> Антонимларнинг синонимларга ўхшаб қаторга эмас, жуфтликка бирлашиши хусусида қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси.– Т.: Мумтоз сўз, 2010. –Б. 217-220.

тўғрисида айтилган, *ič* “сир-асроп”, “мақсад”ни ифодаласа, *taš* сўзи “фаолият”ни билдирган. Яъни садоқатли кишилар ҳукмдорнинг ички ва ташқи мақсадларини кўра билиши ва унинг сирларини сақлай олиши зарур, деган фикр илгари сурилган.

**Оғ** – **sol** “ўнг-чап, сўл” сўзлари антонимлик ҳосил қилган: *Bu eδgü oғ-ol kör esizlik sol-ol, soluñdin tamu ornï uštmah oғ-ol* – Эзгу(лик) ўнгдир, кўргин, ёмон(лик) эса сўлдир, сўлингда дўзах ўрни, жаннат ўнгингдадир (ҚБН, 904; 39a3). Бу ўринда эзгулик ва ёвузлик ўнг ва сўлга қиёс қилинган. Байтдаги ўнг ва чап томонга муносабат халқнинг урф-одатлари, анъаналари билан боғлиқ. Биламизки, ўзбек халқида барча хайрли хатти-ҳаракатлар ўнг томон билан боғлиқ. Жумладан, ўнг томонга қараб ухлаш, ўнг қўлда овқат ейиш, бирор жойга борганда ёки уйга кирганда ўнг оёқ билан хатлаб ўтиш каби. Шунинг учун ёзма манбаларда ҳам ўнг томон хайрли, деб баҳоланган.

“Пойга, остона” – “тўр” маъносидаги **el//il –tör** сўзларининг антонимик жуфтлик юзага келтиргани кузатилди: *Qalï bilgäkä tegsä ildä orun, ul il boldï tördä taqï keδ törün* – Агар донога пойгадан ўрин тегса, бу пойга тўрдан ҳам тўрроқ бўлади (ҚБН, 260; 16b10). Байтда антонимлар воситасида “...доно ва идрокли киши қаерда ўтирмасин, пойгадами-тўрдами, унинг ўрни доимо юқори туради. Шунинг учун ҳам донога пойгадан ўрин тегса ҳам у пойга эмас, тўр бўлади”, деган мазмун ифодаланган. *Tör*да “хурмат”, “эътибор”, *el//il*да “пастлик”, “одмилик” семалари мужассамланган. Ҳозирги адабий тилда “пойга, остона” маъносидаги *el//il* сўзи қўлланмайди. *Tўр* сўзи эса ҳозирда ишлатилади (ЎТИЛ, IV, 244);

д) пайт отлари антонимик жуфтлик ҳосил қилган:

**Tün** – **kün** “тун – кун” маъносидаги пайт оти антонимлик ҳосил қилган: *Qarañquda erdim yaruttï tünüm, tünär-tegdä erdim tuγurdï künüm* – Қоронғуда эдим, тунимни ёритди, зулматга кираётгандай эдим, кунимни туғдирди [яъни рўшнолик берди] (ҚБН, 377;20b11).

2. Сифат лексемалардан тузилган антонимик жуфтлик бадий ифода воситаси сифатида кўп учрайди:

**Munluу** – **munъsuz** “мунгли – мунгсиз” сифатлари антонимликни юзага келтирган: *E munъsuz idim, sen bu munluу quluу, suуurqab keчiürgil yazuqin qatuу* – Эй, мунгсиз Эгам, сен бу мунгли қулингни, ёрлақаб, барча гуноҳларини кечиргин (ҚБН, 27;8a14). Байтда қўлланган *munъsuz* ва *munluу* зидланиши орқали одамзоднинг доимо ташвишда яшаши, гуноҳкор экани кўрсатилган. Мисраларда қўлланган зид маъноли сўзлар сифат ясовчи кўшимчалар орқали ясалган. Қадимги туркий тилдаги сифат ясовчи *-suz* ва *-luу* кўшимчалари ҳозирги адабий тилда *-siz* ва *-ли* шаклида ишлатилади.

“Эгри” ва “тўғри” маъноларидаги **egri** – **köni** сўзлари антонимик жуфтликни ҳосил қилган: *Eki neу bilä elçi beglik buzар, kirür egri yolqa könidin azар* – Эл бошлиғи икки нарса билан бекликни бузади, эгри йўлга киради, тўғри (йўл)дан озади (ҚБН, 1989; 78a16). Ушбу байтда *egri* ва *köni* жуфтлиги *yol* сўзининг аниқловчиси бўлиб келган. *Egri yol* бирикмаси рамзий маънода мақсадга номувофиқ, инсонни разолатга, тубанликка бошлайдиган йўлни англатса, *köni yol* “тўғри, ҳақиқий йўл” инсонни юксакликка кўтаради, уни маънавий комиллик сари етаклайди.

**Uzun** – **qisъa** “узун – қисқа”: *Yaši qisъa esiz ökünçün qarir, uzun yašliу edgü ökünçsüz yorir* – Ёмоннинг ёши қисқа, у ўкинч билан қарийди, эзгунинг ёши узун, у доим ўкинчсиз юради (ҚБН, 342; 19b4). Байтда ёш, забардаст киши, агар ёмон бўлса ўкинч билан қариши, инсон яхши бўлса, қанчалик кекса бўлса ҳам, ўкинчсиз юриши айтилган. *Ökünçlüг* – *ökünçsüz* сўзлари ҳам семантик зидликни юзага келтирган.

3. Асарда равишга оид лексемалар жуфтлашиши асосидаги антонимлар услубият учун хизмат қилган:

**öу** - **keд** сўзлари “азал ва охир” маъноларини ифодалаб, ўзаро антонимлик ҳосил қилган. Қуйидаги байтда бу зидланиш орқали Яратганнинг ягоналиги, аввали азал ва охир эканлиги ифодаланган: *Aуa bir*

*birikmäs seňä bir adın, qatıy ašnuda-sen sen öñdiün kedın* – Эй, ягона (Худо), бўлак бирор (нарса) Сенга бирика олмайди, Сен ҳамма аввалларнинг аввали азал ва охирдирсан (ҚБН, 7б7)

**Az – üküš** сўзлари “оз ва кўп” маъноларини билдиради: *Etiglig az edgü üküštä kökü, telim tüšti artaq üküš sü bilä* – Тартибли оз яхши кўпдан кўра, кўп лашкар билан кўп бузуқликлар содир бўлади (ҚБН, 2304; 89а8). Байтда антонимларнинг қўлланиши орқали маъно кучайтирилган бўлиб, “оз ва тартибли киши пала-партиш ва тартибсиз кишилардан яхшироқдир”, деган фикр илгари сурилган. Асар муаллифининг бу байтидаги ғояси Амир Темурнинг қуйидаги қарашларида ўз ифодасини топган: “Ишбилармон мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”.<sup>1</sup>

#### **Бир неча антоним жуфтлик орқали бадий тасвир яратиш**

Юсуф Хос Ҳожиб дoston бадийлиги ва таъсирчанлигини таъминлашда антонимлардан кенг фойдаланган. Манбада икки ва ундан ортиқ антонимик жуфтликларнинг зидланиш ҳодисасини моҳирона кўрсатишни уддалаган.

**Beg – qul** “ҳукмдор – хизматчи”; **edgü – esiz** “яхши – ёмон” жуфтликлари антонимликни юзага келтирган: *Keräk beg keräk qul ya edgü esiz, özi öldi ersä atı qaldı iz* – Хоҳ бег, хоҳ қул, ё эзгу, ёмон (бўлсин), ўзи ўлган бўлса, отидан из қолади (ҚБН, 232; 15б10). Инсон ким бўлишидан қатъий назар, бой, камбағал, яхши ёки ёмон бўлсин, унинг ортидан қоладигани бу – одамларнинг у ҳақидаги қарашларидир. Кишидан қандай ном қолиши эса унинг ўзига боғлиқ. Ушбу байтда *beg – qul; edgü – esiz* жуфтлиги ўзаро антонимлик ҳосил қилган ва таъсирчан ифодага хизмат қилган.

**Süçüg– ačıy** “ширин – аччиқ”; **tiriglik – ölüm** “тириклик – ўлим”: *Süçüg bu tiriglik ačıy bu ölüm, anundi qanı emdi qačıy yolun*– Тириклик ширин, ўлим

<sup>1</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур ўғитлари.–Т: Ўзбекистон, 2007. –Б.3.

аччикдир, ўлим менга қасд қилди, кани энди қочадиган йўлим (ҚБН, 1156; 49а4). Бу ўринда *süçüg* va *açiy* сўзлари кўчма маънода қўлланган. Тириклик – *süçüg* “ширин”, ўлим – *açiy* “аччиқ” сифатлари билан изоҳланган. *Süçüg* сўзи ҳозирги ўзбек тилида *чучук* шаклида ишлатилади.

**Tatiy** – **tatıysız** “тотли, мазали”, “тотсиз, мазасиз”; **süçüg** – **açiy** “ширин – аччиқ”: *Tatıy qayda ersä tatıysız bilä, açiy, süçüg qayda ersä soñında açiy* – Ширин қаерда бўлса, бемаза биландир, чучук қаерда бўлса, сўнгида аччиқ бўлади (ҚБН, 3529; 132а5). Ушбу байтда ҳам антонимик жуфтликлар ёрдамида борликдаги қарама-қаршилиқлар ифодаланган. *Ширин* қаерда бўлса, *бемаза* билан бирга бўлади. *Tatıy* сўзининг асоси *tat=* сўзи бўлиб, “бирор нарсанинг мазасини кўрмоқ” маъносини ифодалайди. Қадимги туркий тилда *-i(γ)* сифат яшовчи кўшимчаси ҳозирги *-ли* кўшимчасининг тарихий шаклидир.

**Kedin** – **öñ** “кейин –аввал”; **oñ** –**sol** “ўнг –сўл”; **ast** – **ust** “ост –уст”: *Kedin öñdün ermäz ya soldin oñun, ya astin ya üstün ya oturu orun* – Кейин ҳам, аввал ҳам, сўлдан ҳам, ўнгдан ҳам эмасдир, остдан ҳам, устдан ҳам эмас, ўтириш ўрни ҳам йўқдир (ҚБН, 17; 8а4). Байтда бирдан ортиқ антонимик жуфтликлар муаллиф фикрининг ёрқин ва таъсирчан ифодасини таъминлаган.

**Inigli** – **ayıyli** “йиқилган –кўтарилган”; **yaruyli** – **tünär** “ёришган – қоронғулашган”; **yorıyli** – **tınär** “юрган – тинган”: *Inigli ayar-ol ayıyli inär, yaruyli tünär-ol yorıyli tınär* – Йиқилган кўтарилади, кўтарилган йиқилади, ёришган қоронғулашади, юрган тинади (ҚБН, 1035; 44b10). Ушбу байтда барча сўзлар антонимлик ҳосил қилган.

**Ayış** – **iniş** “юксалиш-пасайиш”, **eđiz** – **batıy** “баландлик-пастлик”; **sevinč** –**saqinč** “севинч –алам”, **açiy** – **tatıy** “аччиғ – чучук”: *Ayışqa iniş ol eđizkä batıy, sewinčkä saqinč-ol açiyqa tatıy* – Юксалишнинг пасайиши, баландликнинг пастлиги, севинчнинг алами, чучукликнинг аччиғи бўлади (ҚБН, 1073). Юқоридаги байтда “дунё қарама-қаршилиқларини ифодалашда

антонимлардан моҳирона фойдаланилган ва юксалган киши бир кун келиб, албатта, пастлашади. Зеро, баланднинг пастси бор, севинчининг алами, чучукнинг аччиғи бўлади”, деган фикр таъсирчан ифода этилган.

**Biliglig – biligsiz** “билимли-билимсиз”; **bay – čīyay** “камбағал – бой”; **uqušluγ – uqušsuz** “уқувли-уқувсиз”: *Biliglig biligsiz, čīyay bar ya bay, uqušluγ uqušsuz utun bar gaday* – Билимли, билимсиз, қашшоқ ва бой бор, уқувли, уқувсиз, ночор ва гадой бор (ҚБН, 1889; 75a2). Бу дунё манзарасида турли хил тоифадаги инсонларни учратиш мумкин. Улар орасида билимли ҳам, билимсиз ҳам, қашшоқ ва бой ҳам, уқувли ва уқувсиз, ночор ва гадолар ҳам мавжуд. Бу антонимик жуфтликлардан *čīyay* сўзи ҳозирги адабий тилда қўлланмайди.

«Кутадғу билиг»даги лексемалар парадигмасида қарама-қарши маънолар *-luq/-lük/-luγ/-lūg//-lūq/-lik, -suz/-süz//-sīz/-siz* ва *-saq* морфологик воситалари орқали реаллашган: *biliglig* “доно, ақлли” – *biligsiz* “илмсиз, ақлсиз”, *uqušluγ* “заковатли” – *uqušsuz* “бефаросат”, *uruγluγ* “таг-тубли”, *uwutluγ* “уятли, андишали” – *uwutsuz* “уятсиз, андишасиз”, *bayīrsaq* “раҳмдил” – *bayīrsiz* “бераҳм” ва ҳ.к.”<sup>1</sup>

Асарда муаллиф маҳорати билан боғлиқ шартли антонимлар қўлланганки, улар тазоднинг бадиий мукамаллигига хизмат қилган. Масалан, муаллиф *адолат* ва *зулмни* қарама-қарши қўяди ҳамда уларни, маълум маънода, зидлик ҳосил қиладиган *ўт* ва *сув* тушунчаларига қиёслайди: *Törü suw teg-ol küč ot teg yuduy, süzüg suw aqittin oditti otuy*– Адолат (сиёсат) сувдек, зулм эса ўтдек офатдир, зилол сув оқиздинг, (у)ўтни ўчирди (ҚБН, 3068; 115a11). Байт мазмуни: “Ҳукмдорнинг юритадиган адолатли сиёсати халқ учун сувдек бўлади. Агар ҳукмдор зулмкор бўлса, унинг зулми халқ учун ўтдек бўлади. Ҳукмдор адолат қилиб ўтни ўчирмоғи зарур”.

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. “Кутадғу билиг” матнида бадиий актуаллашган лексик воситалар хусусида// Стилистика ва прагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2010. 4-5 июнь.–Б. 50.

*Bodum erdi oq-teg köñül erdi ya, köñül qilyu oq-teg bodum boldi ya* – Қаддим ўқдек (тўғри), кўнглим эса ёй(дек шай) эди, кўнгил орзулари хануз ўқдек, (лекин) қаддим ёй бўлди (ҚБН, 365; 20a14). Ушбу байтда ўқ ва ёйнинг шаклидан “тўғри” ва “эгри” семаларини ифодалаш учун фойдаланилган. *Oq* “ўқ” ва *ya* “ёй” ўзаро антонимлик ҳосил қилган. Ёшлиқда инсон қадди ўқдек тўғри бўлади. Инсон қариганидан сўнг эса кўнгил орзулари ўқдек тўғри бўлса ҳам, қадди ёй бўлади. Адиб бу ерда ёшлиқни, куч-шижоатли даврини қад мисолида ўққа, кўнгилни эса ёйга ташбеҳ беради, аммо йигитлик қариллик билан ўрин алмашгач, кекса дил орзулари ҳамон илгаридай жўшқинлигини, бироқ бу орзу-истакларни амалга ошириш мушкуллашлигини образли тарзда ифодалаган. Қаднинг ёйга ўхшатилиши замирида қаҳрамоннинг машаққатли ҳаёт гирдобидида қолганлигига ишора ётади.

Антонимлар тушунчаларни зидликда қўллаб, маъно-мазмунни таъсирчан, бадиий тарзда етказиш воситасидир. Сўз санъаткорлари ана шундай антонимияни юзага келтириш билан фикр ифодалилигини ва таъсирчанлигини таъминлайдилар<sup>1</sup>. «Қутадғу билиг» матнида қўлланган антонимлар бўёқдорликни оширишга, мазмунни таъсирчан акс эттиришга, масаланинг моҳиятини яққол ёритиб беришга хизмат қилган.

**Антонимларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати.** «Қутадғу билиг» матнидаги антонимлар жуфтлиги ҳозирги ўзбек адабий тилида (баъзан фонетик ўзгаришлар) билан қўлланади: *žafa qilyuci -vafa qilyuci, süčig-acïy, ič-taş, tiriglik-ölüm* ва ҳ.к.

Бир қанча антонимик қаторларда жуфтликларнинг бири истеъмолдан чиққан. Иккинчиси ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилади: *sewinč-saqinč, egri – köni, az – üküš, bay – čiyay* каби. Антоним жуфтликларнинг истеъмолдан чиққан қисми архаизмга айланган.

---

<sup>1</sup> Абдурахмонов Х. Махмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т.:Fan,1981. –В.15 .

### 3.5. Парафразалар услубияти

Парафразалар нарса, воқеа-ҳодисаларнинг иккинчи номи ҳисобланади. Парафразалар, тасвирий ифодалар от туркумидаги сўзлар билан ифодаланиб, образлилик учун хизмат қилади. Тасвирий ифода – нарсани аниқ атамай, тасвирлаш учун қўлланган сўзлар қўшилмаси.<sup>1</sup>

«Қутадғу билиг»да қўлланган парафразаларда, асосан, табиат ҳодисалари, нарса-буюмлар акс эттирилган.

Достон байтларида “зулмат” **qara zāngi** “қора ҳабаш” парафразаси орқали ифодаланган. *Belirläb idündi kötürdu başın, qara zañi qilmış yüzini ešin* – Чўчиб уйғонди, бошини кўтарди, қора ҳабаш юзини пардалабди [яъни зулмат кетиб тонг ёриша бошлабди] (ҚБН, 3247; 121b12). Зулмат, яъни туннинг қоралиги унинг қора ҳабашга қиёсланишига асос бўлган. Бунда муаллиф гўзал бадийлик намунасини юзага келтирган. Байтда туннинг куюқлиги, қорадан ҳам қоралиги ифодаланган. Қора ҳабашнинг ранги, табиийки, қора бўлади. У юзини пардаламаса, қоралигича қолаверади. Муаллиф тун ўрнини тонг эгаллашини қора ҳабашнинг юзини ниқоблашига, оқ упа суришига тенглаштирган. Кейинги давр адабиётида, хусусан, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур ижодида “қора” семасини ифодалаш учун *занги* сўзи билан бир қаторда *ҳинду* сўзи ишлатила бошлади.

Асарда қуёш “**румий қизи**”, “**сата қалқани**” каби тасвирий ифодалар билан тавсифланган: *Toma turqu qalqan kötürdi uşun, yaruq yüz küllär-teg yarudi aʒin* – Гердак заррин қалқон [яъни қуёш] қаддини кўтарди, кулувчи чиройли юз каби (бўлиб) олам ёришди (ҚБН, 3249; 121b14). Ушбу байтда *torqu qalqan* “заррин қалқон” дейилганда қуёш назарда тutilган. *Заррин қалқон* парафразасида ранг-тус, шакл белгиси асос қилиб олинган. Зарнинг ранги сариқ бўлади. Қуёш нурларининг ранги ҳам сариқ. Унинг қалқонга ўхшатилиши доирасимон шаклига асосланади. Юқоридаги байтда парафраза билан биргаликда тасвирий воситалардан бири бўлган жонлантириш ҳам

<sup>1</sup> Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг қисқача изоҳли луғати.–Toshkent, 2010.

кўлланган. *Торқу қалқан* “заррин қалқон”, яъни қуёшнинг бош кўтариши жонлантириш санъатининг ташхис турига мисол бўлади. Бунда инсон ва ҳайвонларга хос бўлган ҳаракатнинг қуёш тимсолида ифодаланганлигини кўришимиз мумкин.

Достон байтларида қарилик **quyu teg örün** “оққуш туси” парафразаси орқали ифодаланган. *Qayu başqa kirsä quyu qirtisi, quyu- teg örün qilyu köñlin kişi* – Қайси бир бошга оққуш туси кирса (ўрнашса), киши кўнглини оққуш каби оқ тутиши керак (ҚБН, 1087; 46b8). Биламизки, қариш инсонда турли хил белгилар билан содир бўлади. Улардан бири сочнинг оқариши ҳисобланади. Қарилик белгисини ифодалаш учун ҳам сочга оқ тутиши асос қилиб олинган. Байтда қайси бир кишининг бошига оққуш туси ўрнашса, яъни ким кексая бошласа, ўша киши кўнглини ҳам оқ тутиши лозим, деган маъно ифодаланган. Кекса одам ўзининг ёшига яраша ишлар қилиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Муаллиф қора қузғунни ёшликка қиёс қилган. Оқ қушни эса кексаликка ўхшатиб, сочнинг оқаришини **quyu qildi** “оққуш (туси) қилди” тасвирий ифодаси билан изоҳлаган: *Tegürdi menä elgi ellik yašim, quyu qildi quzyun tüsi-teg başim* – Эллик ёшим менга қўл тегизди, қора (қузғун) тусидек бошимни оқ (қуш) қилди [яъни сочим оқарди] (ҚБН, 359; 20a8). Ушбу байтда ёшлик ва кексалик жараёни юксак бадийлик билан ифодаланган. *Quzyun tusi* парафразаси “ёшлик”ни билдириб келган. Қарилик белгисини ифодалаш учун сочга оқ тутиши асос қилиб олинган. Соч қоралиги ёшлик белгиси сифатида олинган.

*Yaliñ yüzlüg erdim bütürdi saqal, qara quzyun erdim quyu qildi čal* – Яланғоч юзли эдим, соқол (битирди) пайдо қилди, қора қузғун эдим, оққуш [яъни чол] қилди (ҚБН, 1084; 46b5). Ушбу байтда ҳам “ёшлик” маъносидаги *qara quzyun* “қора қузғун”, “кексалик” маъносидаги *quyu qildi* “оққуш қилди” тасвирий ифодалари қўлланган. Қариганда сочнинг оқариш белгиси аллегория санъатига асос қилиб олинган.

Асарда қабристон **teriglik ešik** “териладиган эшик, тириклик эшиги” парафразаси орқали ифодаланган: *Et öznüñ ewi-ul teriglik ešik, süzük žan ewi ul edizlik yitik* – Жасаднинг макони териладиган эшикдир [яъни қабристондир], покиза рухнинг макони арши аьлодир (ҚБН, 1502; 61a2). Қабристоннинг эшикка қиёс қилиниши эса ўзгача маъно билан боғланади. Қабристон икки дунё орасидаги эшик ҳисобланади. Байтда инсон танасининг макони, яъни борадиган ери қабр ҳисобланиши, у фақат танага эгалик қилиши, рух эса арши аьлонинг мулки бўлиб қолиши ҳақида айтилган.

Касаллик **ölüm tutyaqı** “ўлим хабарчиси” парафразаси орқали ифодаланган: *Bu Ay Toldi halin ešitti Elik, ölüm tutyaqı ig tegürmiš elik* – Элиг Ойтўлдининг ҳолини эшитди, ўлим хабарчиси – касаллик унга чангал урибди (ҚБН, 1053; 45a15). Муаллиф бедаво дардга чалинган беморга, албатта, ўлим чангал солади, деб ҳисоблайди. Шу боис ҳам касалликни *ўлим тутгувчиси*, *ўлим хабарчиси* парафразалари орқали ифодалайди.

Юсуф Хос Ҳожиб фарзандни **köz yaruqı**, яъни “нури дийда”, “кўз нури” парафразаси орқали тасвирлайди: *Sen erdiñ meña köz yaruqı tügäl, barir-men seniñdin esän edgü qal* – Сен менинг ёлғиз нури дийдам эдинг, (энди) мен сендан кетаётирман, эсон, яхши қол (ҚБН, 1148; 48b9). Инсон ўз фарзандини кўз қароғига, ўзининг кўз нурига қиёс қилади. Инсоннинг энг нозик ва эҳтиётлайдиган аъзоси унинг кўзлари бўлгани учун фарзандни ҳам кўзи каби азиз ва мўътабар тутди.

Асарда кафанлик **iki böz** “икки энлик бўз” парафразаси орқали ифодаланган: *Qamuğ dunya bolsa birägükä tüz, tegir dunya ülgı seña ekki böz* – Барча дунё бир ерга жам бўлганда ҳам, сенга бу дунёдан икки энлик бўз насиб бўлади (ҚБН, 1222; 51b3).

«Қутадғу билиг»да қўлланган парафразалар кўпинча икки олам, охират каби тушунчаларни ифодалашда кенг қўлланади: *Yayılmaz yoriya kewäldin tüşüb, edarsiz yüyaç mingü muñluğ bolub* – Чарчамайдиган йўрға отдан тушиб, Мунгли бўлиб эгарсиз ёғоч от (тобут) минади (ҚБН, 1413; 58a3). Асарда

тобут “эгарсиз ёғоч от” парафразаси орқали ифодаланган. Юқоридаги байтда *yayılmaz yoriya* “чарчамайдиган йўрға от” дейилганда “тириклик” назарда тутилган.

Асарнинг, деярли, барча ўринларида инсоннинг обрўси **yüz suvi** “юз суви” парафразаси орқали ифодаланган. *Otunqa qatılma ey asli arıy, yüzünün suwin eltgä sendin arıy* – Тубанга аралашма, эй асли тоза, сендан юзингнинг сувини пок-покиза олиб кетади [яъни тубан сенинг обрўйингни тўкади] (ҚБН, 4185; 155а3). Истарали ва яхши хулқли инсонларга нисбатан эса “иссиқ юзли”, ”юзи сувли” каби шаклларда қўлланган. Асарда *yüzi süvlan*= ибораси “обрў қозонмоқ” маъносини ифодалаган. Қипчоқ шеваларида “бетини сувини беш тўкиб” деган ибора қўлланади. Бу иборада *бет суви* деганда “обрў, эътибор” назарда тугилади. *Беш* форсча-тожикча “ортиқ” маъносидаги *неш* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир.

Асарда турли соҳа вакиллариининг хусусиятларини очиб беришда парафразалардан ўринли фойдаланилган. Жумладан, шоирларга алоҳида эътибор берилган. Шоирлар, Юсуф Хос Ҳожиб наздида, кишиларга танбеҳ берувчилар ёки мақтовчилардир. Муаллиф шоирлар билан эҳтиёт бўлиб муомалада бўлиш кераклигини таъкидлаган. Шоирлар *söz tergüci* “сўз тергувчи” парафразаси билан номланган. Шоирларнинг қуроли сўздир. Улар сўз ёрдамида инсонни кўкка чиқарадилар, сўз ёрдамида бекларнинг обрўсини ерга урадилар. Шунинг учун ҳам бекларга шоирларга яхши эътибор кўрсатиш лозимлиги уқтирилган.

Асарда қуйидаги парафразалар ҳам келтирилган: *türkän quti* – “Буғро Қорахон”; *köz yüliü* – “кўз ёши”; *uluı küin* – “қиёмат”; *qara yer qati* – “қабр”; *qara yüz* – “хизматкор”. «Қутадғу билиг»да қўлланган парафразалар асар бадиийлигини оширишга, маънони янада ёрқинроқ ифодалашга, мазмунни теран ёритишга хизмат қилган.

### Учинчи боб юзасидан хулоса

1. «Қутадғу билиг» даги лексемалар денотатив маъно ифодалаш билан бир қаторда коннотатив маъноларда ҳам қўлланган. Асар тилидаги кўчма маънолар туркий тилларнинг семантик имкониятларини ёритишда, маъно торайиши, маъно кенгайиши ҳодисаларини таҳлил этишда аҳамиятлидир.

2. Коннотатив маънонинг ҳосил бўлиш усуллари метафора, метонимия, синекдоха билан боғлиқ бўлиб, асар бадииятини таъминлаган. «Қутадғу билиг» да метафоранинг муаллиф услубига хос кўринишлари кўп учрайди. Метонимия семемалар ўртасидаги алоқадорлик муносабатларини акс эттирган бўлса, синекдоха бутун-қисм муносабатларини намоён қилган.

3. Достонда ўзига хос кўчимлар қўлланган. Кўчимнинг энг кўп учрайдиган кўриниши ўхшатишдир. Достон матнидаги ўхшатишда бир нарса бошқа нарсага ўхшатилар экан, унинг асосий жиҳатлари қамраб олинган. Воқелик таъсирида образли ифода намоён бўлган. Асосан, - *teg, sani, -layu, -ol, -lug, -lig', oxšar* каби воситалар орқали ўхшатиш санъати яратилган. Бу воситалардан -*teg* орқали ҳосил қилинган ўхшатиш намуналари жами ўхшатишларнинг 60%ини ташкил қилади. Бу қўшимча ҳозирги туркий тиллар, хусусан, ўзбек адабий тилида фаоллигини сақлаб қолган.

4. Асар матнидан тўплаган 50га яқин синонимик қаторнинг асосий қисмини шахс феъл-атворини билдирувчи сўзлар ташкил этади. Бу ҳолат Юсуф Хос Ҳожибнинг шахс феъл-атвори, шахс руҳиятини яхши билгани ва уни мақсадга мувофиқ тасвирлай олганидан далолат беради. Асардаги синонимик қаторларнинг 90 %и туркий сўзлардан иборат. Шу жиҳатдан асар қадимги умумтуркий тил даврига хос сўзлар мужассамланган манба сифатида ҳам аҳамиятлидир. Айни чоғда ушбу статистик маълумот эски туркий тилда синонимиянинг қандай даражада ривожлангани хусусида мулоҳаза юритиш имконини беради. «Қутадғу билиг»даги синонимик қаторларнинг маълум қисми ҳозирда ўзбек адабий тили доирасида истеъмолдан чиққан, аммо шевалар таркибида сақланиб қолган. Бу ҳолат

шеваларнинг луғат бойлигини сақловчи асосий манба эканлигини таъкидлашга хизмат қилади.

5. Омонимлар таҳлили туркий тилларга хос омонимияни ёритишда, тажнис санъати, сўз ўйини намуналарини ўрганишда ўзига хос ўрин тутади. «Қутадғу билиг» даги омонимларнинг маълум қисми шартли бўлиб, табдилдаги график шаклларнинг тенг келиб қолиши асосида юзага келган.

6. Асардаги антонимик жуфтликлар фикрни қарама-қарши, зиддиятда, яққол оппозицияда ифодалаш усулларини таҳлил қилишда муҳимдир. «Қутадғу билиг» матнига хос жиҳатлардан бири икки-уч антоним жуфтликнинг бир байтда кетма-кет келиб, таъсирчанлик даражасини оширишидир.

Достондаги синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар, омонимлар бир қатор умумтуркий сўзларни ўрганиш, лексемалар тараққиётида юз берган фонетик, лексик, грамматик ўзгаришларни кузатиш, туркий тил, хусусан, ўзбек тилининг ифода имкониятлари ва бадиий тасвир воситаси сифатидаги қийматини ёритишда, «Қутадғу билиг» лексикасининг эски туркий тил, эски ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрнини белгилашда аҳамиятлидир.

## ХУЛОСА

«Қутадғу билиг» лексикаси бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. «Қутадғу билиг» лексикаси, асосан, туркий, шунингдек, арабча, форс-тожикча сўзлар ва бошқа тил элементларини қамраб олади. Асарда қўлланган лексик бирликларнинг 84%ини туркий қатлам ташкил этади. Бу миқдор эски туркий тил даврига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этиши, ўз қатлам сўзларининг барча соҳаларда кенг қўлланиши, зарур тушунча, маънони ифодалаш имкониятига эгаллиги билан белгиланади. Туркий сўзларнинг муайян қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида айни шакл ва маъноларда ишлатилади. Айрим туркий сўзлар семантик ўзгаришлар билан қўлланади. Семантик ўзгаришлар маъно торайиши, маъно кенгайиши ҳодисалари билан изоҳланади. Сўз семантикасида маъно зидлиги ҳам кузатилади. Таҳлиллар асарда қўлланган полисемантик сўзларда маъно торайиши кўп кузатилишини кўрсатди. «Қутадғу билиг»даги туркий сўзларнинг маълум қисми ҳозирда ўзбек адабий тили доирасида истеъмолдан чиққан, аммо бошқа туркий тиллар, ўзбек шевалари таркибида сақланиб қолган. Бу ҳодиса шева ва лаҳжаларни луғат бойлигини сақловчи асосий манба сифатида таъкидлашга хизмат қилади.

2. «Қутадғу билиг» матнида қадимги туркий рун битиклари, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-хақойиқ», Замахшарийнинг «Муқаддиматул-адаб», муаллифи номаълум «Ўғузнома» сингари манбалар тилида кузатилмайдиган лексик бирликлар учради. Бу ҳолат Юсуф Хос Ҳожибнинг қадимги туркий тилга хос сўзларни қўллаш билан бирга нофаол лексик бирликларни оммалаштиргани, янги сўзларни истифода этганидан далолат беради.

3. «Қутадғу билиг» лексикасидаги ўзлашмалар арабча, форс-тожикча, санскритча, сўғдча, хитойча сўзлардан иборат. Ўзлашма қатламнинг асосий қисмини (11%) арабча сўзлар ташкил этади. Бу ҳолат ўша давр сиёсий-ижтимоий, адабий-маданий, маърифий муҳитида араб тили, араб ёзуви, араб мафкурасининг тутган ўрни билан изоҳланади. Арабча ўзлашмалар ислом динига оид турли мулоҳазалар, илмий тушунчаларни баён қилишда фаол

қўлланган. Арабча сўзларнинг маълум қисми айни шаклда, айримлари фонетик ва семантик ўзгаришлар билан ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилади. Арабча сўзларнинг оз қисмигина бугунги кунга қадар истеъмолдан чиққан.

Асар матнида форс-тожикча ўзлашмалар арабча ўзлашмаларга нисбатан кам (3%). Ҳафта кунлари, дори номларини билдирувчи форс-тожикча ўзлашмалар фаол қўлланган. Айрим форс-тожикча ўзлашмалар ҳозирги ўзбек адабий тилида фонетик, семантик ўзгаришлар билан ишлатилади.

«Қутадғу билиг»да санскритча ўзлашмалардан, асосан, дори номларини ифодалашда фойдаланилган. Хитойча ўзлашмалар сўз бойлигининг 0,15%ини ташкил қилиб, асосан, мато номларини билдиради. Мато номлари XI аср қорахонийлар салтанати ва Хитой империяси орасидаги савдо-сотик алоқаларининг ривожланиш даражасини кўрсатади.

4. Панднома лексикаси муаллиф маҳорати, мавзу талабига кўра турли ижтимоий соҳага доир маъно ва тушунчаларни ифодаловчи тизимни воқелантирган. Асар лексикасининг асосини ижтимоий-сиёсий, савдо-сотик, ҳарбий, тиббий терминлар, антропонимлар, озиқ-овқат ва ичимлик номлари ташкил этади. Давлатлар ўртасидаги дастлабки дипломатик муносабатларни ифодаловчи тушунчалар айнан «Қутадғу билиг»да берилган. Асар тилида акс этган ҳарбий лексика ҳарбий тизимга алоқадор шахс отлари, қурол-яроғ, аслаҳа ва тактик амалиёт номларини ўз ичига олади. Асар матнидаги тиббий терминлар туркий халқлар табобати тизимига хос тушунчаларни ифода этган. Тиббий терминлар шахс отлари, дори-дармон номлари, инсон табиати, органик мавжудот сифатидаги моҳиятини акс эттирган.

5. «Қутадғу билиг» матнидаги кўчма маъноли лексемалар туркий тилларнинг семантик имкониятларини ёритишда, маъновий ўзгаришларни таҳлил қилишда, муаллифнинг бадиий маҳоратини очиб беришда аҳамиятлидир. Метафора, метонимия, синекдоха усулларидаги коннотатив маънолар асар бадииятини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Метафора асар матнида фаол қўлланган кўчим турларидан бири сифатида сўзнинг ифода имкониятлари, бадиий қудрати, семантик мундарижасини намоён қилишга хизмат қилган. «Қутадғу билиг»да метафоранинг муаллиф услубига хос кўринишлари кўп

учрайди. Метонимия семемалар ўртасидаги алоқадорлик муносабатларини акс эттирган бўлса, синекдоха бутун-қисм муносабатларини воқелантиришда ўзига хос ўрин тутган.

6.«Қутадғу билиг» матнида кўп қўлланган, ўзига хос тасвир воситаларидан бири ўхшатиш (ташбех)дир. Ўхшатиш воситалари орқали муаллиф ўзига хос ифодалар яратган. Жумладан, зоонимлардан ижобий фазилатларни тасвирлашда унумли фойдаланган. Юсуф Хос Ҳожиб қўллаган образли ифодалар кейинги давр адабиётида ҳам аксини топган.

7. Достон матнидан тўпланган 50га яқин синонимик қаторнинг асосий қисмини шахс феъл-атворини билдирувчи сўзлар ташкил этади. Синонимик қаторларнинг 90%и туркий сўзлардан иборат. Шу жиҳатдан асар эски туркий тил даврига хос сўзлар мужассамланган манба сифатида ҳам қадрлидир. Ундаги синонимик қаторларнинг 40 фоизга яқини ҳозирда ўзбек адабий тили доирасида қўлланади, айримлари истеъмолдан чиққан, муайян фоизи ҳозирги ўзбек адабий тили, қардош туркий тиллар ёхуд шеваларда сақланиб қолган.

8.Омоним лексемалар таҳлили туркий тилларга хос омонимия табиатини ёритиш, тажнис санъати, сўз ўйини намуналарини ўрганишда ўзига хос ўрин тутди. Асардаги омонимия шаклий парадигмани воқелантиришда, асар бадииятини таъминлашда, муаллиф тафаккурини акс эттиришда муҳим аҳамият касб этган.

9.Асардаги антонимлар фикрни қарама-қарши, зиддиятда, яққол оппозицияда ифодалаш усулларини таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Юсуф Хос Ҳожиб бир байтда икки-уч антонимик жуфтликни қўллаб, образли таъсирчанликка эришган.

«Қутадғу билиг»даги синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар, омонимлар бир қатор умумтуркий сўзлар тарихини ўрганиш, улар тараққиётида юз берган фонетик, лексик-семантик, грамматик жараёнларни кузатиш, туркий тил, хусусан, ўзбек адабий тилининг ифода имкониятлари ва бадиий тасвир воситаси сифатидаги қийматини ёритишда муҳимдир. Бадиий тасвир яратишда образли ифодалар, эмоционал-экспрессив сўзлар, тасвирий воситалардан фойдаланиш «Қутадғу билиг» тилини янада жозибадор қилган.

## Шартли қисқартмалар

**АНАТИЛ** – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I, II, III, IV жилдлар –Т.:Фан, 1985-1987.

**БН** – Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.–Т., 1989.

**ДТС**– Древнетюркский словарь.–Л., 1969.

**ДЛТ**– Махмуд Кошғарий.Девону луғотит турк.(I,II,III жилдлар).–Т., 1963.

**СУЯ** –Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-II. –Т., 1966, 1971.

**ТАХ**–Алишер Навоий.Тарихи анбиё ва ҳукамо.XVI жилд.–Т.:Фан, 2000.

**ТМА**–Alisher Navoiy. Tarixi muluki ajam. O'n besh tomlik. T.14.–Т.:Fan, 2000.

**ТРСл**– Турецко-русский словарь. –М.:Русский язык, 1977.

**ЭСТЯ**– Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. М.:Наука.1974–1994.

**ЎТЭЛ**– Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар)–Т.: Университет, 2000; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2003; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (форсча, тожикча бирликлар ва ула билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2009.

**ЎТИЛ**– Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I, II, III, IV, V жилдлар– Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.

**ҚБН**– Каримов Қ. Қутадғу билиг. Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф.–Т.:Фан,1972; Kutadgu bilig. B. Fergana Nüshası (Taşkent Davlat Şarkşünaslik Institutı Huzuridagi Abu Rayhan Beruniy namli Şark kolyazmalari merkezi 1809.nr).–Ankara, 2015.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар**

- 1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Т.: Ўзбекистон, 2016.–56 б.
- 1.2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. Т.:Ўзбекистон, 2017. –48 б.
- 1.3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик– ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.–Т.: Ўзбекистон, 2017.–104 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 25 май.

### **II. Илмий-назарий адабиётлар**

#### **(монография, патент, илмий тўпламлар)**

- 2.1. Abdurahmonov G‘. To‘xliyev B., Rustamov A., Dadaboyev H. Qutadg‘u bilig. I, II, III, IV, V jildlar. –Toshkent: Jahon print, 2011.Т.I.2001. –145 б. Т. II. 2011. –129 б. Т. III. 2011. –256 б. Т. IV-V. 2011. –190 б.
- 2.2. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиши ҳақида. –Т., 1999. –88 б.
- 2.3. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973. –320 б.

- 2.4. Абдурауф Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари.–Самарқанд, 1929. – 128 б.
- 2.5. Абдурахмонов Ҳ. Махмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т.:Fan, 1981. – 60 б.
- 2.6. Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. – Т.: Akademnashr, 2008. – 192 б.
- 2.7. Abu Ali ibn Sino.Tib qonunlari.III kitob.–Т., 1992. –157 б.
- 2.8. Алишер Навоий.Тарихи анбиё ва ҳукамо. XVI жилд.–Т.:Фан, 2000. – 245 б.
- 2.9. Alisher Navoiy.Tarixi muluki ajam. O‘n besh tomlik.T.14.–Toshkent: Fan, 2000.–143 b.
- 2.10. Arat R.R. Kutadgu bilig. I. Metin. –Istanbul,1947; II Tercüme. –Ankara, 1959. –716 б.
- 2.11. Arat R.R. Kutadgu bilig (Indeks).–Istanbul, 1979. –580 б.
- 2.12. Ahmedov B. Amir Temur O‘gitalari.–Т.: O‘zbekiston, 2007. –96 б.
- 2.13. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: Фан, 1983. –157 б.
- 2.14. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Т.: Фан, 1985. –200 б.
- 2.15. Bombacı A. Kutadgu bilig hakkında bazı mulahazalar.–Istanbul, 1953. –60 с.
- 2.16. Vambery H. Uigurische Sprachmonumente Kudatku Bilik. –Innsbruck, 1870. –177 s.
- 2.17. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. – Т.: Фан, 1990. –213 с.
- 2.18. Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –186 с.
- 2.19. Дадабоев Ҳ.Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи.–Т.:Фан, 2007. –156 б.

- 2.20. Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”нинг тил хусусиятлари.–Т., 2017. –135 б.
- 2.21. Dankoff R. Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig). A Turko-Islamic Mirror for Princes.–Chicago, 1983. –279 p.
- 2.22. Dilaçar A. Kutadgu Bilig Incelemesi. – Ankara, 1972. –203 s.
- 2.23. Ercilasun A.B. Kutadgu Bilig Grameri- Fiil. – Ankara, 1984. –254 s.
- 2.24. Jaubert A. Notice d’un manuskrit turk en characters ouigours. Journal Asiatique.–Paris, 1825. –P. 78-95.
- 2.25. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”.–Т., 1989. –366 б.
- 2.26. Исҳоқов М., Раҳмонов Н., Содиқов Қ., Тўхлиев Б. Ўлмас обидалар. – Т.: Фан.1966.– 301 б.
- 2.27. Исҳоқов М., Содиқов Қ., Омонов Қ. Мангу битиглар. –Т., 2009.–115 б.
- 2.28. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – 159 б.
- 2.29. Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X-XII асрлар)–Т., 2009. – 146 б.
- 2.30. Касиева А. Антропоморфная метафора в поэме «Кутадгу билиг» и особенности перевода ее на английский язык. Sosyal Bilimler Dergisi. Sayı:15, 2006.–142 с.
- 2.31. Kâşgarlı Mahmûd. Divânü lugâti’t-türk. –Istanbul, 2005.–725 б.
- 2.32. Klaproth J. Abhandlung über die sprache und schrift der uiguren.– Paris.Nachdruck der Ausgabe von 1820 mit einem Vorwort von Wolfgang Ekkehard Scharlipp Hamburg, 1985. –68 s.
- 2.33. Cusup Balasagun. Kuttuu bilim (Çev. Kozubekov T.).–Frunze, 1988. – 496 б.
- 2.34. Cusup Balasagun. Kuttuu bilim (Çev. Sidikov S.) I, II, III Cilt.–Bişkek, 2013. –331 s.

- 2.35. Кононов А.Н. Юсуф Баласагунский. Благодатное знание.–М.:Наука, 1983. –517 с.
- 2.36. Лутфий. Сенсан севарим. –Т.:Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. –365 б.
- 2.37. Маллаев Н.Ўзбек адабиёти тарихи.–Т.: Ўқитувчи, 1976. –659 б.
- 2.38. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков.–М.–Л., 1952. –118 с.
- 2.39. Малов С. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. –М. –Л., 1951. –452 с.
- 2.40. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (I,II,III жилдлар).–Т., 1963. Т. I. 1960. –499 б. Т. II. 1961. –427 б. Т. III. 1963. –466 б.
- 2.41. Маҳмуд Кошғарий Девону луғати-т-турк (Туркий сўзлар девони). С.Муталлибов таржимаси асосида қайта ишланган, тўлдирилган, ўзгартишлар киритилган мукамал нашри. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –484 б.
- 2.42. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: Фан, 1975. –140 б.
- 2.43. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 284 б.
- 2.44. Миртожиев М. Туркий туб сўзлар. – Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – 397 б.
- 2.45. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент, 1978. – 82 б.
- 2.46. Мусаев К. Лексикология тюркских языков. –М.: Наука, 1984. –228 с.
- 2.47. Наджип Э.Н. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV вв. –М.: Наука, 1989. – 282 с.
- 2.48. Radloff W. Das Kudatku Bilik des Jusuf Chass- Hadschib aus Bälasagun. T. I. Der Text in Transcription. –St-Petersburg, 1891.–560 s.
- 2.49. Rafiyev A., Qo‘nishev J. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. –Т.: Yangi nashr, 2012. –163 b.
- 2.50. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами.– Т.:Университет, 2001. –350 б.

- 2.51. Решетов.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси.–Т., 1978. –232 с.
- 2.52. Sayfullayeva R., Qurbonova M.Mengliyev V. va boshqalar. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. –Тошкент, 2005. –403 б.
- 2.53. Содиков Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. –207 б.
- 2.54. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi.–Т., 2009. –369 б.
- 2.55. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков (лексика).–Москва:Наука, 2001. –908 с.
- 2.56. Стеблева И. В. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. –М.: Наука, 1971. –299 с.
- 2.57. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. –Т.: Akademnashr, 2012.
- 2.58. Тўхлиев Б. Вопросы поэтики «Кутадгу билиг» Юсуфа Хос Хаджиба.–Т., 2004. –119 б.
- 2.59. Тўхлиев Б., Сидиков Қ., Иботов С. Кутадғу билиг. Тўртликлар. –Т., 2010. –127 б.
- 2.60. Чўлпон. Яна олдим созимни. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.– 462 б.
- 2.61. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. - Т.: ЎзФА нашр., 1962. –371 б.
- 2.62. Усманова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика.–Т.: Фан, 2010. –229 б.
- 2.63. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 510 б.
- 2.64. O‘zbek xalq maqollari. – Т.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009. – 127 b.

- 2.65. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. –М. –Л.: Изд. Акад.наук, 1962. – 274 с.
- 2.66. Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. Издание подготовил С.Иванов. –М.:Наука, 1983. –540 с.
- 2.67. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ.Каримов).–Т.:Фан, 1972. –965 б.
- 2.68. Юсуф Хос Ҳожиб.Қутадғу билиг (Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи Ф.Равшанов).–Т.:Академнашр, 2015. –540 б.
- 2.69. Yusuf Has Hacib. Kutadgu bilig. A. Viyana Nüshası (Wien, ÖNB, Cod A.F.13).–Ankara, 2015. –95 s.
- 2.70. Yusuf Has Hacib. Kutadgu bilig. B. Fergana Nüshası (Taşkent Davlat Şarkşünaslik Institutı Huzuridagi Abu Rayhan Beryniy namli Şark kolyazmalari merkezi 1809.nr).–Ankara, 2015. –225 s.
- 2.71. Yusuf Has Hacib. Kutadgu bilig. C. Kahire Nüshası (Dāru’l-kutub va’l-vasāiki’l-kavmiyya tasavvuf turki 168. nr).–Ankara, 2015. –196 s.
- 2.72. Yusuf Has Hâcib. Kutadgu bilig.Türk dünyasi kitaplığı.–Eskişehir, 2013.–56 s.
- 2.73. Hartmann M. Zur metrischen form des “Kutadgu bilik” / Kaleti Szemle.– Berlin, 1902. –S. 141-153.
- 2.74. Ҳусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –125 б.; 2-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1997. –134 б.

### **III Диссертация ва авторефератлар**

- 3.1. Абдувалиева Д. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.–Т., 2017.– 159 б.
- 3.2. Абдужаббарова Ф. «Қутадғу билиг»даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол. фан. номз... дисс.–Т., 2011.–162 б.

- 3.3. Абдуллаев Ф. Арабизмы в узбекском языке. Дисс. канд. филол. наук. –Т., 1945. –102 с.
- 3.4. Абдуллаев Х. Халқ мақолларининг «Кутадғу билиг» поэтикасидаги ўрни ва бадий-эстетик функциялари. Филол. фан. номз....дисс. –Т., 2005. –152 б.
- 3.5. Абдурахманов И. Полисемия и антонимия в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 1973. –22 с.
- 3.6. Абдурахмонова Б. Таълим босқичларида «Кутадғу билиг»ни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Педагогика фан. номз...дисс.автореф.–Т., 2007. –22 б.
- 3.7. Абдушукуров Б.Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол.фан. док.... дисс. – Т., 2017. – 259 б.
- 3.8. Абенова К. Лексическое отношение односложных корней современного казахского языка к письменным памятникам XI-XII веков («Кутадгу билиг», “Хибат-ул хакайик”). Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Алматы, 1994. – 25 с.
- 3.9. Аликулов Т. Полисемия имен существительных в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Т., 1966. – 24 с.
- 3.10. Арзиев Р. Лексико-стилистические особенности языка поэмы «Кутадгу билиг» Юсуфа Хос Хаджиба. Автореф. дисс. канд. филол. наук.–Алматы, 1991. –22 с.
- 3.11. Валитова А.А.Юсуф Баласагунский и его “Кутадгу билик”. Автореф. дисс.... канд. филол. наук.–М., 1951.
- 3.12. Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке. Дисс....канд.филол.наук.–Т., 1981. –21 с.
- 3.13. Ёўлдошев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. док...дисс.–Тошкент, 2009. –314 б.

- 3.14. Исабеков Б. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Т.: 1973. –22 с.
- 3.15. Каримов К. Категория падежа в языке «Кутадғу билиг». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.–Ташкент,1962. –25 с.
- 3.16. Мўминова А. Ўзбек тилида мансаб ва унвон номларининг лексик-семантик таркиби. Филол. фан .ном. ...дисс. автореф. –Т., 2000. –25 б.
- 3.17. Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия. Филол.фан. док....дисс. –Т., 2016. –245 б.
- 3.18. Рустамий С. Ўрта асрлар Ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар.Филол. фан. бўйича фан доктори (DSc) дисс. автореф. –Т., 2018. –33 б.
- 3.19. Сидиқов Қ. «Кутадғу билиг» тўртликларининг инглизча бадий таржима хусусиятлари. Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Т., 2010. –22 б.
- 3.20. Содиқов Қ. XI-XIV аср уйғур ёзувли туркий ёдгорликларнинг график-фонетик хусусиятлари.Филол. фан. док....дисс.–Т., 1992.–167 б.
- 3.21. Содиқов З. Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. доктори....дисс. –Т., 2010. –242 б.
- 3.22. Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.–Т., 2017. –150 б.
- 3.23. Тухлиев Б. Вопросы поэтики «Кутадғу билиг» Юсуфа Хас Хаджиба. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.–Ташкент,1983. –25 с.
- 3.24. Тўлаганова Н. Ҳозирги ўзбек шеърисида бадий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили. Филол. фан.номз....дисс. автореф. –Т., 2008. –22 б.

- 3.25. Усмонова Ш. Олтой тилларидаги муштарак маиший лексика тадқиқи. Филол. фан. док....дисс. автореф. –Т., 2011. –42 б.
- 3.26. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док...дисс. –Т., 2009. –325 б.
- 3.27. Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол.фан. док....дисс. автореф.–Т., 2015. –35 б.
- 3.28. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. Филол. фан. док. дисс. автореф. –Т., 1999. –46 б.
- 3.29. Қарлибаева Г. Ажиниёз асарлари тилининг семантик-стилистик хусусиятлари. Филол.фан.док. дисс.. автореф. –Нукус, 2017.
- 3.30. Қосимова С. XI – XIII асрларда Мовароуннаҳр тилшуносларининг араб грамматик назарияси бўйича илмий тадқиқотлари. Филол. фан. бўйича фалсафа док. (PhD) дисс. –Т., 2017. –160 б.

#### **IV. Тўплам ва журналлардаги мақолалар**

- 4.1. Abdullah Kök. Yüzyılda Türklerin Dünyasında Yusuf'un Tanıklığında 'Devlet'in Anlamı.– Modern Türklük Araştırmaları Dergisi.Cilt 13.– Ankara, 2016.–Б. 124-156 .
- 4.2. Абдуазизов А. «Қутадғу билиг» инглиз тилида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.–Т., 1993 йил 9 июль.–Б. 6-9.
- 4.3. Абдурахманов Г.А. К переводу «Қутадғу билиг» на русский язык // Советская тюркология, 1970. – №4. –С. 120-126.
- 4.4. Абдурахмонов Ғ. «Қутадғу билиг» танқидий матнини тайёрлаш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти.–Тошкент, 2006. – №4. – Б. 26-28.
- 4.5. Абдушукуров Б. Тематические группы лексического состава «Кысаи Рабгузи».Türkologiya. ISSN 0131-677X.–Baki, 2014.–С.36-40.

- 4.6. Aybice T., Havva S. U. The effects of religious culture and ethic knowledge textbooks on domestication in Turkey.–Procedia – SciVerse Science Direct. Social and behavioral sciences 46 ( 2012 ) 3497 – 3501.
- 4.7. Асаналиев У. Аширалиев К. «Кутадгу билиг» эстелигинин тилдик өзгөчөлүктөрү. – Фрунзе: Илим, 1965. –С. 55-61.
- 4.8. Баялиева Г. “Кутадгу билик” дастаны тилиндеги көпмағыналы сын сүмдөр // Тилтаным. Языкознание. –№1.–Алматы, 2003.–С.93-96.
- 4.9. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объектi // Ўзбек тили ва адабиети. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 35-39.
- 4.10. Бертельс Э. К вопросу о традиции в героическом эпосе тюркских народов // Советское востоковедение.IV.–М. –Л., 1977. –С. 73-79.
- 4.11. Bilge Ö.N. Kutadgu Bilig‘de Bağlama Grupları.–Modern Türklük Araştırmaları Dergisi.Cilt 13.–Ankara, 2016.–Б.193-205.
- 4.12. Благова Г. «Кутадгу билиг», “Бабурнаме” и методика историко-лингвистического сопоставления // СТ.–Баку, 1970. –№4.–С. 32-39 .
- 4.13. Болтабоев Х. Бахтлиланиш билими // Тил ва адабиёт таълими. – Т., 2009. –№11.–Б. 41-55.
- 4.14. Валиди А.З. Восточные рукописи в Ферганской области. – Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества, 1914, т. XXII СП., 1915. –С. 312-331.
- 4.15. Валитова А.А. О некоторых терминах в «Кутадгу билиг». Краткое сообщение Института народов Азии. Вып.63. – М., 1962. –С.111-123.
- 4.16. Валитова А.А. Юсуф Баласагунский и его «Кутадгу билиг». Краткое сообщение Института востоковедения. – М., 1952. – №4.–С.56-63.
- 4.17. Güljanat Kurmangaliyeva Ercilasun. Kutadgu Bilig‘deki Adalet Kavramının Geleneksel Kazak toplumundaki yansımaları:Kutadgu

- bilig'de va Kazak toplumunda adalet.– Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. Cilt 13.–Ankara, 2016.–Б. 158-165.
- 4.18. Дадабоев. Ҳ. Қадимги ёзма ёдгорликларда харбий лексика // Адабий мерос.–Т., 1980. –Б. 56-63.
- 4.19. Дадабаев Ҳ. Астрономик терминлар тарихидан. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. –Т., 1986.–Б. 94 -96.
- 4.20. Дадабаев Ҳ. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIVвв. Историко лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. –Т.:Фан, 1994.–Б. 32-43.
- 4.21. Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”да хайвон жинсининг ифодаланиши // Илмий хабарнома.– Андижон, 2009. – № 3.–Б.81-85.
- 4.22. Дадабоев Ҳ. Старотюркская дипломатическая терминология в XI – XIVвв // Историко – лингвистический анализ лексики старописьменных памятников.–Т.: Фан, 1994. –С.4-13.
- 4.23. Дадабоев Ҳ. «Кутадғу билиг» матнида бадиий актуаллашган лексик воситалар хусусида // Стилистика ва прагматика. Профессор С. Каримов таваллудининг 60-йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари.– Самарқанд, 2010. 4-5 июнь. –Б.48-52.
- 4.24. Дадабоев Ҳ. «Кутадғу билиг» даги синфий-табақавий терминлар парадигмаси // «Кутадғу билиг» – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. –Т., 2010.–Б. 67-72 .
- 4.25. Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”даги синонимлар хусусида. Лингвист II.–Т.:Akademnashr, 2011.–Б4-10.
- 4.26. Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит турк”да эркак ва урғочи маъносини ифодаловчи лексемалар. Ўзбекистонда филология илми ва таълими: Натижа ва истиқбол. Республика филолог олимлари анжумани

- материаллари.– Самарқанд, 2016 йил 11-12 ноябрь. III жилд. –Б. 4-9.
- 4.27. Zafer Önler “Kutadgu bilig”de yer alan deyimler. Türk Dilleri Araştırmaları. Cilt 9. – 1999. –S. 119-186 .
- 4.28. Иботов С. «Қутадғу билиг»нинг бир таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти.–Т., 1967. –№2.–Б.42-47 .
- 4.29. Каримов Қ. “Қутадғу билиг”да учрайдиган шахс номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 2007. –№5.—Б.37-38 .
- 4.30. Касиева А. Лексико-семантический анализ метафор «Кутадгу билиг».–Бишкек , 2005. –С. 140-153.
- 4.31. Кононов А.Н. Слово о Юсуфе и его поэме «Кутадгу билиг» // Советская тюркология, 1970. –№4. –С.3-12.
- 4.32. Ли Чи «Қутадғу билиг» ва халқаро тадқиқотлар // Сирли олам.–Т., 1992. –Б.7-8.
- 4.33. Lütfiye G. K. Semiology in the teaching of history of art.– Science Direct. Procedia - Social and Behavioral Sciences 174 ( 2015 ) 3350 – 3357.
- 4.34. Малов С.Е. Кутадгу билиг-факсимиле // Советское востоковедение.–М. –Л.,1948. –С. 327-328.
- 4.35. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24.
- 4.36. Mehmet Ö. Çağdaş türk dillerinde “Kutdgu bilig” çevirileri.–Türk dilleri araştırmaları . –Ankara, 2004. – 14 (2004): I03-I26.
- 4.37. Mehmet V. Yaşname geleneği içinde Kutadgu Bilig ve Kutadgu Bilig‘de yaş konusu.– Modern Türklük Araştırmaları Dergisi.Cilt 13.–Ankara, 2016.–S.167-177 .
- 4.38. **Неъматов. Ҳ. «Қутадғу билиг» маърифий-ирфоний асар . «Қутадғу билиг» – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. –Т., 2010.**

- 4.39. Nuraniye H. E. Yusuf Has Hâcib Devrinde Kâşgar. Kutadgu Bilig'in Yazıldığı Çevresel va Bilimsel Arka Plan. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. Cilt 13.–Ankara, 2016.
- 4.40. Омонов Қ. Ўрта асрлардан қолган туркий тилдаги расмий ёзмаларда лексик бирликларнинг танланиши // ЎзМУ хабарлари.– Т., 2015.–№ 1/3.–Б.304-307.
- 4.41. Sertkaya O.F. Kutadgu Biligdeki Dörtükler üzerine // Türk Dilleri Araştırmaları Cilt 14. – Istanbul, 2004. –S. 67-77.
- 4.42. Сидиқов Қ. «Қутадғу билиг»нинг Ўзбекистонда ўрганилиш тарихидан // ЎзМУ хабарлари. –Т., 2015. –№1/3. –Б.282-284.
- 4.43. Содиқов З. «Қутадғу билиг» даги ўхшатишларни таржима ва табдил қилиш тамойиллари // Ўзбек тили ва адабиёти. –№ 3.–Т., 2007.
- 4.44. Sodiqov Q. Mangu qumaru // “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” gazetasi.–Т., 2010. –№ 50.
- 4.45. Содиқов Қ. «Қутадғу билиг» қўлёзма нусхаларининг чоғиштирма таҳлили // «Қутадғу билиг» – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. –Б. 49-60.
- 4.46. Султанов Б.Арабско-персидские заимования в «Кутадгу билиг» Юсуфа Баласогуни // Советская туркология. –№ 4.–Баку,1989.–С.14-19 .
- 4.47. Тенишев Э.Р. «Кутадгу билиг» и “Алтун ярук” // Советская тюркология.– Баку, 1970. –№ 4.–С.24-31.
- 4.48. Тошпўлатова Д. «Қутадғу билиг» асаридаги мақоллар таржимаси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти.–Т., 2006. –№5.–Б.39-42 .
- 4.49. Тўхлиев Б. Қадимги туркий тил луғати // Тил ва адабиёт таълими.– Т., 2003. –№1.–Б. 73-79 .
- 4.50. Умаров Э. «Қутадғу билиг» даги бир ибора тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти.–Т, 1970. –№ 6.–Б.64-66 .

- 4.51. Фазылов Э. Лексика «Кутадгу билиг» в древнетюркском словаре // Современный туркология.–Т., 1970. – № 4. –С.47-50.
- 4.52. Ömer S. N. Yusuf Hâs Hâcib ve Kutadgu Biligide Elçilik Mansıbı. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi.Cilt 13.–Ankara, 2016.–Б.103-121.
- 4.53. Özen Y. Ü. Kutadgu bilig‘de Düşünce Aktarımı. Modern Türklük Araştırmaları Dergisi.Cilt 13.–Ankara, 2016.–Б.167-177.

#### **V. Энциклопедия ва луғатлар**

- 5.1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-tom.–Т: Фан, 1983.–656 б.
- 5.2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II-tom.–Т: Фан, 1983.–656 б.
- 5.3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III-tom.–Т:Фан, 1984.–624 б.
- 5.4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV-tom.–Т:Фан, 1985.–636 б.
- 5.5. Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия [туркий тил (кипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа] (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов). –Т.:Ўзбекистон, 1968. –278 б.
- 5.6. Будагов Л.З. Сравнительный словарь турцко-татарских наречий. Том.ІІ-СПб, 1871. –753 с.
- 5.7. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. .–Т:Университет, 2003.–240 б.
- 5.8. Древнетюркский словарь (ДТС).–Л., 1969. –676 б.
- 5.9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати.–Т.: Ўқитувчи, 1984. –214 б.
- 5.10. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на гласные). – М.:Наука, 1974. – 767 б.

- 5.11. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на букву “Б”). – М.:Наука, 1978. –349 б.
- 5.12. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на буквы “В”, “Г” и “Д”). – М.:Наука, 1980. – 395 б.
- 5.13. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на буквы “Ж”, “Ж” и “Й”). – М.:Наука, 1989. – 291 б.
- 5.14. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков (Общетюркские и межтюркские основы на буквы “К”, “Қ”). – М.:Наука, 1997. –Б. 362.
- 5.15. Турецко-русский словарь. –М.:Русский язык, 1977. – 967 с.
- 5.16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. I. – 679 б.
- 5.17. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. II. – 671 б.
- 5.18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. III. – 687 б.
- 5.19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. IV. – 591 б.
- 5.20. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 405 б.
- 5.21. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар) – Т.: Университет, 2000. – 600 б.
- 5.22. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2003. – 600 б.
- 5.23. Ўзбек тилининг этимологик луғати (форсча, тожикча бирликлар ва ула билан ҳосилалар). – Т.: Университет, 2009. – 283 б.

- 5.24. Ўзбек халқ шевалари луғати.–Т., 1971.–406 б.
- 5.25. Ҳожиёв А.П. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. –163 б.
- 5.26. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1974. –307 б.

## **VI. Интернет сайтлари**

- 6.1. [www.google.uz](http://www.google.uz)
- 6.2. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
- 6.3. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
- 6.4. Science Direct
- 6.5. Web of science
- 6.6. [www.unesco.org.tr](http://www.unesco.org.tr)

